Мақола 2020 йил август ойида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев жамиятимиз тараққиёти учун энг муҳим стратегик вазифа сифатида эълон қилган “Учинчи Ренессанс” тушунчасининг таҳлилига бағишланган. Ренессанс тушунчаси мақола муаллифи томонидан сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг турли соҳаларидаги тараққиёт ва инновацион изланишлар натижасида маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнаши сифатида қаралади. Учинчи Ренессанс масаласини асослаш учун миллатимиз тарихидаги аввалги икки Ренессанс ҳақида қисқача маълумот берилади. Мустақил Ўзбекистоннинг ўз бой маданий меросини асраб-авайлаш ва қайта тиклаш борасидаги муваффақиятли тажрибаси учинчи Уйғониш даврининг пойдеворини ташкил эта оладиган объектив омиллар сифатида қаралмоқда. Янги Ренессанс даврининг шаклланишининг яна бир муҳим омил - бу миллий санъатнинг замонавий шакллари қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир. Хулосада муаллиф Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс ғояси миллий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида жамиятни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади, деган фикрни таъкидлайди.

Калит сўзлар: сиёсат, Уйғониш даври, маданият, санъат, мерос, тараққиёт, янгилик, пойдевор, омил, миллат, халқ, жамият, давлат, мустаҳкамлаш.

Akbar Hakimov

“From national revival to national progress”: reality and prospects

The article is devoted to the analysis of the concept of “Third Renaissance”, which was announced in August 2020 by the President of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev as the most important strategic task for the development of our society. The Renaissance is considered by the author of the article as the flourishing of culture and art, caused by development and innovative researches in the fields of economic, political and spiritual construction. In order to substantiate the question of the Third Renaissance, a brief description is given about the two previous Renaissances of national history. The successful experience of independent Uzbekistan in preserving and reviving the rich cultural heritage of the peoples of Uzbekistan is considered as objective factors that can form the foundation of the third Renaissance. An equally important condition for the formation of a new Renaissance is to support and promote the successful development of modern forms of national art. In conclusion, the author emphasizes the idea that the concept of the third renaissance in Uzbekistan contributes to the consolidation of society in order to achieve national progress and prosperity.

Keywords: politics, Renaissance, culture, art, heritage, progress, innovation, foundation, factor, nation, people, society, state, consolidation.



Рустам Сулаймонов

Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори, профессор

Археология мероси ва фани ҳақида баъзи мулоҳазалар

Бугунги кун илм-фани ва маданиятини археологиясиз тасаввур қилиш қийин. Негаки унинг сиз энг қадимги замонларда кечган турли жараёнларни тиклай олмаймиз. Айнан археология ёдгорликларида қадим ўтмишда яшаб ўтган одамларнинг ўзидан қолдирган моддий маданият излари сақланган бўлади. Ўтмиш моддий маданияти шаҳарлар, қалъалар, тош асри манзиллари ва улардан топилган эски буюмлардангина эмас, балки савдо йўллари, суғориш иншоотлари – ариқлар, тўғонлар ва кўприклар, муҳофаза иншоотлари – деворларда (масалан, Хитой буюк девори) ўз аксини топган. Экин-тикинчилар турмушига оид гувоҳликлар қадимги суғорма деҳқончилик амалга оширилган экин майдонларига тортилган эгатларда ҳам сақланиб қолган. Бу жараён Хоразмнинг суғорма деҳқончилик майдонларининг кўҳна ва ўрта асрларга оид пол (шоли экиладиган майдон) ва эгатлари XX аср аэрофотосуратларида яхшигина акс этган.

Умуман, бу дунёда яшаб ўтган одам борки, ундан қандайдир моддий маданият изи сақланиб қолади, жуда бўлмаганда изи қолмасада, унинг суяк қолдиқлари қолади. Демак, ҳозирги замон археология фани мураккаб кўп тармоқли илмий тадқиқотларга айланган. У геология, экология, палеоклиматология, ер юзи биосферанинг тарихи ҳамда бошқа бир қатор табиий фанлар билан ўзвий боғланган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Тош асрининг сўнгги босқичларида ишлаб чиқариш деҳқончилик



ва чорвачилик усулчилигига асосланган. Ушбу жараён ўрта тош¹ ва янги тош² даврларида юз бериб, даставвал Яқин Шарқда шаклланган ва қисқа муддатда бутун дунёга тарқаган. Туронда эса янги тош даврига келиб икки хил археологик маданият шаклланади: жанубдаги ўтроқ деҳқончилик маданияти ва шимолдаги дашту биёбонларда қарор топган чорвачилик археологик маданиятдир. Жез даврида деҳқончилик маданияти негизида шаҳарлашиш жараёни авж олиб, Гонур, Тўғолок, Дашли, Сополли, Жарқўтон каби илк шаҳарлар вужудга келади ва ривожлана бошлайди.

Шимолий ҳудудларнинг дашту биёбонларида чорвадор ва ярим кўчманчи Ямная (ёрма қабр), Катакомба³, Андроново⁴ чорвадор аҳолисини маданиятлари ривожланганини кўрамиз. Бу турли ҳудудларга мансуб археологик маданиятларнинг эгалари “қайси тилда гаплашган” деган савол туғилади. Тилшунослик фанининг бу соҳада илмий фаразлари кўп. Аммо ҳозирда ҳукмрон бўлган ностратик назариясига кўра, Евроосиё қитъасининг асосий тиллар гуруҳлари келиб чиқиши негизи сўнги палеолит даврида қандайдир археологик маданият вакиллари-дан тарқагани аниқланган. Аслида ностратик тиллар гуруҳлари икки гуруҳга бўлинади. Ғарбий гуруҳ сомиий-ҳомий ва ҳиндевропа тиллари-дан иборат бўлса, шарқий гуруҳга элам, дравид ва олтой тиллари киради. Айнан иккинчи гуруҳ энг қадимги тиллар гуруҳлари саналади. Яқин Шарқдаги энг эски ўтроқ маданият марказлари, яъни Ҳосилдор ярим ой – Миср, Шом ва Бобил қадимги цивилизацияларнинг негизи бўлиб, уларни айнан шарқий ностратик тилларига мансуб этник гуруҳлар яратгани ҳақида илмий фараз бор.

Туроннинг бепоён ҳудудларида қадим замонлардан олтой ва ҳинд европа тилларига мансуб аҳолининг ўзаро яқин борди-келдида яшаб келгани маълум. Масалан, “Авеста”га кўра, арья этноси (Амударё ҳавзаси) “Авеста” тилида сўзлашган бўлса, арийлар тушунмаган тилларда сўзлашган Турон аҳли (Сирдарё ҳавзаси), “Авеста” турлари (тўролар) сифатида илк олтой тиллари гуруҳи шеваларидан бирида сўзлашган, деган хулоса қилишимиз мумкин. Шу тарзда мазкур жараён Турон моддий ва маънавий маданиятининг сўнги босқичларига қадар ҳам ривожланиб келаверган.

Ўзбекистон ҳудудининг бугунги чегаралари 1924 йили совет империясининг сиёсий доиралари томонидан шакллантирилган. Лекин Ўз-

¹ Ўрта тош даври (мезолит) — тош даврининг милoddан олдинги XII – VII минг йилликлари билан даврлаштирилган босқичи.

² Янги тош даври (неолит) — тош даврининг милoddан олдинги VI – IV минг йилликлар билан даврлаштирилган босқичи.

³ Катакомба — ер ости лаҳадига йўлакча орқали кириладиган қабр тури.

⁴ Андроново маданияти — милoddан олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярми ва I минг йилликнинг бошида яшаган чорвадор уруғларнинг археология маданияти.



бекистон деганда қадимги маданияти Турон – Марказий Осиёнинг энг ривожланган минтақаларини қамраб олган кенгликни кўз олдимизга келтирамиз. Шу маънода Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” шеъридаги Олтой томонлардан топилган “Ўрхун хати”нинг тилга олиниши бежиз эмас, албатта. Хуллас, Ўзбекистон археологиясининг илмий муаммоларини ҳозирги чегаралари доирасида, сунъий чекловлар билан ўрганиб ҳам, тушуниб ҳам, ечиб ҳам бўлмайди.

1924 йилда бошланган миллий ҳудудий чегараланиш оқибатида қадимги Туркистонда совет республикаларининг сунъий чегаралари пайдо бўлди. Бу совет маъмуриятининг энг салоҳиятли ва иқтидорли этносларни жамлаган Туркистонни парчалаш мақсадида амалга оширилган. Энг муҳими учта хонлик маданий марказлари Ўзбекистонда сақланиб қолди. Мураккаб сиёсий ҳодиса саналмиш миллий-ҳудудий чегараланиш жараёни ҳатто 1938 йилгача давом этган. Бу совет ҳукуматининг миллий-истиклолчилик ҳаракатига⁵ қарши кураши якуни билан боғлиқ эди. Маҳаллий аҳоли онгидан Туркистон атамасини ўчириш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон географик тушунчалари юритила бошланди. Сунъий тузилган совет республикаларидаги аҳолининг туркий адабий тиллари туб ўзгаришга учраб, уларнинг грамматикалари империя марказидан юборилган Е. Поливанов⁶, К. Юдахин⁷ сингари яна бошқа тилшунос ва шарқшунослар тарафидан турли маҳаллий шевалар асосида шакллантирилди. Ахмет Байтурсинов⁸ каби миллий ватанпарварларнинг азалий – ягона тил, яъни Алишер Навоий тилини ҳимоя қилиб чиққан вакиллари, жумладан, жадидлар қатағонга учраганлар. Мазкур чегараланиш натижасида асосий тарихий марказлар, уларда сақланган археологик ва меъморий мерос намуналари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жамланди. Лекин бу моддий маданият ўзбекники ёки тожикники дегани эмас, балки аслида бутун минтақа халқларининг маданий мероси саналиб, унинг асл дурдоналари жаҳон маданияти хазинасининг ажралмас бўлаги эканини эсдан чиқармаслик керак. Уларни сақлаш ва биргаликда тадқиқ этиш, келажак авлодларга муносиб даражада қолдириш ҳозирги давр олимлари учун шарафдир.

Агар Туркистон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихига назар соладиган бўлсак, улар юртимиз Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг, аниқроғи, унинг илк йилларидан бошланади. Лекин археологиянинг мустақил фан йўналиши сифати-

⁵ Миллий-истиклолчилик ҳаракати — Туркистонда совет империясига қарши кўтарилган озодлик ҳаракати.

⁶ Евгений Поливанов (1891 – 1938) — рус тилшуноси, шарқшуноси ва адабиётшуноси.

⁷ Константин Юдахин (1890 – 1975) — рус туркшуноси, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги (1954).

⁸ Ахмет Байтурсинов (1872 – 1937) — қозоқ жамоат ва давлат арбоби, ўқитувчи, тилшунос, адабиётшунос, туркшунос, шоир ва таржимон.



да шаклланиши 1940 йили Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) “Ўрта Осиё археологияси” кафедраси ва 1943 йили Ўзбекистон ССР ФА таркибидаги Тарих ва археология институтининг очилишидан бошланади. Деярли етмиш йил ичида Ўзбекистонда археология фанининг барча йўналишлари шаклланиб, археология тадқиқотларининг ўрта мустақил мактаби вужудга келди. Биринчиси — Ўрта Осиё давлат университети таркибидаги Тошкент археология маркази, иккинчиси — Хоразм ва Орол бўйлари ҳудудида тадқиқотлар олиб борувчи Хоразм археология ва этнография мактаби (Москва, Тошкент, Нукус, Урганч мутахассислари иштирокида), учинчиси — 1970 йили Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан мазкур шаҳарда иш бошлаган энг йирик ва муҳим археология мактаби — Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти. Уларнинг республика миқёсидаги кенг қўламда дала археологик тадқиқотларини амалга ошириши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Ўзбекистондаги археология фани ҳақида гап кетар экан, унинг даврий ва ҳудудий чегараларини аниқлаш зарурати туғилади. Эндиликда энг қадимги одамларнинг юртимизда топилган излари миллион йилдан кам эмаслиги аниқланган. Аммо бу мамлакатимизнинг қадимги тош даврига оид ўзига хос маданияти бор дегани эмас. Ўзбекистоннинг мазкур чоғдаги одамлари ўз келиб чиқиши ва ирқий ҳамда маданий алоқалари нуқтаи назаридан Европа қитъасидаги Клектон⁹ ва Гейделберг¹⁰ манзилларидан бошлаб, Кара Бом¹¹, Томчибулоқ¹² ва Хитойдаги Шуйдунгоу¹³ манзиллари доирасига кирган трансконтинентал тарихий-маданий кенгликнинг ажралмас бўлагида шаклланган маданиятнинг илк одамларидан саналадилар. Бундан ташқари, Яқин Шарқда Фаластин, Ироқ, Эрон қадимги тош чоғи маданиятининг тараққиёти ҳам Турон ҳудудининг босқич маданиятига уйғун ва сингенетик тарзда алоқада бўлиб келган.

Қадимги тош чоғи шароитида 1500000 йил мобайнида тўртта кучли музлик даври бўлиб ўтган. Улар 100000 – 150000 йилга чўзилиб, музликлар оралиғидаги иссиқ мавсумлар қисқароқ — 50000 – 70000 йил давом этган. Айнан музлик даврларида Евроосиё аҳолиси асосан жануб томонга чекинган. Иссиқ иқлим ҳукмрон бўлгач, аҳоли яна ўрта кенглик

⁹ Клектон — илк қадимги тош даврининг (илк палеолит) тахминан 550000 – 475000 йил олдинги давр билан даврлаштирилган Ғарбий Европада археологик манзилгоҳ.

¹⁰ Гейделберг манзилгоҳи — Германиянинг Гейделберг шаҳри яқинидаги қадимги тош даврининг ўрта босқичи (ўрта палеолит)га оид манзилгоҳ.

¹¹ Кара Бом (жанубий олтойчасига Қора тош) — Россиянинг тоғли Олтой ҳудудида жойлашган, қадимги тош даврига оид манзилгоҳ.

¹² Томчибулоқ — Мўғулистоннинг тоғли ҳудудида жойлашган, қадимги тош даврига оид манзилгоҳ.

¹³ Шуйдунгоу — Хитойнинг Нингхиа Хуи мухтор вилоятида, Сариқ дарёнинг соҳили яқинида жойлашган манзилгоҳлар мажмуаси.



ва шимолий ҳудудларни қайта ўзлаштирган. Яъни одам ўлжа ва ўсимлик дунёси ортидан кўчиб юрган. У даврда чегара тушунчасининг ўзи бўлмай, қаерда яшаш имкони бўлса, инсон ўша жойда қўним топган.

Минтақанинг Ўзбекистон ҳудудидан топилган, қадимги тош чоғига оид муҳим кашфиётлардан бири Тешиктош¹⁴, иккинчиси Обираҳмат¹⁵ ғорида юз берган. Бу давр қадимги ўрта тош чоғ¹⁶, яъни неандертал одамлар яшаган босқич ҳисобланади. Улар охириги Вюрм музлиги¹⁷ давридаги қийин шароитларда ҳам Евроосиёнинг ўрта кенгликларида кун кечирганлар. Асосан музлик давридаги совуқлик туфайли суви қуриб қолган ғорлардан бошпана сифатида фойдаланиб, янги кашфиёти — оловларда исиниб жон сақлаганлар. Аҳоли ниҳоятда сийрак яшагани боис, турли оилавий уруғлараро никоҳлар кам бўлган, шу туфайли никоҳ алоқалари асосан уруғ ичидаги одатга айланган. Бунинг оқибатида насл бузилиб, туғилган кўплаб болалар узоқ яшамаганлар ва ўлим даражаси юқори бўлган.

Аксинча, бу даврларда Африка қитъаси — инсоният ватанида атроф муҳит барқарор бўлган. Шу туфайли бу қитъада одамлар тез кўпайиб, аҳоли зичлиги ортиб бораверган. Натижада уруғлараро рақобат ва никоҳ инсоннинг жисмоний тараққиётини жадаллаштирган. Бу эса 200 000 йил аввал у ерда ҳозирги замон ақл-идрокли одами — Ақлли одам¹⁸ шаклланишига имкон яратган. Ақлли одамларнинг қадимги ҳоминидлардан¹⁹ фарқи уларнинг турли ҳодисаларга бўлган муносабати, яъни жавоб ҳаракати тез бўлган. Ҳозиржавоблик хусусияти юксак бўлиб, ўзлигини, яъни шахсиятини англаш бошланган. Мен, сен, улар каби тушунчалар аҳамиятининг ошиб боришидан ўзлигига бўлган эътибори пайдо бўлиб, ўзчилик туйғуси шаклланган. Энди инсон ўз ҳиссиётларини ифодалашга ҳаракат қилган. Бунда тасвирий санъатнинг аҳамияти муҳим бўлиб, бошқаларга ахборот етказиш усули шакллана бошланган. Айни пайтда сўзлашув воситаси — тил фаолияти ҳам ривожланиб борган.

1938 — 1939 йилларда топилган Тешиктош одами А.П. Окладников²⁰ ва М.М. Герасимов²¹ томонидан неандертал кўринишдаги одам

¹⁴ Тешиктош ғори — Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғларида жойлашган, қадимги ўрта тош чоғига оид манзилгоҳ.

¹⁵ Обираҳмат ғори — Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғида жойлашган, қадимги ўрта тош чоғига оид манзилгоҳ.

¹⁶ Қадимги ўрта тош чоғи (ўрта палеолит) — тош даврининг милoddан олдинги 300000 — 30000 йилликлари билан даврлаштирилган босқичи.

¹⁷ Вюрм музлиги — милoddан олдинги 75000/70000 — 40000/35000 йилларни ўз ичига олувчи музлик чоғи.

¹⁸ Ақлли одам (лотинчасига homo- одам, sapiens- ақлли) — одамнинг 40000 йил бұрун Ер юзида асосан тарқаб бўлган энг қадимги тури.

¹⁹ Ҳоминидлар (лотинчасига hominidae) — сўт эмизувчиларнинг йўлдошлилар тармоғининг одамлар ва одамсимон маймунларни ўз ичига олган энг илғор оиласи.

²⁰ А.П. Окладников (1908 — 1981) — рус археологи, тарихчи, этнографи.

²¹ М.М. Герасимов (1907 — 1970) — рус антропологи, археологи.



сифатида фанга киритилган. Бу кашфиётнинг илмийгина эмас, сиёсий аҳамияти ҳам салмоғли эди. Сабаби Германия фашизмининг ирқий на-зариясига кўра, олий ирқ, ҳақиқий арийларнинг асл ватани Турон деб саналган. Аммо бу ҳудуддан неандертал одамнинг топилиши ушбу на-зарияни археологик факт орқали инкор қилишга асос бўлди. Аммо Гер-маниянинг таниқли антропологи Фон Вирхоф Тешиктошдан топилган бола неандертал одам эмас, чунки унинг калла чаноғининг тузилиши Ақлли одамга хос деган хулосага келган. Бу баҳс яна ўн йиллар давом этиб келди.

2003 йили Обираҳмат ғоридан яна бир одам қолдиғи топилди. Агар Тешиктош одами махсус маросимлар билан кўмилган бўлса, Обираҳ-мат одами ғорнинг ўн олтинчи қатлаmidан, майдаланиб кетган ҳайвон суяклари билан аралаш ҳолда топилган. Бу ўша даврдаги одамхўрлик одатининг оқибати бўлган. Мазкур одам калла суягининг таҳлили унда Ақлли одам ва неандертал одамнинг белгилари уйғунлашган ҳолда сақланганини кўрсатади. У 12 ёшли ўғил бола бўлиб, калла чаноғи ва тишларининг тузилиши Ақлли одамга, қулоқ чаноғининг суяклари эса, тузилиш жиҳатидан неандертал одамга хос бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам, Турон ҳудудлари ҳам Африка қатори қадимги гоминидларнинг та-раққиёти натижасида Ақлли одам даражасига етиши доирасига кирган ёки бу ерда неандертал ва Ақлли одамлар аралаш ҳолда яшаганлари сабаб Обираҳматда дурагай одам вужудга келган, деган икки муқобил хулосага келинган. Қадимги тош чоғига оид бу каби кашфиётлар архео-логия фанида камдан-кам учрайди.

Археология фанида ўрганилиши зарур бўлган муҳим соҳаси ҳозир-ги даврдаги вазиятга мутлақо тескари бўлган экологик шароитларда ин-сониятнинг доимо мослашиш йўллари топиб, маданиятини борган сари такомиллаштириб келгани масаласидир. Мисол учун, ҳозирги Қи-зилқум ва Қорақум саҳролари қадимги тош даврида яшнаган кўкалам-зор, дарёларнинг сув бўйларини тўқай ва бутазорлар эгаллаган ажойиб маскан бўлган. Милоддан олдинги VII – IV минг йилликлар ҳукм сурган бундай экологик манзара Атлантик давр²² деб аталади. Ўша пайтда бу-тун Ер шарида нам, серёмғир илиқ иқлим ҳукмрон бўлиб, саҳронинг ўзи бўлмаган, ҳозирги энг катта саҳро саналмиш Саҳройи Кабирда Нил каби катта дарёлар оқиб турган. Янги тош даври даврида иқлимнинг юмшоқ, экологик вазиятнинг барқарор бўлганини ўша замондаги дарёларнинг қуриб қолган ўзанлари ёнбағирларидаги қояларга тасвирланган қоятош битикларини ўзида акс эттиради. Уларда жирафа, фил, сув оти, ҳатто тимсоҳлар тасвирланган. Минтақамизда музликларнинг эриши натижа-сида эса, ҳозирги Қизилқум ва Хоразм атрофидаги чўлларда юзлаб сер-сув кўл ва кўлмаклар ҳосил бўлган. Амударё, Зарафшон ва Сирдарёга

²² Атлантик даври — Шимолий Европада Вюрм музлиги давридан кейинги даврнинг (голоцен) энг иссиқ ва энг нам даври.



эса бир қатор ирмоқлар қўшилган. Айни шу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг пасттекисликларида неолит даври Калтаминор маданияти²³ тарқалган.

Демак, бу даврда Қизилқум ўрнида даштлар, тўқайзорлар яшнаган бўлиб, ибтидоий термачилик, балиқчилик ва овчилик билан кун кечириш бирмунча осон кечган. Юзлаб майда манзилгоҳлари топилган Калтаминор маданиятининг келиб чиқиши Каспий денгизи бўйларида шаклланган Жебел ғорининг²⁴ мезолит босқичидаги маданияти билан боғлиқлиги аниқланган. Шу билан бирга, Жанубий Туркменистондан шаклланган ўтроқ деҳқончилик Жойтун маданияти²⁵ ҳам Жебел ғори мезолит давридан тарқалгани аниқланган. Айни пайтда Жойтун маданияти вужудга келган Копетдоғ²⁶ қир-адирларининг табиати қуруқ бўлиб, сувсиз майдонларидаги кичкина сойлик этакларида овчилик ва термачилик билан тирикчилик қилиш машғул бўлган. Шу сабабли, бу ер аҳолиси сунъий суғорма деҳқончилик маданиятини ўзлаштиришга мажбур бўлади. Шундай қилиб, икки ҳил экологик шароитда яшаган одамлар жанубда ўтроқ деҳқончилик, шимолий ўрта кенгликларда ибтидоий овчилик, термачилик ва балиқчилик билан машғул бўлган. Вақт ўтиши билан, бу ҳудудларда чорвачилик пайдо бўлган. Калтаминор маданияти манзилларидаги хўжалик ашёлари ва рўзғор қолдиқлари таркибидан кўплаб балиқ ва ёввойи ҳайвонларнинг ҳамда хонаки ҳайвон – қўйнинг суяклари топилган.

Ҳозирги Зарафшон дарёсининг қуйи этаклари, яъни Қизилқум ҳудудидан Оёқоғитма ўзанининг²⁷ қуриб қолган қирғоғида неолитга оид Оёқоғитма манзилгоҳи топилган. Милоддан олдинги VII – V минг йилликлар билан белгиланадиган мазкур манзилгоҳ ўз вақтида каттакон кўл атрофида жойлашгани аниқланган. Маданий қатламлар кўлга хос чўкинди қатламлари билан аралаш ҳолда учрайди. Ҳозир Оёқоғитманинг ўзани аввалги ўзандан 80 м чуқурликдан ўтиши ҳам аниқланган. Ҳозирда бу ерга баҳор, баъзан куз фаслларида сув келиб қолади. Шундан милоддан олдинги VII – V минг йилликлардан бугунга қадар Қизилқум майдони 80 метр кўтарилиб, Зарафшондан оқиб келадиган сув ер қатламини ўйиб, чуқурлашиб кетганини кузатишимиз мумкин. Манзилгоҳнинг ўзига хослиги бу ердан қўй, эчки, қорамол суякларидан ташқари, қадимда хонакилашган туя (камеллус бактрианус) суяклари ҳам топилган. Шундан Калтаминор маданияти вакиллари милоддан олдинги VII – VI минг йилликларда туяни ҳам хонакилаштирганлари ҳақи-

²³ Калтаминор маданияти — милоддан олдинги VII – III минг йилликка оид археология маданияти.

²⁴ Жебел ғори — Шарқий Каспий бўйидаги, ўрта тош чоғига оид манзилгоҳ.

²⁵ Жойтун маданияти — милоддан олдинги VI – V минг йилликка оид археология маданияти.

²⁶ Копетдоғ — Эрон ва Туркменистон ҳудудида жойлашган тоғ.

²⁷ Оёқоғитма — Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги янги тош даврига оид ёдгорлик.



да хулоса қилсак бўлади. Бу хилдаги туянинг тури йўқолиб кетганига Араб халифалиги истилосидан (VII – VIII асрлар) сўнг улар ўрнини Яқин Шарқнинг чопқир ва бир ўркакчи туялари – дромедарларнинг Туронга тарқалгани сабаб бўлган. Натижада минтақа иқлимига мослашган бир ўркакчи дурагай туя кўпайиб боради. Ҳозирги кунда Қозоғистон ва Туркманистонда учраб турган икки ўркакчи туялар ҳам маҳаллий туялар бўлмай, Мўғулистон туялари турининг вакилларидир. Улар бактриянусдан ўркакчлари устида ва бўйнида қалин қора ёли ва соқоли билан фарқланади. Милоддан олдинги IV – III минг йилликлар мобайнида иқлимнинг совуши ва сув тармоқларининг қуриши натижасида саҳролашув жараёни кучайиб борди. Калтаминор маданияти вакиллари шимолга – салқин серсув ҳудудларига кўчиб, ҳозирги Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Ўрол, Шарқий Украина (Мариупол маданияти²⁸) ҳудудларидаги кенглик бўйлаб тарқалганлар.

Калтаминор ва Жойтун маданиятлари вакиллари ўзида шимолий ва жанубий европача ирқларга хос қиёфани мужассам қилган йирик ва бақувват одамлар бўлишган. Энеолит²⁹ даврига келиб, улар яйлов чорва ҳўжалиги асосида бутун Евроосиё даштликлари ўзлаштирила бошланганлар. Ҳаёт тарзи кўчманчи бўлгани боис, бу халқларнинг манзиллари жуда кам учрайди. Улардан сақланиб қолган қўрғон-мозорлар маълум, холос. Аксарият ҳолларда улар наमत том билан ёпилган катта араваларга ҳўкиз қўшиб, кўчманчилик билан умр кечирганлар. Мария Гимбутас³⁰ айнан шу ярим кўчманчи халқлар милоддан олдинги III – II минг йилликларда Европа ҳудудларига кириб бориши натижада ҳиндевропа тиллари тарқалган, деган хулосага келган. Бу халқларнинг шарқий қисми Сибирдаги Афанасево маданияти³¹ номи билан маълум. Демак, Евроосиё ўрта кенглик даштларининг этногенез жараёнида Калтаминор одамларининг ҳал қилувчи иштирокини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон археология мероси турли хил табиий шароитларда сақланиб қолган. Улар баланд тоғлар, тоғолди қир ва адирлари, тоғ этакларидаги пасттекислик алювиал (ҳар хил даражадаги юмалоқ ва майда бўлақлардан (тош, тошлар, шағал, қум, лой) доимий сув оқимларининг консолидацияланган бўлақлари) дашт-у биёбонлари бўйлаб тарқалган. Айнан шу ҳудудлардан кўплаб археологик ашёлар учраб туради. Жез даврига келиб, дастлаб кичик ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари тараққий этади. Кўчиш жараёнлари натижасида ўзлаштирилган ҳудудлар ва суғорма деҳқончилик манзилларида илк давлатчилик ўчоқлари пай-

²⁸ Мариупол маданияти — милоддан олдинги V минг йилликнинг иккинчи ярмида, Дон ва Днепр дарёлари оралиғида тарқалган дашт ва ўрмон-дашт маданияти.

²⁹ Энеолит — милоддан олдинги IV – III минг йилликларни ўз ичига олувчи мис-тош чоғи.

³⁰ Мария Гимбутас (1921 – 1994) — америкалик археолог ва маданиятшунос.

³¹ Афанасево маданияти — милоддан олдинги III – II минг йиллик бошларида Жанубий Сибирда тарқалган археология маданияти.



до бўла бошлайди. Улар сирасига Копетдоғ ёнбағридаги Анау маданияти³² қўрғонлари, Зарафшон воҳасида Саразм³³ илк шаҳарлари каби яна бошқа бир қатор манзилгоҳларни келтиришимиз мумкин. Ушбу маданият вакиллари милоддан олдинги IV – III минг йилликларда ўз манзилгоҳлари тараққиётининг илк шаҳарчилик босқичига эришадилар.

Милоддан олдинги III минг йиллик ўрталарида ялпи табиий ҳодиса рўй бериб, Ўрта денгиз тубида жойлашган Санторин вулкони³⁴ портлайди. Натижада, бу даҳшатли вулқон Яқин Шарқ, Жанубий Европа, Шимолӣ Африкада вужудга келган илк цивилизация куртакларига катта зарар етказди. Айрим мутахассислар мазкур илк маданият ўчоқларини Платоннинг³⁵ китобида тилга олган афсонавий Атлантлар цивилизациясига³⁶ боғлайдилар. Вулқон отилиши натижасида осмонни қора тутун қоплаб, бир неча йил мобайнида тарқалмай ер юзини кул қоплайди. Жон сақлаб қолган аҳоли эса, Европанинг шимоли ва асосан Осиё қитъасининг шарқига кўча бошлайди. Ушбу кўчишлар натижасида Шумер³⁷ ва Миср цивилизациялари шаклланади. Ҳатто Жанубий Франция ҳудудидаги энеолит даври эгалари шимоли-шарққа чекиниб, 100 – 200 йил мобайнида шимолий Тангридоғ ва жанубий Олтой ҳудудларига келиб жойлашадилар. Айнан улар скифларнинг узоқ аجدодлари эдилар.

Сурия – Хитит³⁸ юртларидан асосий кўчиш Шарққа, яъни Турон йўналишида бўлган. Натижада, Сополли³⁹, Жарқўтон⁴⁰, Гонур⁴¹, Тоголок⁴², Дашли 3⁴³ каби шаҳарсимон илк манзиллар пайдо бўлади. Ҳиндистон ҳудудларида бу сингари маданият Джхукар маданияти⁴⁴ деб аталиб, унинг Сополли маданиятидан деярли фарқи йўқ. Яқинда Ўш шаҳрига яқин жойдан шу маданиятга мансуб шаҳарча топилган. Умуман, археология фанида бу маданият Бахрёна-Марғиёна археология мажмуаси (БМАМ) деб номланади.

1991 йили қадимги Сиангача⁴⁵ бориб келган А.А. Асқаров ушбу ҳу-

³² Анов маданияти — милоддан олдинги IV – I минг йиллик биринчи ярмида Туркменистоннинг Копетдоғ этакларида тарқалган археология маданияти.

³³ Саразм — милоддан олдинги IV минг йиллик — III минг йилликнинг охирига оид ёдгорлик.

³⁴ Санторини вулкони — Эгей денгизидagi Кира, Тира ва Ўрта денгиз соҳилидаги вулқон.

³⁵ Платон (милоддан олдинги 428/427 – 348/347) — юнон файласуфи.

³⁶ Атлантлар цивилизацияси — Платон асарларида келтирилган афсонавий орол-давлат.

³⁷ Шумер — Ироқ ҳудудида милоддан олдинги IV минг йилликларга оид халқ ва жой.

³⁸ Хитит — милоддан олдинги 1800 – 1180 йилларда Кичик Осиёда хетлар томонидан асос солинган давлат.

³⁹ Сополли — Сурхондарё вилоятининг Музрбод туманида жойлашган, милоддан олдинги II – I минг йилликларга оид ёдгорлик.

⁴⁰ Жарқўтон — Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган, милоддан олдинги II минг йилликка оид ёдгорлик.

⁴¹ Гонур — Туркменистоннинг жануби-шарқидagi Мурғоб ариғининг ўнг қирғоғида жойлашган, жез даври ёдгорлиги.

⁴² Тоголок — Туркменистондаги жез чоғига оид ёдгорлик.

⁴³ Дашли 3 — Афғонистондаги жез чоғига оид ёдгорлик.

⁴⁴ Джхукар маданияти — Ҳиндистон ғарбидаги археология маданияти.

⁴⁵ Сиан — Хитойнинг марказий қисмида, Вейхе дарёси (Ҳуанхе дарёси ирмоғи) водийсида



дуддаги қатор музейлардаги жез даврига оид ашёлар билан танишиб чиқиб, “Сополли маданияти Узоқ Шарққа таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлиб келдим”, деб ахборот берган эди. Ҳақиқатдан ҳам, қадимги Хуанхе ҳавзасидаги⁴⁶ илк ўтроқ деҳқончилик маданияти милоддан олдинги V – III минг йилликларга мансуб Яншао маданияти⁴⁷ ҳисобланади. Яншао маданиятининг иқтисодиёти тариқ экиш, чўчқа ва ит боқишга таянган. Аҳолиси олтой тиллари гуруҳига мансуб тилда гаплашган бўлиши мумкин. Айни Сополлитепа маданияти гуллаб-яшнаган даврда Яншао маданияти жойлашган ҳудудларга ғарбдан, яъни бизнинг минтақамиздан янги маданият кириб борганини таъкидлаш жоиз. Бу ерда арпа ва буғдой экилиши, қўй ва қорамол, кейинчалик от боқиш анъанаси пайдо бўлади. Шу билан бирга, юсак даражадаги жез металлургияси ривожлана бошлайди. Бундай хўжалик тури Турондан Хитой ҳудудига кириб боргани исбот талаб қилмайди. Лекин Хитой археологиясида бу маданият Луншан маданияти⁴⁸ Хитой мутахассислари фикрича, бу маданият маҳаллий шароитларда шаклланиб, шу ернинг ўзида ривожланган. Аслида Луншан маданияти маркасларидан бирига (Ся давлати⁴⁹) милоддан олдинги XXII асрда биринчи хитой этноси вакиллари Хуанхенинг ўнг соҳилидан чап соҳилида жойлашган шимолий ҳудудларга кўчиб, шу ерни ўз қавми учун макон қилганлар (Гун афсонаси⁵⁰) ва Ся давлатига асос солганлар. Тарихда шундан бошлаб Хитой цивилизацияси ва давлатчилиги пайдо бўлади.

БММ маданияти ёдгорликларида дастлабки саройлар, эҳромлар, шоҳона мақбаралар, девор билан ўралган илк шаҳарлар намуналарини кўрамиз. Эҳромларда тинимсиз ёниб турган олов бўлиб, эҳромларнинг махсус оқ ганч билан сувалган хоналаридаги ерга кўмилган хумларидан муқаддас ичимлик – хаомани тайёрладиган наша, кўкнори ва эфедра ўсимликларининг янчилган ҳолда пояси ва уруғлари топилган. Аммо бу маданият қабрларидаги майитлар лаҳадга оёқ-қўли букланган ва ёнбош ҳолда турли-туман безак ва қуроллари билан бирга кўмилгани аниқланган. Ҳатто нафис ясалган сопол идишларда овқатларнинг қолдиқлари, саватларда қўйнинг сони ёки қўли ёҳуд бутунлигича ётқизилган қўйларнинг суяклари ҳам учрайди. Зодагонларнинг қабрларидан турли ҳажмдаги жез, қумуш ва олтин идишларда овқат қолдиқлари

жойлашган шаҳар.

⁴⁶ Хуанхе — Хитойдаги дарё.

⁴⁷ Яншао маданияти — милоддан олдинги V – III минг йилликларда Хитойда (Сариқ дарёнинг ўрта қисми) тарқалган археология маданияти.

⁴⁸ Луншан маданияти — милоддан олдинги II минг йилликнинг биринчи ярмида Сариқ дарё ҳавзасида тарқалган археология маданияти.

⁴⁹ Ся давлати — Хитойда милоддан олдинги 2070 – 1765 йилларда ҳукмронлик қилган илк давлат.

⁵⁰ Гун афсонаси — Қадимги Хитойдаги танаси илон, боши қизил сочли одам тасвирли “сув худоси” афсонаси.



сақланган. Милоддан олдинги II минг йилликнинг ўрталарида шимолий даштлардаги (Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги шимолий ҳудудлари) чорвадор аҳоли – арийлар, яъни Андроново маданияти вакиллари – йилқичилик ва металлургия билан шўғулланган. Бу жанговар халқлар ўз юртларидаги даштликларда юз берган қахатчилик натижасида ватанларини ташлаб бутун Евроосиё қитъасининг жанубий ҳудудларига, яъни ўтроқ деҳқончилик маданияти устивор бўлган ҳудудларга кириб келадилар. Арийлар тез чопар отлар қўшилган икки филдиракли аравачаларида ҳаракатланганлар. Улар арава устида турган ҳолда ёйдан ўқ отиб ёки найза улоқтириб жанг олиб бориш услубини қўллаганлар. Бундай жанг услубига қадимий Шарқнинг пиёда аскарлари бардош бера олмаганлар. Арий(орий)лар ҳатто Европага бостириб кириб Крит маданиятига⁵¹ барҳам берганлар ва айнаи чоғда янги Микена маданиятини⁵² ривожига ҳисса қўшганлар. Мисрни босиб олгач эса, Гиксослар сулоласига⁵³ асос солганлар.

Иккидарё оралиғида (Месопатамия) ҳам Касситлар⁵⁴ номи билан машҳур бўлган йилқичи-чорвадорлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Улар Хитойдаги Ся давлатини емиргач, ўрнига Шан Ин давлати⁵⁵ пайдо бўлади. Улар қўним топган Турон ва Ҳиндистонда бу давр “Авеста” ва “Ригведа”нинг энг қадимги маъбудларига бағишланган яшлари ёки мадҳиялари шаклланиши даври ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг турли жойларида Андроново маданияти манзилгоҳлари учрайди. А.А. Асқаров, Н.А. Аванесова, Т.Ш. Ширинов тадқиқотларига кўра, айнаи шу пайтда Сополлитепа шаҳар ва манзилгоҳларида Андроново маданиятига хос одатлар ва буюмлар тарқала бошлайди. Айниқса, бу қабрлардаги кўмиш маросимларида ва Жарқўтон эҳромида ўтказилган диний маросимлар қолдиқларида яққол кўринади.

Муҳими, шу даврга хос Андроново маданиятининг уруш қуроллари – тез чопар енгил аравачалари Хитойдаги Шан Ин маданиятидан бошлаб, то Ҳиндистон, Эрон, Европа ва Мисрга қадар кенг тарқайди. Хусусан, Мисрнинг Янги подшолик сулоласининг⁵⁶ асосчиларидан бири машҳур Рамзес II⁵⁷ ўзининг тошбўртмаларида уруш аравачасида ёй-

⁵¹ Крит маданияти — Крит (Ўрта денгизи) оролларида тарқалган жез (милоддан олдинги 2700 – 1400 йиллар) даври маданияти.

⁵² Микена маданияти — Юнонистонда милоддан олдинги XVI – XI асрларда тарқалган маданият.

⁵³ Гиксослар — милоддан олдинги XVIII – XVI асрларда қадимги Мисрнинг бир қисmini босиб олган қабила.

⁵⁴ Касситлар — Гарбий Эроннинг тоғли ҳудудларида милоддан олдинги VII асрда яшаган қадимий қабила.

⁵⁵ Шан Ин — милоддан олдинги 1554 – 1046 йилларда Сариқ дарёнинг чиқиш қисмидан шимолга Буюк Хитой текислигига қадар бўлган ерларда мавжуд бўлган қишлоқ.

⁵⁶ Янги подшолик сулоласи — Мисрнинг милоддан олдинги XVI – VII асрларда ҳукмронлик қилган беш подшолик сулоласидан бири.

⁵⁷ Рамзес II — Мисрнинг тахминан милоддан олдинги 1279 – 1213 йилларда ҳукмронлик қил-



дан ўқ отиб турган ҳолда ифодаланган. Амударё хазинасидан топилган Митр (Митра) қуёш худоси (арийлар қуёшга сиғинганлар) олтин ҳайкалча-си ҳам икки қанотли отлар қўшилган уруш аравачаси устида акс эттирилган.

Кўп ўтмай, яъни милoddан олдинги XIV – XIII асрлардан бошлаб янги археологик маданият – илк темир маданияти (ёки геометрик шаклда безалган қўлолчилик маданияти) бутун Турон ҳудудларига тарқалади. Бу геометрик нақш Евроосиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Масалан, Ҳомер даври⁵⁸ қўлолчилик маҳсулотларида айнан шундай геометрик нақшларни қўзатиш мумкин. Аммо бу археологик маданият қаердан тарқалгани ҳануз маълум эмас. Ушбу маданият вакиллари дастлаб қиш фаслида муваққат муҳофазаланган қўрғонларда жон сақлаб, ёзда эса яйловларга кўчиб ўтиб рўзғор тебратганлар. Энг муҳим жиҳати, аввалгидек мурдаларини ерга қўймай, балки уларнинг тозаланган сўяқларини тоғу-тош ёки тепалик устида ташлаб кетганлар, ё бўлмаса, ўралар қазиб тош-шағал, сопол синиқларининг устига тозаланган сўяқлар кўмилган. Бу “Авеста”да ифодаланган зардуштийларнинг кўмиш маросимларига мос келади. Демак, Ўзбекистон ҳудудидаги илк темир маданияти ёдгорликлари “Авеста” талқинидаги аҳоли тарафидан қўлдирилгани аниқ. Буни эроний тилли адабиётларда қайд этилган “пайғамбари аввалин”, “боғбони биҳишт” нисбалари билан машҳур Зардушт даври, унинг ижоди, у мансуб маданият соҳиблари – арийлар ва турлар жамиятлари сифатида тушунсак бўлади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ўз тавсифини топган Эрон ва Туроннинг тарихий даврлаштирилиши пешдодийлар, кайёнийлар ва сосонийлардан иборат бўлса, Марказий Осиёнинг илк темир асри каёнийлар сулоласи ва “Авеста” матнларининг шаклланиш даврига тўғри келади. Айни шу даврда ҳозиргача сақланиб ривожланиб келаётган асосий тарихий маданият воҳа ва юртлар – “Авеста” даҳюлари (деҳлар) ва уларнинг пойтахт шаҳарлари шаклланиш бошлайди: Суғдда Гава (Кўктепа), Самарқанд, Кеш, Нахшаб; Фарғонада Чуст ва Ўш; Хуросонда Марв (Яздепе), Балх шаҳарлари пайдо бўлади. Улар ичида энг йириги шаҳарлар онаси Балх бўлган. “Авеста” маълумотларига кўра, Балх кависи Виштаспа Зардушт таълимотини оиласи билан қабул қилиб, бир неча вилоятлардан иборат давлатига тарқата бошлайди. Натижада, Балхда илк бор диний қарама-қаршилиқ кучайиб, урушлар бошланиб кетади. Зардуштни турлар вакили Аржатаспа орқасидан ханжар уриб ҳалок этади. Аммо Виштаспа сиёсати туфайли Зардушт таълимоти аввалига Бохтарга, кейин эса қўшни минтақаларга тарқалиб кетади.

Милoddан олдинги X асрда Элам ва Бобил ҳудудларига етиб бор-

ган фиръавни.

⁵⁸ Ҳомер даври — милoddан олдинги I минг йилликнинг биринчи ярмида яшаган қадимги юнон шоири-ҳикоячиси номи билан аталувчи давр.



ган парс қабилалари Аҳурамаздани яхши билганлар. Аҳамонийлардан аввалги йирик давлатни ташкил этган Мидия шоҳлари Дайяукка, Каштарита ва бошқалар ҳам ўз давлатида диний фаолиятни муғлар, яъни руҳонийлар орқали бошқарганлари маълум. Мидия давлати⁵⁹ милoddан олдинги VII – VI асрларда юксалиб, шу даврда Амударё этаклари хорасмийлар тарафидан ўзлаштирилади, биринчи ариқ (Полвонёб) ва Хумбузтепа, Кўзалиқир каби қўрғонлар қурила бошланади.

Милoddан олдинги VI асрда Турон ерларининг катта қисми дунёнинг биринчи ва энг йирик империяси асосчилари аҳамонийлар томонидан босиб олинади. Шу тариқа, ўз давлатчилигини ривожлантираётган минтақага қадимги Ўрта Шарққа хос давлатчилик анъаналари кириб келган (сатрапиялар тизими, пул муомаласи, хўжаликдаги ҳосил ва даромадга қараб солиқ хажмини аниқлаш ва уни ягона талант бирлигида (1 талант – 25,92 кг) ҳисоблаш, девон хизмати, ҳисоб-китоб, почта хизмати ва бошқалар). Аҳамонийлар ҳукмронлиги 200 йил ҳукм сургач, милoddан олдинги IV асрда уларнинг ўрнини македониялик Александр бошчилигидаги давлат эгаллайди. У маҳаллий аҳоли билан муроса йўлини танлашга ҳаракат қилиб, Суғдиёнадаги йирик зодагон Вахшварнинг қизи Роксанага (Рухшона) уйланади. Бобилда эса ўз душмани Дарёвүш III қизи Барчинга (Барсиноя) ҳам уйланади ва ўз ҳокимиятини қонунлаштириш учун махсус маросим ўтказди. У Дарёвүш III нинг онасига тутунган ўғил сифатида каёнийлар мулкига қонуний меросхўр сифатида қабул қилинади. Шу боис, Ажам мулкинининг расмий тарихчилари Александрни каёнийлар сулоласининг сўнгги вакили сифатида тилга оладилар.

Александр ҳукмдорлиги чоғидан кейинги 200 йил давомида эллинизм даври маданияти⁶⁰ Туронда ривожланиб борди. Бунинг таъсири кўпроқ жанубий ҳудудларда – Парфия, Баҳди ва Жанубий Суғд ўлкаларида намоён бўлди. Меъморчилик ва худофаа иншоотлари, ҳунармандчилик соҳаларида эллинизмнинг таъсири яхши сақланган ва ўрганилган. Айниқса, Александрдан кейинги ижтимоий-иқтисодий ва маданий таъсир салавкийлар ва юнон-бохтар тангашунослигида яққол намоён бўлади. Хусусан, ўзбек давлатчилигининг Александр чоғидан то исломгача бўлган босқичида пул хўжалиги тизимида юнонларнинг кумуш драхмаси муҳим ўрин тутган. Ҳатто араб халифалиги пул тизими ҳам Византия пул тизими негизида шаклланиб, халифаликнинг пул бирлиги кумуш дирҳамлардан иборат бўлган.

⁵⁹ Мидия давлати — Эроннинг шимоли-ғарбида милoddан олдинги VII асрнинг 70 йиллари – VI асрнинг ўрталарида мавжуд бўлган давлат.

⁶⁰ Эллинизм даври — македониялик Александрнинг ҳукмронлигидан (милoddан олдинги 334 йил) Рим салтанати барпо бўлгунгача (милoddан олдинги 27 йил) даврда Ўрта денгиздан шарқий йўналишда тарқалган юнон маданияти.



Шу чоғдан бошлаб, Ўзбекистон тарихидаги воқеалар изчиллигини ўзлуксиз равишда то XX аср бошларигача ёзма манбалар асосида тиклаш имкони мавжуд. Шу билан бирга, бу чоғга мансуб археологик ашёлар ҳам сақланган бўлиб, улар асосан кўҳна ва ўрта асрлар чоғига дахлдордир. Кўҳна давр тарихи эса қисман чет эл ёзма манбаларида сақланган ва қисқа, ўзук-юлуқ маълумотлардан иборат. Маҳаллий қўл-ёзмалар нима учун сақланмагани Абу Райҳон Беруний томонидан аниқ айтиб ўтилган. Унга кўра, Хуросон ноиб ва амири Қутайба ибн Муслим ўз шафқатсизлиги, фанатизмлиги (маълум ғояга қаттиқ ишониш) боис халқимизнинг қадимги моддий-маданий мероси, осори-атиқалари, ноёб буюмлари ва эҳромлардаги ёдгорликлари, энг асосийси, муҳим маълумотлар берувчи қўл ёзма ҳужжатларини куйдириб, маҳаллий дин, тарих ва ёзувларни билган одамларни жисмонан йўқ қилиб юборган. Айрим тангалар етиб келган, холос. Бу даврни тиклашда тангашунослик ашёларининг аҳамияти беқиёс бўлиб қолмоқда.

Кўҳна давр ҳақида гап кетганда, унинг археологик ашёлари Хоразм ва Сурхондарё воҳаларида яққолроқ кўзга ташаланади. Хоразмда сақланган Қалъалиқир, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа каби катта-кичик шаҳар ва истеҳкомлар нафақат Оролбўйи шаҳарлашуви наъмунаси, балки бутун Хоразм цивилизацияси ҳақида сўз юритишга имкон беради. Ҳозирги кунларда Хоразмнинг милoddан олдинги II – I асрлардаги пойтахти вазифасини бажарган Аҳчахонқалъа шаҳри харобаларида қазилма ишлари олиб борилмоқда. Этиборга сазовор жиҳати шундаки, ўрганилган сарой ва эҳромлардан топилган ажойиб деворий суратларнинг қолдиқларида хоразмшоҳларнинг суратлари кўргазмаси мавжуд. Бундан ташқари, эҳромдаги деворий нақшда Аҳурамазданинг 8 метрли гавдаси акс эттирилган бўлиб, ердан то осмон қадар муҳитни ажратиб туриш манзараси, яъни космогония (самовий жисмлар ва уларнинг тизимлари: юлдузлар ва юлдузлар туркумлари, галактикалар, туманлиқлар, қуёш тизими, шу жумладан Қуёш, сунъий йўлдошли сайёралар, астероидлар, кометалар, метеоритларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганадиган фан) – бу моддий дунёни Аҳурамазда яратганига ишора бўлиб, зардуштийлик маданиятининг ноёб дурдонаси саналади.

Сурхондарё воҳасида эллинизм даврига оид кўплаб меъморчилик ва ҳунармандчилик санъати намуналари сақланиб қолган. Қолаверса, кушонийлар даврида Термиз ва унинг атрофи дунёнинг энг қадимги ва йирик динларидан бўлмиш буддавийлик марказларидан бирига айланган. Тадқиқотчилар томонидан бу ердан машҳур Гандҳара буддавийлик санъатидан аввал пайдо бўлган, милодий I – III асрларга мансуб Сангарамма ибодатхонаси (Фаёзтепа ва бошқалар), Қоратепадан қоятошга ўйиб ясалган ўнлаб эҳромлар, Зўрмўла номи билан юритилган катта-



кон ступа (ярим шар шаклида чизилган буддавийларнинг меъморий ва ҳайкалтарошлик иншооти) ва бошқа обидалар топилиб ўрганилди. Улар орасида диққатга сазовори Айритом буддавийлик ибодатхонаси бўлиб, у Амударё кечуви олдида XX асрнинг 30-йилларида М.Е. Массон томонидан тадқиқ этилган. Шу маънода қадимги Термиз ёдгорликлари бу ҳудудни Ҳиндистондан топилган ёдгорликлар қатори кушонийлар даврига оид қадимий диний марказлардан бири бўлиб келганини кўрсатади. Айнан шу ердан буддавийлик Марв воҳаси ва Шарқий Туркистон томонга тарқалган. Аммо Суғднинг зардуштий мабудлари буддавийлик тарғиботчиларини Суғдга киргизмаганлар. Лекин қайсидир маънода, бу даврда диний муроса ҳукм сурганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, Чағониёндаги Далварзинтепа харобаларидан кушонийлар даврига оид шаҳар топилган бўлиб, бу ерда буддавийликдан ташқари, маҳаллий динга тегишли ибодатхоналар очиб ўрганилган. Яна Далварзинтепа шахристонидаги зодагонларнинг маҳобатли уйларида бири-нинг саҳн шувоғи остига кўмилган қимматбаҳо бойлик – 36 кг олтин дафинаси топилган.

Суғд ўлкасининг қадимги даври шаҳарлари Ерқўрғон, Кўктепа, Узунқир ва Самарқанд Афросиёби ёдгорликлари археологлар томонидан ўрганилган. Улардан энг қадимгиси Самарқанд вилоятининг шимолий-ғарбий қисмидаги Кўктепа ёдгорлиги бўлиб, унинг энг қуйи қатламлари милoddан олдинги XIV асрга тегишли эканлиги аниқланган. Аммо қолган шаҳарларнинг пайдо бўлиш саналари унчалик аниқ бўлмай, тахминан милoddан олдинги IX – VIII асрларга мансуб деб ҳисобланади. Бу шаҳарларнинг аксарияти аҳамонийлар даврида янги деворлар билан ўралган. Александр босқини пайтларида эса, Самарқанднинг мудофаа иншоотлари бўзилиб, қайтадан тикланган. Бу замонда Кўктепа – қадимги Гава (Суғд), Кеш ва Нахшабда янги иншоотлар қадрослайди. Жумладан, Ерқўрғон (Нахшаб, аҳамонийлар ҳужжатларида Никшапая шаҳри) харобалари яхши сақланган бўлиб, XX асрнинг 70 – 80 йилларида бу ерда кенг кўламли қазिशма ишлари олиб борилган. Бироқ Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг кўҳна давр иморатлари яхши сақланмаган. Бунинг сабаби ўрта асрларга келиб кўҳна давр шаҳарлари устига янги шаҳарлар қурилгани билан боғлиқдир. Қадимги қатлам, шаҳар остидаги иншоотлардан деярли асар қолмаган. Ерқўрғон эса милoddий VI асрда, яъни Турк хоқонлиги даврида қайта тикланган. Аммо кўп ўтмай сосонийлар сулоласининг вакили Баҳром Чўбиннинг юриши ва талофатидан сўнг Ерқўрғон батамом вайрона бўлган.

Ерқўрғондаги қазिशма ишлари натижасида шаҳарнинг илк деворлари милoddан олдинги IX – VII асрларда бунёд этилиб, майдони кенгайган сари қайтадан янги мудофаа деворлари қурилгани аниқланган. Ички қисми турли соҳа ҳунармандларининг маҳаллаларидан иборат бў-



либ, шаҳарнинг майдони ва кўчаларида маҳобатли ижтимоий иншоотлар салобат тўкиб тургани аниқланган. Мудофаа девори устида қурилган арк ва махсус мудофаа буржи, ҳоким саройи, шаҳарнинг марказий ибодатхонаси ва эҳром, зардуштийлар даҳмаси сўз кетаётган даврда Суғд меъморчилиги нақадар юксак даражада бўлганини исботлайди. Афсусланарли жиҳати шундаки, барча иморатлар пахса ва хом ғишдан барпо этилгани боис, асрлар давомида нураб борган, айрим жойлари ўпирилиб тепаликларга айланиб қолган. Қадимги Суғд меъморчилигининг ушбу намуналарини қайта очиб, устини ёпиб, халқаро сайёҳлик доирасига киритиш режалари ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Фарғона водийсидаги аҳамонийлар даврига мансуб йирик шаҳар фанда Элатан шаҳри ёдгорлиги номи билан маълум бўлса, Чоч воҳасида милoddан олдинги III асрда Қанқа ва Шоҳрухия шаҳарлари қурила бошланган. Пойтахтимиз Тошкентнинг Шоштепа ёдгорлигида милoddан олдинги III – II асрларда биринчи Қуёш ибодатхонаси топилган. У айлана девор билан ўралган ва ички қисми хоч шаклидаги мажмуа кўринишида бўлган. Бу ерда Қуёш илоҳига сиғиниш маросими ўтказилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аслида хоч ва свастика (ҳоч – қадимги арийлар рамзи) шакли бутун дунё халқлари орасида қадимдан Қуёш рамзини ифодалаган.

Сирдарёнинг қуйи оқимида Куруш II⁶¹ ни енгиб, аҳамонийларнинг биринчи ҳужумини қайтарган массагет ва даҳлар маконлари пайдо бўла бошлайди. Натижада, дарёнинг қадимги қуйилиш қисми этагида даҳларнинг ўтроқ маконлари – Чирикработ маданияти⁶² ва унинг юкори оқимида массагетларнинг Жетиасар маданияти⁶³ – қўрғон ва қабр-қўрғонлар пайдо бўла бошлайди. Аммо милoddан олдинги III асрда навбатдаги тектоник кўтарилиш юз бериб натижасида Сирдарё қуйилиш қисмининг нишаби шимолга қараб оғади ва дарё ўзани шимол томонга бурилиб, янги ўзан ҳосил қилади. Унинг сувлари Орол денгизига шимол томондан қуйила бошлайди. Эски қуйилиш қисми ўзанлари Инқардарё, Қувандарё, Ақча дарёлар сувсиз қолгач, даҳлар барпо қилган воҳалар қурий бошлайди.

Қадимги даҳлар жанговор, ярим кўчманчи халқ бўлиб, улар тасаруфидаги яйловлар кўлами Волга (Итил) дарёсининг қуйи оқимидан то Тошкент воҳасига қадар чўзилган эди. Бу ҳудудларнинг ғарбий қисмида юнон манбаларида келтирилган савромат, сарматлар, шарқий қисмида хитой манбаларида қайд этилган кангюй номидаги элатлар яшаган. Қўрғоқ ҳудудлардан кўча бошлаган даҳларнинг бир қисми ўзига қардош

⁶¹ Куруш II — милoddан олдинги 558 – 530 йилларда ҳахоманишлар сулоласи етакчиси.

⁶² Чирикработ маданияти — милoddан олдинги V – II асрларда Орол денгизининг шарқий қисмида тарқалган ярим ўтроқ аҳоли маданияти.

⁶³ Жетиасар маданияти — милoddан олдинги VII – милодий VII асрлар билан даврлаштирилган археология маданияти.



сарматлар билан ғарб томон юриб, милодий I асрда дақлар номи билан Рим империясининг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳужумлар уюштирадилар. Рим императори Траян қурдирган бронза устунда от минган, қўлида аждар сурати туширилган байроқ тутган дақлар тасвирланган.

Даҳларнинг иккинчи бир қисми – парн қабилалари Арсак ва Тиридад (Абу Райҳон Берунийда Эрсак ва Тирсак) қўл остида Парфия ўлкасига юриб, милоддан олдинги III асрдаёқ уни қўлга киритади. Милоддан олдинги I асрда Буюк Митридад⁶⁴ даврида Парфия – паҳлавийлар салтанатининг чегаралари Кушондан то Месопотамияга қадар кенгайиб, Рим империясига хавф туғдирувчи кучга айланган. Шимоли-шарқда эса Суғд ерларидан Турива (Тароб) ва Казбион (Қарши воҳасидаги Каспи) ҳам ўша даврда паҳлавийлар қўлига ўтган.

Даҳларнинг асосий қисми Сир ва Аму бўйлаб шарқ ва жануби-шарқ томонга ҳужум қилиб борганлар. Улар Александр ворисларини тор-мор этиб, бир қисми Ҳиндикуш тоғларидан ўтиб Ҳинд дарёсининг юқори ва ўрта оқимларига жойлашганлар. Бу ерда даҳларнинг бир қатор майда мулклари – давлатчалари ташкил топган. Аждодлари аслида кўчманчи бўлган даҳлар милоддан олдинги V – IV асрларга келиб Сирдарёнинг қуйи оқимларига жойлашганлар ва экин-тикинчилик қилиб, шаҳарлар қурганлар, лекин улар қадимги шарқ тусидаги цивилизация даражасига эришган эдилар. Даҳларнинг меъморчилик иншоотлари ўзларининг подшоларига атаб қурган кўрғон шаклидаги ажойиб мақбаралар кўринишидаги анаъналаридан бошланган.

Бу иншоотлар тарҳида албатта доира, тўртбурчак ва хоч рамзлари уйғунлашган ҳолда учрайди. Бунинг сабаби ибтидоий даврлардан бошлаб осмон доира, ер тўртбурчак, қуёш эса хоч шаклида ифодаланганидир. Ҳатто қадимги скифлар ва хунларнинг кўрғонларида ҳам шу учликни кузатишимиз мумкин. Қабр ва қабр-кўрғонлар нариги дунёга очилган эшик ҳисобланиб, ушбу уч рамзни ўзида мужассам қилгани инсоннинг абадиятга қадам қўйганлиги ифодаси бўлган. Бундан шу хулоса чиқадики, жамики дафн иншоотлари ўз қиёфасига кўра қадимий космограмма, яъни икки дунёнинг ўтиш жойи сифатида тушунилган. Даҳлар кўчишининг сўнгги тўлқини Сирдарё юқори оқими бўйлаб борар экан, йўл-йўлакай сув ўтган ва ерни суғориш имкони бўлган майдонларини ўзлаштириб, янги истеҳкомлар қуриб, ўша ерларни обод қилиб кетаверганлар. Натижада, Сиғноқ, Саврон, Ўтрор, Ясси (Туркистон), Нўжкет (Чимкент), Исфижоб (Сайрам), Чач, Тароз ва бошқа шаҳар ва маконларга асос солинган. Улар орасида Туркистон, Тошкент ва Таразда юқорида тилга олинган қадимги даврга оид режага мос келувчи хоч шаклида қурилган ибодатхоналар топилган (масалан, Тошкентдаги Шоштепа ва Мингўрик). Даҳларнинг бир қисми Сирдарё бўйлаб бориб, Фарғона

⁶⁴ Буюк Митридат — Парфиянинг милоддан олдинги 171 – 138/137 йиллардаги ҳукмдори.



водийсини ҳам ўзлаштирганлар. Бу ерда ҳам хоч шаклидаги ибодат-хоналарни Арктепа, Билавуртепа ва Каркидон сув омбори олдидаги ёдгорликларда учратишимиз мумкин. Ҳаттоки, даҳларнинг бир қисми Шарқий Туркистон ҳудудига ҳам ўтган. Бу ҳақда хитой манбаларида ва йилномаларида маълумотлар учрайди.

Шу билан бирга, даҳларнинг асосий қисми Суғд ва Бахтар ўлкалари-га жойлашади. Даҳлар томонидан йирик қўрғон кўринишидаги шаҳарлар қурилган. Уларнинг тархи икки хил бўлган: квадрат шаклидаги баланд қаср, атрофи квадрат шаклидаги мудофаа девори билан ўралган. Унинг биринчи намунасини милoddан олдинги IV асрда Сирдарёнинг қўйи оқимида қурилган Бабишмула⁶⁵ қасрида кўриш мумкин. Туронда бу кўринишдаги энг йирик иншоот Қалъайи Заҳоки (Заҳак-Даҳак-Даҳ) Морон бўлиб, у уч қатор девор билан ўралган. Ҳозирда Қарши шаҳрининг жанубий қисмида, Ерқўрғондан 10 км масофада хароба кўринишида сақланиб қолган. Афсуски, ҳозирда бундай йирик ҳарбий қўрғоннинг бир қисмигина сақланиб қолган, холос.

Даҳлар тарафидан қурилган иккинчи тусдаги қўрғонлар тарҳи бўйича шаҳар майдонининг асосий қисми тўртбурчак девор билан ўраб олинган. Унинг ичида шаҳар аҳолиси жойлашган бўлиб, унинг бир бурчагида арк қад кўтарган. Бу каби қадимги шаҳарларнинг тарҳини Ўзбекистонгина эмас, балки бутун минтақада кўплаб учратишимиз мумкин. Бундан ташқари, Турон воҳалари даҳлар томонидан эгаллангач, ўтроқ воҳаларнинг атрофларида кўплаб кўчманчи аҳоли яшагани улар томонидан қолдирилган қабр-қўрғонлар орқали кузатиш имкони бор.

Даҳлар асос топган сулолалар Туронда милoddан олдинги II асрдан милодий III – IV асрларгача ҳукмронлик қилганлар. Бу даврда Суғднинг асосий маркази вазифасини Нахшаб бажарган. Самарқанд пойтахти Афросиёбда эса 70 гектар майдондагина аҳоли яшаган. Ерқўрғон яқинида қад кўтарган Қалъайи Заҳоки Мороннинг номи Кат бўлиб, топоним XX аср бошларигача сақланиб келган. XX аср бошларида унинг ёнбошига қурилган темир йўл бекатига, болшевикларнинг давлат тўнтаришидан сўнг Бехбудий номи берилган. Совет даврида бу ерлар Қарши шаҳарига қўшилиб кетган.

Бухоро воҳаси, Фарғона водийси ва Чоч воҳасидаги асосий кўҳна давр қўрғонлари ҳам мазкур асрларда қурилган. Хоразмдаги айнан шу замонга мансуб Ахчахон қўрғонининг подшоҳлар суратларида хоразмшоҳ ҳукмдорларининг қиёфалари бизгача етиб келган.

⁶⁵ Бабишмула — Орол денгизига Сирдарёнинг қуйилиш этагида жойлашган, милoddан олдинги IV асрга оид қаср-қўрғон.



Милодий III асрда Ер юзи бўйлаб қаҳатчилик ва қурғоқчилик ҳукм сурган. Унгача даҳларнинг авлодлари Сирдарё ўрта оқимининг Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятини⁶⁶, қуйироқда эса – Ўтрор ва Туркистон майдонларида Ўтрор – Қоратов маданиятларини⁶⁷ шакллантирган эдилар. Сирдарёнинг қуйи эски қуйилиш қисмида эса, қадимги массагетлар авлодларининг Жетиасар маданияти мавжуд эди. Бу даврнинг ўзига хос жиҳати Хитойдан то Европага қадар чўзилган шимолий даштликларда хунларнинг сон-саноқсиз қабилалари кўчиб юриши билан боғлиқдир. Хунлар таркибига турли-туман, майда кўчманчи маҳаллий қабилалар ҳам аралашиб кетган бўлиб, улар шу минтақа доирасида яшаганлар. Бироқ қурғоқчилик ва очарчилик даври бошлангач, кўчманчи қабилаларнинг иқтисодий таянчига путур етади. Уларнинг чорва моллари қирилиб кетади. Натижада, хунлар жон сақлаш мақсадида жанубга – ўтроқ аҳоли яшайдиган воҳа ва водийларга бостириб киришга мажбур бўладилар. Хитой, Ҳиндистон, Турон, Эрон ва Римнинг милодий III – IV асрларига оид манбаларида хунлар бостириб кириши ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Бу давр Европа адабиётларида ва қадимги дунё тарихида “Халқларнинг буюк кўчиши” номини олган.

Тилга олинган экологик инқироз Евроосиёдаги қадимги давлатларни ҳам четлаб ўтмади. Биринчи бўлиб, паҳлавийлар сулоласи таназзулга учради. Бунинг сабаби Эронинг субтропик минтақаларига қурғоқчиликнинг кучли таъсирида эди. Уларнинг ўрнига янги сулола – Сосонийлар пайдо бўлади. Кушонийлар эса ҳокимиятни эфталларга топширганлар. Хитойда эса хан сулоласи⁶⁸ тарих саҳнасидан тушиб кетади. Рим империяси ҳам таназзулга учраб, иккига бўлинган.

Милодий III аср ўрталарида сосонийлар сулоласи зулмидан қочган марвлик паҳлавийлар вакиллари Нахшабга келиб, ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар. Воҳа пойтахти бўлган марказлар – Ерқўрғон ва Қалъайи Заҳоки Моронда катта ободончилик ишларини олиб борганлар. Шаҳарларнинг мудофаа деворлари қайта тикланиб, Ерқўрғонда арк, сарой ва шаҳар ибодатхонаси қайта қурилади.

Хунлар жанубга юришларида Сирдарё бўйида шаклланган воҳалар аҳолисининг бир қисмини бирга кўчириб кетганлар. Натижада, Қовунчи

⁶⁶ Қовунчи маданияти — Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Қовунчитепа ёдгорлигидан дастлаб аниқланиб, кейинчалик милоддан олдинги II аср – милодий VI аср бошлари билан даврлаштирилган археология маданияти.

⁶⁷ Ўтрор – Қоратов маданияти — милоддан олдинги I аср – милодий VIII асрларда Сирдарё ўрта оқими, яъни Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида тарқалган археология маданияти.

⁶⁸ Хан сулоласи — милоддан олдинги 206 – милодий 220 йилларда Хитойни бошақарган хонадон.



маданияти вакиллари Суғднинг Самарқанд ва Кеш воҳаларига жойлашадилар. Ўтрор – Қоратов маданиятининг вакиллари эса Бухоро воҳасини ўзлаштиради. Сирдарё қўйи оқимининг эски қўйилиш қисмининг шимолида жойлашган Жетиасар маданияти вакилларининг бир бўлаги Хоразм воҳаси чегараларига бориб, Кердер мулкини⁶⁹ тузади. Қолган асосий бўлаги эса жануби-шарқий йўналишда Нахшаб воҳасига келиб, Марв сулоласи даҳларига қўшилиб кетади. Археологик жиҳатдан бу кўчишлар Туроннинг айрим ўлкалари қиёфасига туб ўзгаришлар киритади. Эндиликда кўҳна даврдан қолган марказлашган шаҳарлар ўз аҳамиятини йўқотиб, қадимги мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган йирик қишлоқларга айланади. Бутун воҳалар атрофлари ва ички қисмларида майдони кичик, мустаҳкам ҳимояланган катлар, кўшлар, коҳлар, қасрлар қурила бошланади. Бу жараёни С.П. Толстов Хоразмнинг Бургутқалъа ёдгорлигида⁷⁰ илк бор қайд қилган эди. Шу каби ҳолат Қарши – Нахшаб воҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Кўшк ва қасрларда анъанавий мудофаа қурилишлари (деворлар тузилишидаги тиркашлар, буржлар, дарвозалар, арк ва шахристон) сақланган ҳолда, уларнинг ҳажми ва майдони торайиб боради. Ҳатто кичиклари бир патриархал оила яшайдиган даражасига тушиб қолади. Бундан ташқари, баланд пойдевор устига – платформага кўтарилган мустаҳкам муҳофазаланган истеҳком ёнида зич қурилган хўжалик хоналари мажмуаси қаср ёки кўшлар деворнинг ёнбошидан ёки атрофидан қурила бошланади. Археологияда бу “ёнбош майдончали тепалар” атамаси билан ифодаланади. Бу каби юзлаб майда кат ва кўшларда патриархал оилалар яшаб, уларни уй эгалари – катхўдолар бошқарган. Ана шундай майда қасрлар меъморчилиги илк мулкӣ эгалик тузумини нишони ва натижаси сифатида намоён бўлади. Улар тарқоқ ҳолда, воҳаларнинг сўв манбалари бўйлаб қаторасига солинган. Бу каби майда манзиллардан ташкил топган ижтимоӣ тармоқлар Фарғона, Чоч, Суғд ўлкаларида ҳам пайдо бўлган. Бу ҳодиса хунларнинг ўзига хос ижтимоӣ муносабатларини ўтроқ воҳалар аҳолисига тарқатганлигининг натижаси эди. Мазкур манзара Туронда мулкӣ эгалик муносабатларининг ҳукмронлигидан далолат беради.

Бу даврда минтақада шаҳар маданияти анаъналари барбод бўлди, деган хулоса ўзини оқламайди. Йирик воҳаларнинг марказий ҳокимият ўчоқлари – пойтахт шаҳарлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, Нахшабда Ерқўрғон, Чочда Қанқа ривожланган бўлса, Марғиёнадаги

⁶⁹ Кердер мулки — Орол денгизи атрофидаги қадимги мулклик.

⁷⁰ Бургутқалъа — Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган жез даврига оид археология ёдгорлиги.



Марв шаҳри сосонийларнинг Хуросон вилояти маъмурий маркази ва-зифасини бажарган. Айнан IV – V асрларда Бухоро шаҳри ҳам кенгайиб боради. Бу даврда мамлакатнинг этник таркибидаги ўзгаришлар натижасида Сурхон воҳаси Тохаристон номини олиб, Хоразмда Кердер мулклиги пайдо бўлади.

Кўчиш жараёнлари ҳунармандчилик соҳасининг энг кенг тарқалган ва абадий сақланадиган қисми кулолчилик маҳсулотларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, III – IV асрларда кулолчилик маҳсулотлари ўз сифатини кескин равишда йўқотади. Йирик шаҳарларда кулолчилик анъаналари сақланган бўлса-да, идишлар тайёрланадиган лой ва уни безайдиган ранглар жилосига путур етади. Хаттоки, идишларга ташқи тарафдан сайқал бериб безатиш йўқолади. Муҳими, сопол идиш маҳсулотларининг турланиши буткул ўзгаради. Қадимги оёқ – паймона – бокал (суюқлик ичадиган идиш) каби ва кўҳна даврга хос бошқа нафис идишлар шакли йўқолиб, ўрнига содда коса, пиёла, қозон ва товоқлар тарқала бошлайди. Шаҳардан ташқаридаги майда қасрларда яшовчи хонадонларда қўлда ясалган сопол маҳсулотларига қайтилади. Чарх ишлатилмай қўйилгач, хонадон кулолчилиги аёлларнинг юмушига айланади. Қўлда ясаиб қуёш иссиғида қуриган маҳсулот гулхан оловида пиширилади. Бир пайтлар ҳунармандчилик ривожланган Суғд, Бохтар ва ҳатто Марвда ҳам Сирдарё ҳавзасида шаклланган Қовунчи, Ўтрор – Қоратов ва Жетиасар маданиятларининг кулолчилик анъаналарининг таъсири яққол билинади. Бу каби ўзгаришларни Суғд ва Бохтар меъморчилигида ҳам кузатиш мумкин.

IV асрда хунларнинг Ҳиндистонга қадар кириб боргани маҳалий тангалардан ҳам маълум. Хусусан, Михракула⁷¹ подшоши шимолий Ҳиндистонда ўз номидан танга зарб қилдиради. Эронда хунлар (хионий) сосонийлар қўшини таркибида Амида шаҳри⁷² қуршовида қатнашганлари ҳақида тарихчи Аман Марселин⁷³ хабар беради. V асрдан бошлаб, яъни эфталлар ва Турк хоқонлиги давларида қурғоқчилик мавсуми тугаб, Турон иқлим шароити мўътадиллашади. Салқин иқлим натижасида шаҳарлашиш жараёнлари яна авж олади. Суғд (Кеш ва Нахшаб), Тохаристон, Хоразм, Чоч, Фарғона каби йирик мулк эгалиklarининг марказлари ободонлашади. IV асрда қурилган юзлаб майда кат ва коҳлардаги ҳаёт сўниб, аҳоли ўсиб бораётган йирик мулк-ер эгаларининг қасрлари-

⁷¹ Михракула — 515 йил — VI аср ўртасида шимоли-ғарбий Ҳиндистонда ҳумронлик қилган эфталлий ҳукмдор.

⁷² Амида — шарқий Туркиянинг жанубий қисмидаги Диёрбакр шаҳри ҳудудида жойлашган қадимий шаҳар.

⁷³ Аман Марселин (IV аср) — римлик тарихчи.



га турли вазифаларни бажариш учун кўчирилади. Бу жараён асосан Турк хоқонлиги даврида амалга оширилиб йирик мулкдор деҳқонлар, яъни деҳ (қишлоқ) эгалари ўзлари учун мустаҳкам қасрлар қурдира бошлайдилар. Уларнинг баъзи бир вакиллари малик унвони остида маҳаллий зодагонларнинг вилоят ёки туман ҳудудларидаги мулкларининг бошқарувчи вазифасини бажарадилар. Уларнинг устидан назорат қилувчи Суғдда ихшид ёки афшин, Хоразмда хоразмшоҳ, Термизда термизшоҳ каби туркларнинг ябғу даражасидаги маҳаллий ҳокимият вакиллари тизими шаклланади. Шу билан бирга, бевосита Турк хоқони томонидан қўйилган назоратчилар – тудун ва тутуқлар тизими жорий этилади. Бироқ бу тизим мустаҳкам бўлмай, маҳаллий бошқарувда мулк эгаларининг мустақил фаолиятига катта эркинликлар берилган эди. Бу бош-бошдоқликка олиб келар эди. Мулк эгаларининг мазкур тарқоқлиги оқибатида Турон араб халифалиги ҳужумига дош беролмаган.

Араб халифалиги даврида ўрта аср моддий маданиятининг қиёфаси тубдан ўзгарган. Халифалик ўша даврнинг энг буюк империяси бўлиб, географик кўлами билан жанубий Европа ва шимолий Африкадан то Туронга қадар, денгиз йўллари бўйлаб Индонезия архипелаги ва ҳаттоки Япониянинг жанубий оролларига ҳам етиб борган эди. Қитъалараро “Буюк ипак йўли” бўйлаб халқаро савдо-сотиқ учун қулай имконият пайдо бўлади. Авваллари “Буюк ипак йўли”нинг Турон қисми суғдийлар қўлида бўлган бўлса, эндиликда бу йўللарни минтақа мусулмон савдогарлари ўз қўлларига оладилар. Ипак йўли бўйлаб савдо-сотиқ тизимини мусулмон савдогарларининг карвонсаройлари, араб тилида иш юритиш ва халифаликнинг халқаро пул вазифасини бажарган кумуш дирҳами бирлаштиради. Хусусан, Дамашқ ёки Бағдоддаги саррофларга минглаб дирҳамлар топширилиб, улар берган чеки орқали Хитойда жойлашган мусулмон карвонсаройлардаги саррофлардан ўша дирҳамларни олиб савдо қилиш имкони пайдо бўлади.

Ўзбекистон тоғларида тоғ-кон ҳунармандчилиги ривожланиб, Чоч, Фарғона, Уструшона, Марказий Суғд – Самарқанддаги, шунингдек Қизилқум каби ерлардаги конлар атрофида темирчилик, мисгарлик, заргарлик, тошйўнишлик каби ишлаб чиқариш марказлари ривожланади. Маъданларга бой Оҳангарон воҳаси Чочга ёндош Илоқ мулклигини ташкил қилиб, унинг сиёсий ва иқтисодий маркази Тункат Туроннинг йирик кончилик саноат марказига айланади. Шунингдек, Уструшонадаги Миқ ёки Муғ шаҳарчаси, Фарғонадаги Ахсикент шаҳарларида тайёрланган металлургия маҳсулотлари бутун халифалик бозорларига етиб боради.

“Буюк ипак йўли”даги фаолият шаҳарларнинг қиёфасини тубдан



ўзгартирди. Аввалги ҳажман кичик, лекин қалин девор билан ўралган, ички қисми зич икки-уч қаватли иморатлар билан тўлиб тошган шаҳарчаларнинг ўрнини янги, катта кўламдаги майдонларни эгаллаган шаҳарлар эгалайди. Бундай шаҳарларнинг кенг марказий кўчалари ва майдонларида савдо-сотиқ дўконлари ва устаконаларнинг барпо этилиши иқтисоднинг жадал ривожига олиб келди. Маҳобатли масжид, мадраса, мактаб ва хонақолар қурила бошлади. Илм-фан ривожланди. Шаҳарлар ташқарисидаги работлар, карвонсаройларда халқаро миқёсдаги савдо-сотиқ ривожланди. Бозорлар ихтисослашиб, мол бозори, дурадгорлар, мисгарлар, тўқимачилик маҳсулотлари бозорлари, кулолларнинг шахсий расталари пайдо бўла бошлади. Шаҳарлар атрофида карвонсаройлар ва сардобалардан ташқари, жума намозига мослаштирилган муссало ёки намозгоҳлар қурилди. Шу билан бирга, аслзодалар, бадавлат зодагонлар, бой савдогарлар ўзлари учун муҳташам қўرғону саройлар қурдириб, уларни ободончилигига катта эътибор бердилар.

Халифалик даврида Туронда қадимдан Иккидарё оралиғида маълум бўлган сирлаш услуби тарқалди. Уларнинг ишланиш турлари, услуби ва чизмаланиши ҳар бир вилоятда, ҳар бир асрда муайян даражада ўзгариб борган. Жумладан, IX – XIII асрларда Самарқанд, Бухоро, Чоч, Фарғона, Хоразм ва бошқа воҳаларнинг ўзига хос кулолчилик мактаблари шаклланган бўлиб, улардаги фарқлар яхши ўрганилган.

Бу давр кулолчилигида ёзувли нақшлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Улар сомонийлар даврида юксалиб, оқ рангдаги лаган ва косалар ичида куфий, насх ва бошқа ҳуснихат билан ёзилган қисқа оятлар, ҳадислар, рисола (бирор соҳага бағишланган асар, трактат) ва ҳикматлар билан безатилган.

Қорахонийлар давридан бошлаб Турон аҳли орасида араб тилининг муомаладан чиқиши оқибатида, араб тилли сиртлардаги ёзувлар ўрнига қаторлашган бир-икки ҳарфлардан иборат, маъносини йўқотган нақшлар эгаллайди.

Мўғуллар босқини давридаги талофатларга қарамай, археологик ашёлар сақланиб қолган. Бу даврда бутун бир шаҳарларнинг деворлари бузиб ташланиб, қасру қўшқлар бузиб юборилган. Ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик соҳасида ранг-баранг нақшлар ўрнига хитой кулолчилиги ва чинни асбобларга хос нақш – оқ таглик устидан кўк рангда табиат манзаралари – қушлар, ўсимлик новдалари ва гулларнинг чизилганини кўраимиз. Бу услуб XIX асргача сақланиб қолди.

Темурийлар даврида бу салтанатнинг асосчиси Амир Темурнинг қуд-



рати ва даҳолиги туфайли Турон ерида ҳақиқий уйғониш босқичи рўй берди. Нафақат давлатчилик, балки илм-фан ва маданият соҳаларида катта қўламдаги тикланишлар амалга ошди. Аслида янги Турон цивилизацияси яратилди.

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига археология фани нуқтаи назаридан ўта қисқа равишда кўз ташлаб ўтишнинг ўзиёқ, тарихий ва маданий меросимизнинг қанчалар улкан ва бойлигини кўрсатади, албатта. Шу маънода, бугунги энг бош вазифамиз мавжуд ёдгорликларни сақлаб қолиш, ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборатдир. Йиллар ўтган сайин кишиликнинг эҳтиёжи ортиб бораверади. Шаҳарлашув жараёни натижасида бунёд этилаётган янги шаҳар ва қишлоқлар, улар томон олиб борувчи йўллар, сув иншоотлари кўплаб археологик ва меъморий ёдгорликларга жиддий путур етказиши турган. Бунга оид мисоллар ҳам етарлидир.

Маданият вазирлигининг ахборотида кўра, XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда 7 000 га яқин археология ёдгорлиги бўлган. 2019 йилдаги маълумотга кўра, умуман республикада 4308 та археология ёдгорлиги ҳисобга олинган. Археология ва меъморий ёдгорликларнинг аксарият қисми совет давлати томонидан экин майдонларини кенгайтириш баҳонасида йўқ қилинди. Айниқса, 30 – 50-йиллардан Фарғона водийсида пахта далаларининг кенг қўламда кенгайиши оқибатида кўплаб ёдгорликлар текисланиб кетган. Бу жараён, аслида ва айниқса, ўтган асрнинг 60 – 80- йиллари авж олган эди.

Мустақиллик йилларида “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” қонуни (2009) қабул қилинганига қарамай, унинг амалий таъсири ўнчалик ҳам сезилгани йўқ. Жуда кўплаб ҳажман кичик ёдгорликлар йўқолиб борди. Ҳатто йирик ва машҳур бўлган археологик ёдгорликларга ҳам путур етказилмоқда. Мен шахсан ўзим кўп йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятидаги ёдгорликларда ишлаб келганман. Қарши шаҳрида Марказий Осиёнинг энг йирик Қалъайи Заҳоки Морон майдони (225 гектар) тўлиқ ўзлаштирилиб, иморатлар солиниб юборилган. Фақатгина марказдаги қаср бутун қолган, холос. Ҳатто унинг атрофидаги уч қатор деворлари устига ҳам замонавий уйлар солиб юборилган эди.

Қарши воҳасининг энг қўхна пойтахти Ерқўрғон харобаларининг ташқи деворлари XX асрнинг 70 – 80-йилларига қадар сақланган эди. Ҳозирга келиб эса ташқи деворлари деярли текисланиб юборилган. Қадимги шаҳар майдонлари ичида эса 5 – 10 йил аввал қурилган ёнилғи қуйиш шохобчаси ва меҳмонхона қад кўтариб турибди.



Сўнги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани сингари сўз кетаётган йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар тарихий-маданий меросимизни сақлаб, улардан оқилона фойдаланишга кенг йўл очиб беради. 2018 – 2019-йиллари Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси ва прокуратурасининг ҳамжиҳатликда олиб борган ҳаракатлари туфайли Қалъаи Заҳоки Мороннинг ички девор майдонлари устига солинган ноқонуний ўйлар бузилиб, аҳолиси кўчирилиб, ҳудуд тозаланди.

Сайёҳлик соҳаси ривожланган, энг пешқадам мамлакатларда ҳудудий “Археология боғ”лар тизими шаклланган. Минг километрли Буюк Хитой девори, Сиан ва Лоян қадимий шаҳарларининг археология боғлари, Япониядаги Дзёмон маданияти археология боғи, Миср, Россия ва Италиянинг археология боғларини мисол қилиб келтириш мумкин. Археология боғлари маълум бир мамлакат ёки ўлканинг ҳудудларида чекланган доирада сақланиб қолган тарихий ёдгорликларни асраш, уларни атроф-муҳит ва миллий, маҳаллий хусусиятлар билан боғлаш ҳамда у ерни муқаддас қадамжоларнинг ягона музей мажмуасига айлантириш мақсадида барпо этилади. У тарбиявий ва маданий-маърифий тадбирларини мустақил юритувчи иқтисодий ташкилот сифатида маданият ва сайёҳлик вазирликлари таркибида фаолият олиб боради. Юртимиз ўзининг тарихий географик тузилиши жиҳатидан айнан шу каби бир қатор тарихий воҳалардан иборат: Чоч, Фарғона, Хоразм, Сўғд (Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Нахшаб (Қарши) ва Сурхон (Тохаристон), Уструшана (Жиззах, Сирдарё).

Археология фанининг ва археологик меросни сақлаш соҳасида юқорида санаб ўтилган муаммолар билан боғлиқ яна бир масала – бу сақланиб қолган мавжуд мероснинг ҳудудий ўлчовидир. Бу борада ягона умуммиллий археология харитасини яратиш масаласи кўндаланг туради. Уни тузиб, улар ҳақидаги ахборотларни маданият вазирлиги Маданий мерос департаментининг маҳаллий бўлинмаларига етказиб бериш ва ёдгорликларни назоратга олиш зарур.



Рустам Сулайманов

Некоторые заметки об археологии и археологическом наследии

Статья посвящена краткой истории появления и развития археологических школ и центров Узбекистана. Рассматриваются вопросы освоения Средней Азии первыми гоминидами, а также культурогенеза и антропогенеза региона. В статье отражается процесс сложения и развития производящей экономики, в результате чего появляются первые земледельческие оазисы и их городские центры. В результате климатических изменений на огромных просторах Евразии увеличивается длина и широта миграции. В результате этого складываются первые крупные этнокультурные общности. В заключении рассматриваются памятники археологии Узбекистана в древности и средневековье и их использование в развитии инфраструктуры туризма. Памятники прошлого украшающие древние города живущие и сейчас имеют облагораживающее значение для современных жителей этих городов. Эстетика древней архитектуры продолжает учить возвышенному, прекрасному потомков своих создателей. Туристы далеких стран приезжают приобщиться к этому возвышенному и прекрасному. В передовых странах мира с современной индустрией туризма уже давно развита форма Археологических парков, которые объединяют в себе культурное наследие с туристической индустрией. Данным путем предстоит развиваться и нам.

Ключевые слова: ямная, катакомбная, Отрар-Каратовская культура, Мариупольская культура, Кердерское владение, Бабишмула, Михракүла, касситы, хитит, Сапалли.

Rustam Sulaymonov

Some considerations on archeology and archaeological heritage

The article begins with a brief history of the emergence and development of archaeological schools and centers in Uzbekistan. Further, the questions of the development of Central Asia by the first hominids and the problems of cultural genesis and anthropogenesis of Central Asia are considered. Let us consider the process of the formation and development of the producing economy, as a result of which the first agricultural oasis and their urban centers appear. Because of climatic changes in the vast expanses of Eurasia, the length and breadth of migration increased. As a result, the first large ethno-cultural communities were formed. In conclusion, the monuments of archeology of Uzbekistan are considered as a part of the ancient and Middle Ages state of Central Asia. The final part of the state examines the issues of archaeological monuments of Uzbekistan and their use in the development of tourism infrastructure. The monuments of the past that adorn the ancient cities that live and now have an ennobling value for the modern inhabitants of these cities. The aesthetics of ancient architecture continues to teach the sublime and beautiful and the descendants of their founders. Tourists from distant countries come to also join this sublime and beauty. In the advanced countries of the world with a developed tourism industry, the form of Archaeological Parks has long been developed, which combine the cultural heritage with the tourism industry. We have to develop in the same way.

Keywords: yamniy, catacomb, Ottrar-Karatov culture, Mariupol culture, Kerder possession, Babishmula, Mikhrakula, Kassites, xitit, Sapalli.



Шопўлат Шайдуллаев

Термиз давлат универститети
Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик
кафедраси мудир,
тарих фанлари доктори, профессор

Илк динлар тарихини ўрганишда услубий англашилмовчилик (археология манбалари ва янгича ёндашув)

Жаҳон динлари тарихига бағишланган илмий адабиётлар, дарсликларда диний қарашлар тўғрисида гап кетганда, асосан тўртта: тотемизм, фетишизм, магия ва анимизм ҳақидаги маълумотлар келтирилади¹. Фан тарихида мазкур диний қарашларнинг мавжуд бўлгани хусусида илмий назариялар ишлаб чиқилган ва маҳаллий Америка ёки Африка халқлари ҳаётидан кўплаб этнография маълумотлари ҳам тўпланган. Ўрта Осиё археологияси ва этнографиясида ҳам мазкур диний қарашларнинг бўлгани тўғрисида ашёвий манбалар келтирилган².

Этиборлиси, ушбу диний қарашларнинг бирортаси энг қадимги дунёвий дин – зардуштийликнинг шаклланишига асос бўлмаган. Улар инсоният тарихининг ибтидо даврига хос бўлиб, айрим халқларнинг афсонавий диний қарашларида узоқ вақт сақланиб қолгани ҳам кузатилади. Зардуштийлик эса тугалланган, афсонавий қарашларга бой, оламнинг пайдо бўлиши, одамнинг яратилиши, инсонларнинг бу дунёда яшаш қоидалари, нариги дунё ҳақидаги тушунчалар мужассамлашган илк диний ва фалсафий таълимотдир.

Фан тарихида зардуштийлик динига Турон халқлари асос солганлари аллақачон исботланган ва бу масала авесташунос олимлар томонидан муҳокама қилинмай қўйилганига 30 йилдан ошди³. Бу масалага

¹ С.А. Токарев. Ранние формы религии. Москва. 1990. С. 255.

² Ж.Д. Дюмезиль. Верховные боги индоевропейцев. Москва. 1986. С. 234.

³ В.И. Абаев. Два зароастризма в Иране // ВДИ. Москва. 1990. № 4. С. 198-207.

нуқта қўйишда, “Авеста”да келтириладиган жой номлари ва мамлакатларнинг жойлашиши бизнинг минтақага тўғри келиши, энг муҳими, аҳамоний шоҳларининг исми ва қадимги Эрон шаҳарлари номларининг “Авеста”да учрамаслиги илмий асос бўлиб хизмат қилди⁴.

Ҳозирги кунда қадимги Шарқ халқлари тарихи ва авесташунослик фанларида “қандай қилиб Ўрта Осиё халқлари илк жаҳон динига асос солган”, деган масала муҳокама майдонига айланган⁵. Бу масаланинг қизғин тус олишига сабаб шуки, қадимги Шарқда Иккидарё оралиғи, Элам, Бобил, қадимги Ҳинд, қадимги Хитой, Миср сингари илк цивилизациялар марказлари мавжуд эди. Нима учун улар илк жаҳон динига асос солмагани кун тартибидаги бош масалага айланмоқда. Шундай савол қўйилишига ҳам асос бор, албатта. Чунки, илк цивилизация шаҳарлари “ибодатхоналар шаҳри” ҳисобланади⁶.

Фикримизча, бу саволга биз — ўзбек олимлари тўғри жавоб бера олишимиз мумкин, негаки бирламчи археология манбаларини биз қўлга киритамиз ва ўрганамиз. Шундай қилиб, зардуштийликнинг айнан Туронда шаклланишининг табиий ва ижтимоий омилларига тўхталиб ўтамыз.

Табиий омиллар. Пайғамбар Заратўштра асос солган диннинг бош ғояси дуализм⁷ ҳисобланади. Дуализм дунёнинг негизида бир-бири билан келиштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш ёнма-ён мавжуд деб билувчи таълимот ҳисобланади. Туроннинг табиати дуализмга монанд қаҳратон қиш ва жазирама ёздан иборат. Фикримизча, зардуштийликнинг илк даврларида инсоният табиатни тўрт фаслга ажратмаган. Баҳор ва куз фасллари ёздан қишга ёки қишдан ёзга ўтиш вақти бўлиб, биологик тил билан айтганда одам танасининг табиатга мослашиши даврларидир.

Биринчи цивилизация марказларининг, хусусан Иккидарё оралиғи⁸, Элам⁹, Бобил¹⁰ ёки қадимги Ҳинд цивилизация ҳудудлари табиати иссиқ бўлиб, уларнинг аҳолиси совуқнинг салбий таъсирини англамаганлар. Аксинча, Туроннинг шимолида жойлашган ҳудудлар, яъни “Авес-

⁴ М. Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. 3-ое изд. Санкт-Петербург. 1994. С. 27.

⁵ G. Gnoli. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series. № 2). Bibliotheca Persica Press. New York. 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake. Indiana. XIV. P. 37 – 41.

⁶ L. Woolley, D. Litt. Ur Excavations. Philadelphia. 1974. Volume VI. Т.В. Корниенко. Первые храмы Месопотамии. Формирование традиции культового строительства на территории Месопотамии в доаисыменную эпоху. Санкт-Петербург. 2016. С. 312.

⁷ Дуализм (лотинча “dualis”- икки ёқлама) — бир-бири билан бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш, интилиш ва тамойиллар ёнма-ён мавжудлигини тарғиб қилувчи таълимот.

⁸ Иккидарё оралиғи — Фирот ва Дажла дарёлари оралиғи, асосан Ироқ, шунингдек, шимоли-шарқий Сурия, жануби-шарқий Туркия ва ғарбий Эрон ҳудудларига мос келади.

⁹ Элам — милоддан олдинги III минг йиллик — милоддан олдинги VI аср ўрталарида Фурот ва Дажла дарёларининг қуйи ўзани шарқида мавжуд бўлган давлат.

¹⁰ Бобил — Ироқ ҳудудида милоддан олдинги II минг йилликнинг бошидан — милоддан олдинги 538 йилгача мавжуд бўлган қадимий давлат.



та” тили билан айтганда Аҳриман туғилган ерлар совуқ бўлиб, аҳолиси қуёш иссиғини сезмаган. Демак, зардуштийликдаги бош ғоя – дуализм Туроннинг табиий шароитидан келиб чиққан.

Ижтимоий омиллар. Туронда ибтидоий диний қарашлар, жамоалар тараққиёти билан ҳамоҳанг ҳолатда, тадрижий тараққиёт этган. Археология манбалари асосида аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, Турон халқларининг ибтидоий диний қарашлари сўнгги палеолит давридан (40 000 - 12 000 йиллар олдин) шакллани бошлаган. Ўрта палеолит даврига (100 000 - 40 000 йиллар олдин) оид Тешиктош ғоридан топилган неандертал бола қабридан қизил ранг изларининг топилиши ва атрофига ҳайвон шохлари терилиши бу фикрнинг ашъвий далили бўлиб хизмат қилади¹¹.

Туронда неолит (милоддан олдинги VI – IV минг йиллик) ва энеолит даврида (милоддан олдинги IV – III минг йиллик), яъни қон-қариндошликка асосланган уруғчилик жамоаларида алоҳида ажратилган саждагоҳ-сиғиниш хоналари пайдо бўлади. Бу жамоалар учун битта умумий сиғиниш хонасининг бўлиши характерлидир. Худди шундай хоналар Песседжик, Чақмоқли, Яссидеде, Яланғоч, Олтиндеде ёдгорликларида ўрганилган¹². Ибодат хоналари оддий хоналарга нисбатан бир неча марта катта бўлиб, деворлари илоҳий белгилар билан безатилган.

Барча тарихчи олимларга маълумки, Ўзбекистоннинг жанубида жез даврига (милоддан олдинги III – II минг йиллик) оид Жарқўтон ёдгорлиги мисолида Туронда илк шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши ёритиб берилган¹³. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бу ёдгорликда марказлашган, маҳобатли сарой ва ибодатхона шакллани тасдиқланди. Уларнинг ҳўжалиги ташкил этилган, ибодатхонанинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олган хизматчилари йирик диндорларга айланганлар. Улар ҳам давлатни бошқаришда фаол иштирок этганлар¹⁴.

Туронда жамоалар ва илк шаҳарларнинг тадрижий тараққиётини ўрганиш мобайнида диний қарашларнинг ривожланишини ҳам кузатиш мумкин. Мазку ривожланиш бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда кечган.

¹¹ А.П. Окладников. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. Южный Узбекистан. Тешик-Таш. Палеолитический человек. Москва. 1949.


¹² В.М. Массон. Алтын-депе // Труды ЮТАКЭ. Том. XVIII. Ленинград. 1981. С. 35 – 55; В.И. Сариниди. Культовые здания поселений анауской культуры // СА. 1962. № 1; И.Н. Хлопин. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. Москва-Ленинград. 1964; О.К. Бердыев. Материальная культура Туркменистана в период неолита и раннего энеолита // Первообытный Туркменистан. Ашгабад. 1976.

¹³ А.А. Аскарлов, Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд. 1993.

¹⁴ Ш.Б. Шайдуллаев. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ЎЗР ФА Археология институти. Самарқанд. 2009.



Жамоа ва илк шаҳарларнинг тараққиётига монанд диний қарашларнинг ривожланиши



Келтирилган маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкин-ки, Туронда диний қарашларнинг ривожланиши жамоалар тараққиёти билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланган ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан эса, якка ҳудоликка асосланган ибодатхоналар, яъни марказлашган динлар юзага келади.

Давлатчиликнинг шаклланиши баробарида диннинг ҳам марказлашув жараёни кечиши табиий ҳол бўлган, албатта. Кейинги йилларда Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, марказлашаётган ягона дин билан бир қаторда диний қарашларнинг бошқа кўринишлари ҳам сақланиб қолганлигини ашёвий манбалар асосида кузатиш мумкин. Шундай қарашлардан бири зоолатрик¹⁵ диний қарашлардир.

Кузатувларга қараганда, якка ҳудоликка интилиш бўлмаган ҳудудларда зоолатрия одатлари кенг ва узоқроқ давом этади. Гоҳида алоҳида ҳайвонлар, тотемларга сиғинишнинг зоолатрия ёки теротемизмнинг (ҳайвонларга сиғиниш) сақланишига олиб келган. Бу ҳолат умумий тарихий жараён бўлиб, Мисрда цивилизациянинг юксак ривожланганига қарамай, зоолатрия диний қарашлар сифатида сақланиб қолаверган. З.П. Соколова тадқиқотларига кўра, қадимги Мисрнинг ҳар бир “ном” типдаги давлатлар аҳолисининг ўз топинадиган ҳайвонлари бўлгани кузатилган¹⁶.

Маълумки, афсоналар дунёсида ҳайвонот олами уч турга – ер ости, усти ва осмон жонзотларига бўлинади. Ҳамма ҳайвонлар ҳам зоолатрик диний қарашларга асос бўла олмаслиги ҳам табиий, албатта. Жарқўтон мисолида зоолатрик диний қарашларни терракот¹⁷ ҳайкалчалар мисолида кузатишимиз мумкин. Маълумки, терракот ҳайкалчалар ўша замон кишилариининг мафкуравий қарашларини ўзида мужассам этади.

¹⁵ Зоолатрик (зоолатрия – юнонча “ζωον” – ҳайвон, “λατρεία” – “хизмат қилиш, сиғиниш”) – ҳайвонларни муқаддаслаштириш, уларга топиниш (сиғиниш).

¹⁶ З.П. Соколова. Культ животных в религиях. Москва. 1972. С. 149.

¹⁷ Терракот (теракота – италянча “terracotta” – тупроқ, пишган лош) – лойдан ясалиб, ҳумдонларда пиширилган майда ҳайкалчалар.



Жарқўтон ёдгорлигидан йирик шохли чорва (сигир, ҳўкиз), туя каби ҳайвонлар шаклида ифодаланган терракот ҳайкалчалар, муҳрларда тасвирланган илонлар, бургутлар каби ҳайвонлар борки, бу топилмалар Жарқўтон аҳолисининг зоолатрик қарашларини аниқлашда моддий манба бўлиб хизмат қилади.

Йирик шохли чорва (ҳўкиз, сигир) ибтидоий тасвирий санъатда ҳам кенг тарқалган лавҳалардан бири ҳисобланади. Унинг тарқалиш географияси ҳам жуда кенг¹⁸. Йирик шохли чорва (ҳўкиз, сигир) уй ҳайвони бўлиб, инсонлар онгида оила фаровонлигини таъминловчи илоҳий ҳайвон тури сифатида ифодаланади. Унинг зоолатрик дин тусини олганини “Авеста” афсоналари бўйича ҳам кузатиш мумкин¹⁹. Ҳайвонот илк маротаба Аҳура Мазда²⁰ томонидан Арянам Вайджода²¹ яратилган. Илоҳий Даити²² дарёсининг ўнг қирғоғида ой сингари ёрқин оқ ҳўкиз бунёд бўлади²³. Ҳайвон (ҳўкиз) ўлганда, Геус Урваннинг²⁴ ўнг қўлига йиқилади. Ҳайвоннинг танасидан руҳи чиқиб дейди: “...Аҳура Мазда ғояси билан сўғорилганман”²⁵. Ҳайвоннинг танасидан тасаввур қилиб бўлмас даражада илоҳият содир бўлади. Ҳайвон ўлиб мияси тўкилган жойдан 55 та заҳарли қора куч ва 12 кўринишдаги доривор ўсимликлар ўсиб чиқади. Шохларидан мевали дарахтлар, бурнидан пиёзсимон ўсимликлар, қонидан узум новдалари ўсиб чиқади²⁶. Шуларнинг барчаси ҳайвонот дунёсидан саналмиш ҳўкиздан яратилган ва сўнг ой ҳамда қуёш нуридан баҳраманд бўлган²⁷. Олдин эркак ва урғочи бузоқ, сўнг барча турдаги ҳайвонлар қўш-қўш бўлиб яралган²⁸.

Аҳура Мазда Даити дарёсининг ўнг томонида инсонни, яъни Гайомартни²⁹ яратди. Ҳўкиздан сўнг Гайомарт ҳам ўлди ва Геус Урваннинг чап қўлига йиқилди³⁰. У ўлиш давомида оилани яратди. Бу оилалар қуёшнинг айланиши натижасида покланди. 40 йилдан сўнг биринчи одамлар ва ер ўсиб чиқди. Ахурамазда уларга уқтирди: “...Инсон бўлинг-

¹⁸ И.Н. Хлопин. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии. Древний Восток и мировая культура. Москва. 1981. С. 26 – 30.

¹⁹ О.М. Чунакова. Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифологических персонажей и мифических символов. Москва. 2004. С. 53 – 55.

²⁰ Аҳура Мазда — зардўштилик динидаги ёруғлик, саломатлик, тинчлик, фаровонлик каби барча эзгуликларни яратувчи ва бошқарувчи – донишманд ҳудо.

²¹ Арянам Вайджода — милoddан олдинги II минг йилликнинг иккинчи чорагида — I минг йилликнинг бошларида Турон ерларида яшовчи арий қабилаларининг ерлари.

²² Даити — “Авеста”га кўра Амударёнинг номи.

²³ “Авеста”, Бундахишна, VI.

²⁴ Геус Урван — “Авеста”да келтирилган яхшилик қилувчи худолардан бири.

²⁵ F. Justi. Der Bundehesch. Lpz. 1868. Pp. 1 – 20.

²⁶ “Авеста”, Бундахишна, XIV.

²⁷ “Авеста”, Бундахишна, X.

²⁸ “Авеста”, Бундахишна, XV.

²⁹ Гаёмарт — Эрон мифологиясида эрон халқларининг отаси, форс эпосида эронийларнинг биринчи шоҳи сифатида талқин қилинади.

³⁰ “Авеста”, Бундахишна, IV.



лар, жаҳоннинг ота-онаси бўлинглар”³¹. Шундай қилиб, “Авеста”да ой шохли ҳайвонот олами билан, қуёш эса инсон билан илоҳийлашади.

Турон халқлари диний қарашларидаги зоолатрик ҳайвонлардан яна бири “Бахтриёна”³² туяси” деб ном олган икки ўркакчи туядир. У қадимги Шарқ тасвирий санъати ва глиптикасида³³ кенг ўрин олган. Жез даврида Бахтриёна, Марғиёна ва Шарқий Эронда туя тасвири ифодаланган муҳрлар ва терракот ҳайкаллар кенг тарқалган³⁴. Суюктарошлик манбалари асосида, Андронов маданиятида³⁵ милоддан олдинги XV – XIII асрларда туянинг тарқалгани исботланган³⁶. А.К. Акишев маълумотларига қараганда, Хан даврида³⁷ Хитойга икки ўркакчи туяни ғарб кўчманчилари олиб борганлар³⁸. Бу маълумотлар жез даврида икки ўркакчи туя асосий ташиш воситаси сифатида кенг тарқалганидан дарак беради. В.В. Ивановнинг изланишларига кўра, икки ўркакчи туя милоддан олдинги III – II минг йилликларда Туронда қўлга ўргатилган ва милоддан олдинги II минг йилликда Иккидарё оралиғигача борган³⁹.

Икки ўркакчи туянинг уйлаштирилиши ва тарқалиши ўз йўлига, аммо унинг илоҳий ҳайвон бўлгани, зоолатрик мазмун кашф этганини қандай биламиз? Унинг терракот ҳайкал сифатида ифодаланиши биринчи омил бўлса, “Авеста”да у “кучли”, “баджаҳл” ҳайвон сифатида тилга олинади. Учинчи ва энг асосий омил эса зардуштийлик динининг асосчиси исмида туянинг қўлланишидир. “Зараостра”даги “уштра (уштра)” туяни англатиши бу ҳайвоннинг илоҳийлик белгисини ифодалайди.

Турон халқлари диний қарашлари ва афсоналарида аجدодлар руҳига сиғиниш алоҳида дин тури сифатида мавжудлиги фанда аллақачон исботланган⁴⁰. У барчабоп бўлмаслигидан ташқари ибтидоий ҳам эмас. У тарихий тараққиётнинг патриархал уруғчилик босқичига хосдир. “Ўлган ота-боболар ва уруғ бошлиқларининг руҳи авлодларни доимо бало-қазолардан сақлайди”, деган тушунчалар ушбу ибодат турининг

³¹ “Авеста”, Бундахишна, XV.

³² Бахтриёна — Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидаги, асосан Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган тарихий вилоят. Бахтриёна адабиётларда Бактрия, Бактрия, Бахтар, Бохтар шаклида қўланиб келинади.

³³ Глиптика (қадимги юнонча “γλυφω” – ўяман) — ўйиб нақш солинган майда шаклдаги қимматбаҳо (марварид) ва оддий тош ёки сопол ашё.

³⁴ В.И. Сараниди. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зароастризма // ВДИ. Москва. 1989. № 1. С. 152.

³⁵ Андронов маданияти — жез даврида (милоддан олдинги II минг йилликда) Евроосиёда кенг тарқалган дашт кўчманчиларининг археологик маданияти.

³⁶ Е.Е. Кузмина. Древнейшая фигурка верблюда из Оренбургской области и проблема доместикации бактрианов // СА. 1963. № 2. С. 39.

³⁷ Хан — милоддан олдинги 206 – миллодий 220 йиллар Хитойда хукмронлик қилган сулола.

³⁸ А.К. Акишев. Образ верблюда в легендах Центральной Азии // Этнография народов Сибири. Новосибирск. 1984. С. 71.

³⁹ В.В. Иванов. О соотношении археологических, лингвистических и культурно-семиотических реконструкций. На материале комплекса Тоголок-21 // ВДИ. Москва. 1989. № 2. С. 173.


⁴⁰ С.А. Токарев. Ранние формы религии. Москва. 1990. С. 255.



моҳияти саналади. “Руҳ доимо тирик, у одамзотни қўллаб-қувватлайди” тушунчаси ушбу ибодат турининг мавжудлиги асосидир.

Ушбу дин турини тотемизм билан адаштирмаслик керак. Тотемистик истак бошқа, ҳақиқий авлодлар руҳига сиғиниш бошқа. Тотемистик сиғиниш кўр-кўрона, табиат сирларини яхши тушунмаслик натижасида пайдо бўлган бўлса, авлодлар руҳига сиғиниш онгли равишда аجدодларини соғиниш, уларнинг мададларига руҳий таяниш истагида пайдо бўлган. Яна шунини ҳам айтиш лозимки, аجدодлар руҳига сиғиниш ҳақиқий синфий жамият даврида ҳам сақланиб қолаверади. Бу дин турига кўра, уруғ, қабила бошлиқлари, оила бошлиқлари катта обрўга эга бўладилар. Улар ўлганда ҳам “руҳлари авлодларини қўллаб туради”. Шунинг учун уларнинг руҳларига ҳайкаллар ясаш ва уларга топиниш давом этаверади.

Аждодлар руҳига ибодат тури мавжудлигининг асоси



Бу ерда ўлган одам руҳи антропоморф⁴¹ ҳайкалларда ифодаланиб, уларнинг руҳлари инсонни ҳаётда қўллаши, умуман ҳаётга, инсон руҳига яқинлиги билан белгиланади.

Тотем аждод руҳи эса ярим афсона мазмунда бўлиб, инсон онгидан ўчган, унутилган сиймоларда намоён бўлади.

Оила, уруғ ҳомийси эса оила, бутун жамоа, уруғнинг ҳимоячиси сифатида гавдаланиб, улар ҳаётлик чоғларида жамоага энг кўп хизмати сингган, обрўли инсонлар руҳлари бўлиб, уларнинг руҳларига атаб ҳар хил маросимлар ўтказиш, қимматбаҳо ашёлардан ҳайкаллар ясаш каби удумлар билан эслаш, ҳатто ҳудодлар даражасига кўтарилиши ҳам мумкин.

Жарқўтонда аждодлар руҳига ибодат қилиш каби дин турининг мавжуд бўлганини бу ердан топилган, лойдан ясалган иккита эмбрион⁴², иккиқат аёлнинг шакли бўлиши мумкин. Эмбрион деб мушоҳада қилинаётган иккита лой массаси думалоқ шаклдадир. Биринчиси, кичикроқ ҳажмда (диаметри – 7 см), атрофи қизил бўёқ билан бўялган, иккинчиси эса бироз каттароқ бўлиб, ташқи тарафидан инсон кўзи ва қулоғи қора ранг билан чизилган, лой массанинг ўзи эса қизил ранг билан бўялган.

Аёл кишининг қорни унинг ҳомиладорлигини англатиш учун бўртириб, думалоқ қилиб ишланган. Сақланиб қолган икки қўли эса қорни устига қўйилган ҳолатда ифодаланган. Икки қўли билан қорни ўртасида иккита илоннинг ҳаракатланиб бораётган ҳолати ифодаланган. Қорин ва қўлнинг айрим жойлари қизилда бўялган.



Эркак кишининг бюст⁴³-хайкали тўлиқ сақланган. Унинг сочи, соқол ва мўйлаблари қора, ёноқлари қизил рангда. Қирра бурун, шалпанг қулоқ, оғзи очиқ, кўзлари эса юмук ҳолатда ифодаланган. Оғзи очиқ ва кўзларининг юмуклигини инобатга олиб, ушбу ҳайкалда ўлган киши ифодаланган, деб ҳисоблаш мумкин ва аждодлар руҳининг ҳомиладор аёлни ҳамда у дунёга келтириши кутилаётган болаларини бало-қазолардан сақлашининг, яъни аждодлар руҳи дин сифатида ифодаланишининг археологик кузатилиши, деб биламиз. Ҳомиладор аёл қорин қисмининг айрим бўлаклари қизилга бўялиши, қўл билан қорин оралиғида илонларнинг ифодаланиши нариги дунё тушунчасини беради. Маълумки, афсоначиликда қизил ранг қонни, илон эса ер ости илоҳи (худо, маъбуда) ни билдиради. Ҳомиладор аёлнинг фикримизча, шу азоб-уқубатлардан уни “аждодлар руҳи қутқара олиши мумкин”.

Ушбу топилманинг бошқа тушунчасини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Иккинчи фикр фалсафий қараш бўлиб, дунёнинг пайдо бўлиши, унинг доимийлигини кўрсатувчи, диний қарашларга нисбатан ҳаётий манзарани тасвир этиш ғояси ётган кўринади. Ўлган одам ҳомиладор аёл инсон сифатида шаклланган эмбрион инсон сифатида шаклланаётган эмбрион. Қон ва илонлар тасвири эса бу ерда ҳам “қора куч”лар сифатида намоён бўлади.

→ Турон халқлари динлари тарихида зардуштийликка хос бўлган олов ёки хаомага⁴⁴ топиниш жуда қадимдан илоҳийлашиб келган. Жумладан, меҳроб энеолит давридан⁴⁵, хаома эса жез давридан маълум бўлган⁴⁶. Бу билан илк зардуштийлик энеолит давридан ёки жез давридан бошлаб шаклланган, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Адабиётларда Бахтриёна ва Марғиёнанинг жез даврига оид ёдгорликларида ўрганилган маҳобатли иншоотлар ҳам илк зардуштийлик ибодатхоналари деб аталган⁴⁷. Жез даврида Бахтриёна ва Марғиёнада хаомани куйлаш, оловни эъзозлаш каби анъаналар кучли бўлган.

Келтириб ўтилган ижтимоий омиллар, яъни “зоолатрик” диний қарашлар, “аждодлар руҳига ибодат”, олов ҳамда хаомага топинишлар Заратуштра таълимотига асос бўлган, деб бемалол айтиш мумкин. Буни қўлловчи археология манбалари етарлича бор.

⁴³ Бюст — одамнинг кўкракдан юқори қисми ишланган ҳайкали.

⁴⁴ Хаома — Зардуштийлик динида муқаддас ҳисобланган (маст қилувчи) суюқ ичимлик.

⁴⁵ Т. Ширинов. Алтари огня из храма Джаркутан — памятника эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // *Ўзбекистон моддий маданият тарихи*. Ташкент. 1990. № 23. С. 69 — 78.

⁴⁶ Т. Ширинов. «Винодельная» Джаркутана — памятник эпохи бронзы Юга Узбекистана // *Ўзбекистон моддий маданият тарихи*. Тошкент. 1991. № 24. С. 18 — 28; К. Абдуллаев. Культ хаомы в древней Центральной Азии. МИЦАИ. Самарканд. 2009. С. 120.

⁴⁷ В.И. Сарияниди. Протоэнеолитский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // *ВДИ*. 1989. № 1. С. 152 — 170; В.И. Сарияниди. Сельский храм Тоголок I в Маргиане // *ВДИ*. Москва. 1990. № 2. С. 10 — 13; А.А. Аскарлов, Т.Ш. Ширинов. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане // *Градостроительство и архитектура*. Ташкент. 1989. С. 23 — 42; А.А. Аскарлов, Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд. 1993. С. 187.



Албатта, биринчи цивилизация вакилларининг илк жаҳон дини-ни яратиш даражасига кўтарила олмаганларини ҳам тушунтириб ўтиш жоиздир. Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари ибодатхоналар шахридир. Масалан, энг яхши ўрганилган Ур шаҳри харобасидан ҳар хил ҳудоларга атаб қурилган 7 та ибодатхона ўрганилган⁴⁸. Бу шаҳар аҳолиси диний эътиқод бўйича 7 тага ажралган, деган маънони беради. Аксинча, минтақамизда ўрганилган шаҳар-давлатларда, жумладан, Жанубий Ўзбекистонда жойлашган Жарқўтонда, Жанубий Туркменистондаги Тўғолоқ, Гонур ёдгорликларида, Шимолий Афғонистоннинг машҳур ёдгорлиги Даштлида биттадан марказлашган ибодатхона ўрганилган⁴⁹. Демак, жез давридан бошлаб Турон аҳолиси якка ҳудоликка интилган. Албатта, жамoa орасида бошқа ҳудоларга сиғинувчи аҳоли ҳам бўлган, аммо нуфузи пастроқ ҳудоларга атаб ибодатхоналар қурилмаган.

Келтирилган маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, ибтидоий динлар, диний қарашлар тарихи Турон халқлари ми-солида ҳам ўрганилиши керак. Бу ҳудуд халқлари инсоният тарихидаги энг қадимги жаҳон дини – зардуштийликка асос солганлар. Тарихимиз-да кечган бу воқелик миллатимизнинг ҳар бир вакилида фаҳр туйғусини уйғотади, албатта. Зеро қадимги Шарқ халқлари – иккидарё оралиқлик-лар қадимги замонлардаёқ бизнинг юртимизга "... ҳудолар туғиладиган юрт" таърифини берган эканлар⁵⁰, биз археология манбалари асосида мазкур тарихий воқеликнинг табиий ва ижтимоий омилларини кўриб чиқдик.

Шопулат Шайдуллаев

Методологическое несоответствие в изучение истории ранних религий (археологические источники и инновационный подход)

Статья посвящена ранним религиозным верованиям народов древнего Турана. Обосновано, что зороастризм является самой древней религией, сформировавшейся на этой территории. Зарождение зороастризма связано, в первую очередь, с естественными факторами. В основе дуалистических взглядов лежат климатические условия территории Турана. В статье так же освещаются вопросы социальных факторов и подчёркивается, что религиозные верования в своём становлении последовательно

⁴⁸ L. Woolley, D. Litt. Ur Excavations. Volume VI. Philadelphia. 1974.

⁴⁹ В.И. Сарианиди. Маргш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат. 2002; Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrism. Athens. 1998; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд. 1993.

⁵⁰ Ш.Б. Шайдуллаев, А.Ш. Шайдуллаев. Харали // Ўзбекистон моддий маданият тарихи. Самарканд. 2015. № 39. 61 – 69-бетлар.



прошли следующие этапы: родовое общество – патриархальная семья – сельские общины – ранние города-государства. Появление монотеистических храмов привело к зарождению централизованных религий. Отмечено, что в эпоху бронзы и раннего железного века основу зороастризма в регионе составляли такие религиозные взгляды, как зоолатрия и поклонение духам предков. Развитие зоолатрических взглядов в эпоху бронзы можно наблюдать на примере памятника Джаркутан. На нем обнаружены терракотовые статуэтки, изготовленные в форме крупного рогатого скота (корова, бык), верблюда, печати с изображениями змей, беркутов, которые могут служить в качестве материальных источников в определении зоолатрических взглядов жителей Джаркутана. Также, в качестве доказательства распространения в эпоху бронзы других религиозных взглядов могут служить изготовленные из глины формы двух эмбрионов, беременной женщины, свидетельствующие о существовании в Джаркутане такой формы верования, как поклонение духам предков. В результате изучения материальных источников были выявлены естественные и социальные факторы зарождения религиозных взглядов в эпоху бронзы и раннежелезного века.

Ключевые слова: бактриане, терракота, хаома, культура, религия, Авесто, Ахура Мазда, дуализм, патриархат, алтарь.

Shopulat Shaydullaev

Methodological misunderstanding in studying the history of the early religions

It is researched information about the history of early religious views on the example of the ancient Turanian people. It is based on the fact that Zoroastrianism which was formed in this region is the oldest religion. First of all, the natural factors in the emergence of Zoroastrianism are noted, it is based on the climatic conditions of the Turan region on the basis of the views of dualism. It is also illuminated the matter of social factors in the emergence of Zoroastrianism, It is emphasized that it had been passed through a series of stages the seed community - patriarchal family - rural communities – the first city-states in the emergence of religious views. The emergence of monotheistic temples had become to the emergence of centralized religions. It is noted that the basis of Zoroastrianism was formed by religious views such as zoolatric views and worship of ancestral spirits in the region in the period of the Bronze and Early Iron Age. We can see that the zoolatric views developed in the period of the Bronze Age on the example of the Djarkutan monument. Terracotta figurines in the form of large horned cattle (cows, oxen), camels, and other animals and seals with images of animals such as snakes, eagles that were found from the Djarkutan monument are the most important material source in determining the zoolatric views of the people of Djarkutan. Besides, as the evidence of the existence of other religious views in the Bronze Age, two clay embryos, the form of gravid, which were found from the monument may indicate the existence of kind of religion such as worship of ancestral spirits in Djarkutan. As a result of the studying material resources, it is identified the natural and social factors of the emergence of religious views in the Bronze and Early Iron Ages.

Keywords: Bactriane, terracotta, haoma, culture, religion, Avesta, Ahura Mazda, dualism, patriarchy, altar.



Абдулҳамид Анорбоев

Миллий археология маркази бўлим бошлиғи,
тарих фанлари доктори, профессор

Фарғонанинг қадимги шаҳарлари археология ва археосейсмология тадқиқотларида

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг каттагина босқичини ўрганиш бўйича ҳеч қандай ёзма манба йўқлиги шароитида археология фанининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Кенг қамровли археология тадқиқотлари туфайли илк суғорма деҳқончиликнинг йўлга қўйилиши, кенгайиши, деҳқончилик қароргоҳларининг шаклланиши, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ривожланиш босқичлари илмий изоҳланди¹. Марказий Фарғона кўллари атрофида термачилик билан шуғулланган неолит даври одамлари аста-секин бошоқли ўсимликларни кўпайтиришга ўтиб², илк бор ибтидоий деҳқончиликка асос солганлар. Чуст ёдгорлигининг³ қуйи қатламларидан олинган ашёлар милoddан олдинги III минг йилликнинг ўрталарида Фарғона водийси дарё ва сойларининг адирорти кичик воҳаларида илк суғорма деҳқончилик йўлга қўйилганидан⁴ гувоҳлик беради⁵.

Милoddан олдинги II минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб, водийнинг барча дарё ва сойларининг адирорти қисмидаги энг қулай жойлар ўзлаштирилади. Ушбу даврга оид 80 дан отиқ археология ёд-

¹ А. Анарбаев. Древнеземледельческая культура Ферганы и динамика развития урбанизации // История и археология Турана. Самарканд. 2017. № 3. С. 89 – 104.

² Ф. Мақсудов. К проблеме сложения производящего хозяйства в Ферганской долине // История и археология Турана. Самарканд. 2017. № 3. С. 45 – 58.

³ Чуст ёдгорлиги — Наманган вилояти Чуст шаҳри шимолида жойлашган, сўнгги жез даврига (милoddан олдинги II минг йиллик ўрталари) оид археология ёдгорлиги (маҳаллий халқ орасида "Биби она" ёдгорлиги деб ҳам аталади).

⁴ Древнеземледельческая культура Ферганы и динамика развития урбанизации. С. 89, 101.

⁵ Ю.А. Заднепровский. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек. 1997. С. 75.



горлиги аниқланган. Улар орасида Чуст ва Далварзин⁶ шаҳарлар ҳисобланади. Жез даврининг охири — илк темир даврининг бошларида бош ариқларнинг пайдо бўлиши билан дарё ва сойларнинг қуйилиш қисмидаги катта ер майдонлари ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик кенгай бошлайди. Хусусан, милoddан олдинги X — IX асрларда Косонсойнинг қуриган ирмоқларидан бири ариққа айлантиради. Натижада, ҳозирги Ахсикент ёдгорлигининг⁷ ўрни ва унинг шимолий қисмидаги юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, янги кичик воҳа ташкил топади. Бунини биз Ахсикент кичик воҳаси, деб атадик. Фарғона водийсининг шарқ томонида Оқбура ва Аравонсойларнинг эски ирмоқларидан ҳисобланган Андижонсой ва Шаҳрихонсойлар ҳам ариққа айлантиради. Ҳудди шу даврда Ғовасойнинг қуйилиш қисмида бир неча ўнлаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик йўлга қўйилади. Шу асосда, Эйлатан⁸ ва Қирқхўжа⁹ каби ёдгорликлар ўрнида илк темир даври шаҳарлари пайдо бўлади¹⁰.

Македониялик Александр милoddан олдинги IV асрнинг охириги чорагида ҳозирги Хўжанд шаҳригача бориб, у ерда энг ўзоқдаги Александр шаҳрига (қўрғонига) асос солади. Бу эса, ўз навбатида, Фарғонанинг жанубий ва жануби-ғарбий халқлар билан алоқаларини янада кенгайтиради. Кейинчалик, милoddан олдинги III — I асрларда шимолдан, шимоли-шарқдан кўплаб кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар Турон ерларига кўчиб келадилар. Уларнинг асосий қисми ўтроқлашиб, маҳаллий халқлар билан қоришиб, янги шаҳарлар ва қишлоқлар қурадилар. Ушбу халқлар ичида энг йириги ва хитой манбаларида тилга олингани юечжилар бўлиб, улар Фарғона орқали Суғд, сўнг Бахтрёнагача¹¹ борадилар ва у ерда ўзбек давлатчилигининг кушонийлар даврига асос соладилар.

Милoddан олдинги I — милодий I асрларга оид хитой манбалари, “Шижзи” ва “Ханшу”да Фарғонада 70 та шаҳар бор, давлатни подшо икки ёрдамчиси билан бошқаради, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда “Оқсоқоллар кенгаши” катта ўрин эгалайди, деб ёзади. Ушбу манбаларда 4 та: Юан, Эрши, Ючен, Гуйшуан шаҳарларининг номи тилга олинади¹². Археология ашёларини ёзма манабалар билан

⁶ Далварзин — Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги бронза ва илк темир даврига (милoddан олдинги XII — VII асрлар) оид археология ёдгорлиги.

⁷ Ахсикент ёдгорлиги — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги, милoddан олдинги III аср — милодий 1620 йилларга оид археология ёдгорлиги.

⁸ Эйлатан — милoddан олдинги VII — III асрларда Андижон вилояти Избоскан туманидаги шу номли қишлоқ ҳудудида жойлашган археология ёдгорлиги.

⁹ Қирқхўжа ёдгорлиги — қадимги Боб (Поп) шаҳрининг қолдиқлари ҳисобланиб Наманган вилояти Поп туманида жойлашган.

¹⁰ Древнеземледельческая культура Ферганы и динамика развития урбанизации. С. 91 — 92.

¹¹ Бахтрёна — Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидаги, асосан, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган тарихий вилоят. Адабиётларда Бактрия, Бактрия, Бахтар, Бохтар шакларида ҳам қўлланиб келинади.

¹² Н.Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние време-



қиёсий таҳлил қилиниши туфайли юқорида тилга олинган шаҳарлар ўрнини аниқлаш ва бундан Фарғонанинг 2000 йил бурунги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ойдинлик киритилди¹³. Хусусан, бу даврда Фарғона ҳудудий давлат бирликлари уюшмасидан иборат бўлиб, унинг пойтахти Фарғона (Юан) шаҳри ҳисобланган. Эрши (Мингтепа) ва Ючен (Эйлатан) шаҳарлари уюшмага кирувчи ҳудудий давлат бирликлари пойтахтлари бўлган. Гуйшуан (Муғтепа-Косон) эса, милoddан олдинги I асрда Фарғонада ҳокимият тепасига келган янги ҳукмдорларнинг қароргоҳи ҳисобланган¹⁴.

Бундан 2100 – 2000 йиллар бурун хитой манбалари “Шижзи” ва “Ханшу”да, кейинчалик араб тилли тарихчилар Табарий ва Хўрдодбеҳлар томонидан тилга олинган Фарғона бошкенти Фарғона шаҳри¹⁵ Эски Ахси (Ахсикент) ёдгорлиги ўрнида бўлгани маълум бўлди. Фақат IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Фарғона шаҳри араб тилидаги манбаларда Ахсикат, деб тилга олинади. Лекин тангаларда то XI асрнинг ўрталаригача Фарғона-Ахсикат, деб икки ном билан аталган. Бу даврда шаҳар майдони 400 гектардан ошиб кетиб, ўз даврининг ўта йирик шаҳрига айланади. Ахсикентда тайёрланган қуроллар “Дамашқ қиличлари” номи билан дунёга машҳур бўлиб, ғарбда Дамашқ, Шарқда Хитой бозорларида сотилган¹⁶.

2018 йилнинг охири – 2019 йилнинг бошларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан Ахсикент ёдгорлигининг битта объектида Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил қилинди. 2019 йилнинг 28 феврилида давлат раҳбари у ерга ташриф буюриб, қилинаётган ишларни мақуллади ҳамда янги кўрсатмалар берди. Шу асосда тадқиқотлар олиб борилиб, 5 та янги объект “Очиқ осмон остидаги музей”га тайёрланди ва теран тадқиқотлар доирасида муҳим кашфиётлар қилинди. Хусусан, биринчи шаҳристон ҳудудида қорахонийлар даврига оид бадавлат оилаларга тегишли моҳобатли турар жой қолдиқлари очилди. Бу ерда Фарғона водийсида илк бор XI – XII асрларга оид деворий расмлар топилди.

на. Том II. Москва-Ленинград. 1950. С. 149, 161, 232, 235; А. Ходжаев. К этмологии топонима Дай-юань (Давань) в китайских источниках // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Фарғона. 2009. С. 135 – 140; А. Хўжаев. Эрши шаҳрини қадимги Фарғона давлатининг пойтахти деб ҳисоблаш мумкин? // “Ўзбекистон тарихи” журнали. Тошкент. 2010. № 2. 63 – 73-бетлар.

¹³ А. Анарбаев. Ахсикент — столица древней Ферганы. Ташкент. 2013. С. 485 – 491, 505 – 513; А. Анарбаев. Древняя Фергана и Великий Шелковый путь // Человеческий капитал. Москва. 2019. № 2 (22). С. 56 – 65.

¹⁴ А. Анарбаев. Ferghana during the antiquity and medieval period (Power, politics, socioeconomic relations, towns, trade) // The history of material culture of Uzbekistan. 40 edition. Samarkand. 2019. P. 19 – 41.

¹⁵ Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. С. 149, 161, 232, 235; Табары. История ат-Табари // Избранные отрывки. Пер. с арабского В.И. Беляева. Ташкент. 1987. С. 143, 159, 251, 269; Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. Пер. с арабского, комментарии, исследования, указатели и карты Наима Велихановой. Баку. 1986. С. 65.

¹⁶ Древняя Фергана и Великий Шелковый путь. С. 56 – 65.



Шарқий рабод теграсида қорахонийлар даврига тегишли, пишиқ ғишдан қурилган маҳобатли турар жой қолдиқлари топиб, ўрганилди. Ҳатто бинонинг тағхоналари бутунлай пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, уларнинг ички томонлари майда пишиқ ғишлар ёрдамида геометрик шакллар билан безалган¹⁷.

Шундай қилиб, кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар туфайли қадимги Фарғонанинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид муҳим кашфиётлар қилинди. Жумладан, милoddан олдинги II – I асрларда Фарғона водийсида ҳудудий давлат бирликларининг сиёсий уюшмаси бўлгани ва хитой манбаларида тилга олинган 4 та йирик шаҳар (Юан, Ючен, Эрши, Гуйшуан) ўрни аниқланди. Фарғонанинг пойтахти Фарғона (Юан) шаҳри Ахсикент (Эски Ахси) ёдгорлиги ҳудудида жойлашгани илмий асосланди. Фарғона водийсида биринчи бўлиб Ахсикент ёдгорлигида қорахонийлар даврига мансуб деворий расмлар топилди.

Замонавий археологияни геология, сейсмология, география, геодезия, геохимия, тупроқшунослик, биология ва геофизика каби табиий фанларсиз таъсавур қилиш қийин. 2019 йилги дала тадқиқотлари даврида Шимолий Фарғонанинг бир неча қадимий шаҳарлари қолдиқларида ФА Сейсмология институти ва Россия ФА нинг Ер физикаси (Физика земли) институти олимлари билан ҳамкорликда археосейсмология тадқиқотлари олиб борилди. Хусусан, Ахсикент, Муғтепа, Қирққужра (қадимги Поп), Эйлатан ва Култепа ёдгорликларидаги тадқиқотлар орқали янги кашфиётлар қилинди. Жумладан, милoddан олдинги I асрнинг бошларида Фарғона водийсининг шимолий қисмида 10 балли кучли ер қимирлаш бўлганги аниқланди. Натижада, хитой манбаларида тилга олинган Юан (Фарғона) ва Ючен (Эйлатан) шаҳарлари вайронага айланган.

Худди шу даврда Фарғона водийсида ҳокимиятга келган янги ҳукмдорлар Муғтепада (Косон) ўзларига янги қароргоҳ қурадилар. Натижада, сиёсий пойтахт Фарғона шаҳридан Гуйшуанга (Муғтепа) кўчирилади. Навбатдаги 8 – 9 балли кучли ер қимирлашлар милodий IV – V аср бошлари, XI – XII асрлар, 1484 ва 1620 йилларда юз беради. Уларнинг асорати Ахсикент, Култепа, Қирққужра, Муғтепа ва бошқа қатор ёдгорликларда кузатилди. Ушбу илмий янгиликларнинг Эйлатан, Култепа, Муғтепа ва Муғқала ёдгорликларида кузатилган ҳолатлари “Scopus” тизимига кирган нуфузли халқаро журналларда эълон қилинди¹⁸.

¹⁷ А. Анарбаев, Ш. Насриддинов. Ахсикент ёдгорлигида 2018 – 2019 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва у ерда ташкил қилинаётган “Очиқ осмон остида музей” ҳақида // “Ўзбекистон археологияси” журнали. Самарқанд. 2019. № 2 (19). 132 – 137-бетлар.

¹⁸ А. Корзенков, М. Усмонова, А. Анарбаев, Ф. Максудов, Р. Муродалиев, Т. Захидов, З. Рахмонов. Недооцененная сейсмическая опасность ферганской впадины: новые археосейсмологические данные // Геофизические процессы и биосфера. Москва. 2019. Том. 18. № 3. С. 77 – 90; A. Korzhenkov, M. Usmanova, A. Anarbaev, F.A. Maksudov, R.Kh. Murudaliev, T.K. Zakhidov and Z.O. Rakhmanov. Underestimated Seismic Hazard of the Ferghana Depression: New Archeoseismological



Милоддан олдинги I асрнинг бошларида юз берган кучли ер қимирлашнинг асорати Эйлатан ва Эски Ахси ёдгорликларида қандай кузатилгани ва ушбу шаҳарларнинг кейинги тақдирини илмий изоҳига ўтамиз. Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археология тадқиқотлари шуни кўрсатдики, милоддан олдинги 104 – 99 йилларда Хитой ва Фарғона ўртасида юз берган урушлар водий иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган. Фарғона (Юан) ва Эйлатан (Ючен) шаҳарларининг мудофаа иншоотлари катта зарар кўради. У рушдан сўнг фарғоналиклар шаҳарлар мудофаасига катта эътибор бериб, маҳобатли мудофаа иншоотлари барпо этдилар. Масалан, Фарғона (Ахсикат) шаҳрининг мудофаа деворлари махсус режа асосида ўзига хос услубда қайтадан қурилади. Бу ерда Туроннинг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ мудофаа деворининг миноралари девор ташқарисига чиқмай, аксинча, унинг ичкари-сида жойлашган. Деворнинг қалинлиги асосида 20 метр, баландлиги 20 метрга яқин бўлиб, минора эса, ундан камида 5 метр баланд бўлган¹⁹. Бу ўз навбатида, шаҳар ҳимоячиларига қўшимча имконият яратган, яъни агар мабодо душман шаҳар ичкарисига кириб қолса, улар минорадаги ҳимоячилар томонидан зудлик билан йўқ қилинган²⁰.

Милоддан олдинги I асрнинг 90-йиллари бошида Шимолий Фарғонада жуда кучли 10 балли ер қимирлаш содир бўлади. Баъзи жойларда ернинг ёрилиши унинг юзасигача чиқиб, турар жойларни бутунлай вайрон қилган. Бу ҳолат Эйлатан ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар давомида кузатилди. Бу ерда ернинг юзаси ва унинг устидаги шаҳар мудофаа девори бир бўлагининг бир томонга 4 метрга силжиши юз берган²¹. Ушбу ер қимирлаш асоратини Ахсикент (Фарғона) ва Қирққужра (Боб) ёдгорликларида ҳам кўриш мумкин. Ахсикент ёдгорлигида очилган, қалинлиги 20 метрли мудофаа деворларида катта ёрилишлар ва таъмир талаб қиладиган бузилишлар юз берган. Археология тадқиқотларига қараганда, шаҳар ичидаги қурилишлар бутунлай вайрон бўлганга ўхшайди. Қирққужра ёдгорлигида эса, шаҳар ичидаги қурилишлар билан бирга мудофаа иншоотлари ҳам бузилган²². Лекин ушбу шаҳар-

Data // Izvestiya, Atmospheric and Oceanic Physics, 2019. Vol. 55. No. 10. PP. 1536 – 1546; A.M. Корженков, М.Т. Усманова, А.А. Анарбаев, М. Саидов, Ш. Насриддинов, Т.К. Захидов. Сейсмические деформации в археологических памятниках Мугкаля и Мугтепа (Ферганская впадина, Узбекистан) // Вопросы инженерной сейсмологии. Москва. 2020. Том. 47. № 3. С. 5 – 27; A.M. Korzhenkov, M.T. Usmanova, A.A. Anarbaev, M. Saidov, Sh. Nasriddinova, T.K. Zakhidov. Seismic Deformations in the Archeological Monuments of Mugkala and Mugtepa (Fergana Depression, Uzbekistan) // Seismic Instruments. 2020. Vol. 56. No. 6. P. 701 – 720.

¹⁹ Деворнинг ҳозирги кундаги сақланиши хандақ қирғоғидан ҳисоблаганда 13 – 14 метр, минораларнинг баландлиги 16 – 18 метрга тенгдир.

²⁰ Ахсикент — столица древний Ферганы. С. 346 – 347.

²¹ Недооцененная сейсмическая опасность ферганской впадины: новые археосейсмологические данные. С. 84; Underestimated Seismic Hazard of the Ferghana Depression: New Archaeoseismological Data. P. 1536 – 1546.

²² А.М. Корженков, А. Анарбаев, М.Т. Усманова, Т.К. Захидов, Ф. Максудов, М.М. Саидов, С. Кубаев, Ш. Насриддинов. Сейсмические деформации в древнем поселении Кыркхужра, распо-



лар тез орада қайта қурилади, мудрофаа деворлари ҳам тикланади.

Худди шу пайтда ёки кейинроқ Фарғона водийси бошқарувига юечжилар уюшмасига кирувчи уруғлардан бирининг вакиллари келадилар. Улар ўзларига Муғтепада янги қароргоҳ қурадилар. Шу билан Фарғона сиёсий пойтахти Гуйшуанга (Муғтепа) кўчади, Фарғона шаҳри эса ўзоқ вақт – милодий VII асрнинг бошларигача водийнинг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолади²³.

Навбатдаги 8 – 9 балли кучли ер қимирлаш милодий IV аср охири – V аср бошларида юз беради. Унинг асорати Қирқхужра, Ахсикент ва Муғтепа каби ёдгорликларда кузатилди. Масалан, Қирқхужра ёдгорлиги ўрнида бўлган қадимги Поп (Боб) шаҳри жуда қатта талофат кўради. Маълумки, милoddан олдинги VI аср охири – V аср бошида Ғовасойнинг ирмоғи ҳисобланган Олмоссойнинг қуйилиш қисмида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Қирқхужра ёдгорлиги ўрнида қадимги Поп (Боб) шаҳрига асос солинади²⁴. Шаҳар қимирлашдан ташқари бошқа табиий офатлардан ҳам зарар кўрган. Жумладан, археология қазилмалари орқали уни бир неча марта сел босгани аниқланган. Ҳар сафар шаҳар селдан тозаланиб, унинг ички инфратузилмаси қайтадан тикланган. Лекин милодий IV аср охири – V аср бошида юз берган 8 – 9 балли ер қимирлашдан кейин Поп шаҳри Қирқхужрадан 1 км ғарбга – Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб жойлашган Баландтепага кўчади.

Археосейсмология тадқиқотларимиз давомида кейинги 8 – 9 балли кучли ер қимирлаш қорахонийлар даврида юз бергани аниқланди. Ушбу табиий офатнинг излари Ахсикент (Ахсикат) ва Муғқалъа (ўрта асрлардаги Косон) ёдгорликларида кузатилди. Ахсикент ёдгорлигида кўрғон мудрофаа деворларида қатта ёрилишлар кўринишида ва биринчи шахристондаги турар жой қолдиқларида пишиқ гишт билан қопланган саҳнларнинг баъзи жойлари 0,5 – 0,6 метрга чўккан ҳолатда аниқланди. Муғқалъанинг мудрофаа деворларида эса, ҳар хил ёрилишлар кўриниши кузатилади²⁵.

Кейинги кучли 9 балли ер қимирлаш 1030/1620 йили содир бўлиб, у ёзма манбаларда ўз аксини топган²⁶. Маълум бўлишича, Сирдарё баъзи жойларда ўз ўзанидан чиқиб кетган. Ахсикат шаҳри бу даврда Ахси деб аталиб, бутунлай вайронага айланади. Шаҳар аҳолисининг соғ-са-

ложенном на Великом Шелковом пути в Папском районе Узбекистана // Земля и Вселенная. Москва. 2020. №6. С. 37 – 59.

²³ Ахсикет – столица древний Ферганы. С. 510.

²⁴ Древнеземледельческая культура Ферганы и динамика развития урбанизации. С. 91. Ушбу мақолада шаҳар милoddан олдинги V асрда қурилган, деб берилган. Лекин кейинги тадқиқотлар бизни ушбу муаммога аниқлик киритишга олиб келди, яъни Қирқхужра ёдгорлигидаги шаҳар милoddан аввалги VI асрнинг охири – V асрни бошида қурилган экан.

²⁵ Seismic Deformations in the Archeological Monuments of Mugkalaand Mugtepa (Fergana Depression, Uzbekistan). P. 701 – 720.

²⁶ Сейсмические деформации в древнем поселении Кыркхуджра, расположенном на Великом Шелковом пути в Папском районе Узбекистана. С. 37 – 59.



ломат қолган қисми бошпана излаб турли томонга кетади. Уларнинг катта бўлаги Наманган шаҳридан бошпана топади. Шундан кейин ҳозирги Наманган шаҳри кенгайиб, Шимолий Фарғонанинг марказига айланади. Ҳозирги кунларда ҳам Наманганнинг эски шаҳар қисмида Ахси номи билан аталган маҳалла ва кўчаларни учратиш мумкин.

Сўнги 50 йил ичида дунёнинг ривожланган давлатларида археология фанида табиий фанларнинг илғор ютуқларидан фойдаланган ҳолда буюк кашфиётлар қилинди. Хусусан, қадимги шаҳарлар ва цивилизацияларнинг йўқ бўлишида табиий офатлар ва экология ўзгаришларининг ўрни катта экани илмий изоҳланмоқда. Қадимги хитой манбаларида тилга олинган Ючен (Эйлатан) шаҳрининг вайрон бўлишида асосий омил милoddан олдинги I асрда юз берган 10 балли кучли ер қимирлаш бўлган. Ушбу табиий офат туфайли Фарғона ўлкасининг сиёсий пойтахти Фарғона (Ахсикат) шаҳридан Гўйшуанга (Муғтепа) кўчирилади. Милoddий IV аср охири – V аср бошида содир бўлган 8 – 9 балли ер қимирлаши оқибатида қадимги Поп (Боб) шаҳри Қирққужрадан Баландтепага кўчирилади. 1620 йили юз берган 9 балли ер қимирлаш сабабли сўнги ўрта асрлардаги Ахсикат (Ахси) шаҳри бутунлай вайрон бўлади. Унинг омон қолган аҳолиси Наманган, Чўст шаҳарлари ва бошқа ўнлаб қишлоқларда ўзларига бошпана топадилар. Бундан ташқари, милoddий VII аср бошларида Марказий Фарғонадаги экологик ўзгариш туфайли Каламуштепа, Гўртепа ўрнидаги шаҳарлар ва улар атрофида деҳқончилик қилинаётган юзлаб гектар ерлар ташлаб кетилган. Бунга асосий сабаб, бир неча юз йил давомида зўр бериб суғорилиш натижасида ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг унимдор қатлами шўрланиб кетади. Қадимда одамлар суғориш ишларини билмаганлари учун бу ерларни ташлаб кетишга мажбур бўлганлар.

Умуман олганда, замонавий илмий тадқиқотлар туфайли инсон ақл-идроки билан яратилган цивилизацияларнинг вайрон бўлиши ва уларни ташлаб кетилишида ўзаро урушлардан кўра табиий офатлар ва экологик ўзгаришларнинг ўрни катта эканлиги илмий асосланмоқда.



Абдулхамид Анарбаев

**Древние города Ферганы в археологических
и археосейсмологических исследованиях**

В результате археосейсмологических исследований удалось выявить следы сильных землетрясений, которые происходили в древности. Сравнительный анализ археологических и письменных источников дал возможность привязать эти землетрясения с определенными историческими периодами. Удалось выяснить, что город Ючень (Эйлатан) упомянутый в китайском источнике "Шицзи" разрушен в I в. до н.э. вследствие 10 балльного землетрясения. Именно в это время сильно пострадал столичный город Фергана (Ахсикет). Видимо, поэтому новые цари Ферганской долины после 90-х гг. до н.э. построили себе новую резиденцию на Мугтепе, которая была упомянута китайском источнике «Ханьшу» – как «Гуйшуань». Следующее сильное землетрясение произошло в IV – V вв. н.э. Оно разрушило Кыркхуджру (древний Пап). Интенсивность этого землетрясения составила 8 – 9 баллов. Следы этого землетрясения можно увидеть на городище Ахсикент (Ахсикет). Аналогичные землетрясения произошли позже, в XI – первой половине XII в. Следы этих землетрясений прослежены на ряде объектов шахристана и рабада Ахсикета. Письменные источники сообщают еще об Ахсинском землетрясении (1620 г.). В результате этого землетрясения г. Ахсы (Ахсикет) был разрушен до основания.

Ключевые слова: Фергана, Ахсикат, Юань, Ючэн, Эрши, Гуйшуань, археосейсмологические исследования, дамасские сабли, оборонительные стены, музей под открытым небом.

Abdulhamid Anarboev

**Ancient cities of Fergana in archaeological
and archaeoseismological research**

The result of archaeoseismological studies made it possible to identify the traces of strong earthquakes that occurred in antiquity. Comparative analysis of archaeological and written sources gave an opportunity to link these earthquakes with certain historical periods. We managed to find out that the city of Yuchen (Eilatan) mentioned in the Chinese source "Shiji" was destroyed in the 1st century BC due to earthquakes of magnitude 10. At that time the capital city of Fergana (Ahsiket) suffered greatly. Therefore, apparently, the new kings of the Fergana Valley after the 90s BC built themselves a new residence on Mugtetepe, which was mentioned in the Chinese source "Hanshu" – as "Guishuan". The next strong earthquake happened in the 4 – 5th centuries AD, which destroyed Kyrkhudjra (ancient Pop). The intensity of this earthquake was magnitudes of 8 – 9. Traces of this earthquake can be seen at the settlement of Akhsikent (Akhsiket). Similar earthquakes occurred later, that is in the 11th – first half of the 12th century. The traces of these earthquakes have been traced at a number of objects of Shakhristan and Rabad Akhsiket. Written sources also report about the Akhsin earthquake (1620). As a result of this earthquake, the town of Akhsy (Akhsiket) was razed to the ground.

Keywords: Fergana, Akhsikat, Yuan, Yuchen, Ershi, Guishuan, archaeoseismological research, damask sabers, defensive walls, open-air museum.



Соҳиба Сулаймонова

Қарши давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

Илк ўрта асрлар Суғд воҳаси бошқарув тизими

Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида Суғд воҳаси илк ўрта асрларда дастлаб эфталийлар (420 – 565), сўнгра эса ашиналийлар (Турк хоқонлиги, 552 – 744) қўл остидаги Самарқанд, Кушония (Каттақўрғон), Иштихон, Фай, Маймурғ, Кабудон, Панч (Панжикент), Кеш (Шаҳрисабз), Нахшаб (Насаф/Қарши) каби ўнлаб қарам мулклардан иборат эди. Агар ўша давр ёзма ёдгорликлари (хитой, византия, суғдий, араб ва форс) ва тангашунослик ашёларига назар ташланса, уларнинг муайян бир бўлаги маҳаллий сулолалар бошқарувида бўлгани, қолгани эса ашиналийларга алоқадор сиёсий кучлар ҳукм юритгани англашилади.

Бу даврда Суғд воҳасининг бошқаруви масаласига бир қатор тадқиқотчилар тўхталган бўлиб, улар орасида Э. Шаванн, О.И. Смирнова, В.А. Лившиц, Б. Ғофуров, Л.И. Альбаум, Ж.К. Скэфф, Ф. Грене, Э. Дела Вессьер, З. Штарк, Р. Сулаймонов, М. Исҳоқов, Ш. Камолиддин, А. Отахўжаев, Ғ. Бобоёров ва Б. Ғойибов тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради¹. Хусусан, О.И. Смирнова Самарқанд, Маймурғ, Кабудон ва Панч

¹ Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб. 1903; О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970; В.А. Лившиц. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. Москва. 1979. №4. С. 5669; Б.Г. Гафуров. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. Москва. 1972; Л.И. Альбаум. Живопись Афрасиаба. Ташкент. 1975; Р.Х. Сулейманов. Древний Нахшаб. Ташкент. 2000; М.М. Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент. 1992; Ш.С. Камолиддин. Новые данные о потомках царя Согда Гурака // Общественные науки Узбекистана. Ташкент. 2003. № 3. С. 63 – 68; А. Отахўжаев. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент. 2010; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology,

мулклариди туркий ва суғдий сулолалар бошқарувда бўлганини аниқлаган бўлса, В.А. Лившиц ҳукмдор исмлари, унвонлар ва тангаларга суяниб, Панчдаги сулоланинг туркий негизга эга эканини кўрсатиб берган. Л.И. Альбаум Афросиёб деворий суратлари ва хитой йилномаларидаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, VII аср ўрталарида Самарқанд бошқаруви туркий сулола қўлида бўлганини таъкидлаган. Панч ҳукмдорларининг туркийларга бориб тақалишига эътибор қаратган А. Отахўжаев кўпроқ мазкур мулкни бошқарган хонадон вакилларининг исм ва унвонларини асос қилиб олган². Нахшаб ҳукмдорларининг туркий эканини илгари сурган Р. Сулаймонов тангашунослик ва бошқа археология ашёларига эътибор қаратган³. Суғд ҳукмдор сулолаларининг келиб чиқишига анча кенг тўхталган Ғ. Бобоёров эса, асосан тангашунослик ва ёзма манбаларга мурожаат қилиб, Самарқанд, Панч, Кабудон ҳамда Нахшабда туркий ва туркий-суғдий аралаш сулолалар ҳукм сурганини кўрсатиб берган⁴.

Кўпчилик тадқиқотчилар бу даврда воҳани суғдий сулолалар бошқаргани, эфталийлар ва ашиналийларнинг Суғддаги бошқаруви нисбий бўлгани, улар бу ердаги мулк бошқарув ишларига деярли аралашмагани ва асосан ўлпон олиб туриш билан чекланганлари, воҳа бошқарувчиларининг этник таркибида ўзгариш унчалик даражада сезилмаслигини таъкидлаганлар. Шунингдек, Суғд мулкларининг таркиби, бошқаруви, қарамлик шакллари, мавжуд унвонлар тизими, улар орасидаги умумийлик ва ўзига хосликлар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлар бора-сида ҳам бир-бирига тескари фикрлар билдирилган бўлиб, улар орасида ўша давр воқеликларига мос ёки кўпчиликни мурасага келтирадиган устувор фикрларни ажратиш олиш қийин. Масалан, айрим тадқиқотчилар Суғдни “подшолик” деб атасалар⁵, бошқа бир гурӯҳ эса, Суғддаги ҳар бир тарихий-географик вилоят ва туман, бошқача айтганда субъектни “мулк” ёки “воҳа мулклари” деб аташни маъқул кўрмоқдалар⁶.

8. Kamakura 2002. P. 155 – 196; Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Ankara, 2002. Vol. 2. P. 364 – 372; Stark S. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden. 2008; Ғ.Б. Бобоёров. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тузуми. Тарих фанлари доктори унвонини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2012; Ғ.Б. Бобоёров, Б.С. Ғойилов. Суғд бошқарувидаги “элтабар” ва “тархон” унвонларига доир // Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари. V-Республика конференция материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм [Тошкент давлат шарқшунослик институти. Масъул муҳаррир М.М. Исҳоқов]. Тошкент. 2013. 67–78-бетлар.

² А. Отахўжаев. Суғд шахрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. Тошкент. 2001. №2. 40 – 42-бетлар.

³ Р.Х. Сулейманов. Древний Нахшаб. Ташкент. 2000. С. 69 – 70.

⁴ Ғ.Б. Бобоёров. Турк хоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. Тошкент. 2002. №11. 119 – 129-бетлар.

⁵ М.М. Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент. 1992. 3-бет.

⁶ Ғ.Б. Бобоёров. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тузуми. Тарих фанлари доктори унво-



Илк ўрта асрларда Суғд воҳасининг бошқарув шакли кўпчилик тадқиқотларда асосан қуйидагича тушунтирилади:

а) Конфедерация шаклидаги бошқарувга эга бўлган Суғд воҳаси бир-биридан мустақил бир қатор кичик мулклардан иборат бўлиб, улар орасида дастлаб Кеш (VII аср ўрталаригача)⁷, кейинчалик эса Самарқанд (VII аср иккинчи ярмидан – VIII аср иккинчи ярмигача) марказий ҳокимият вазифасини бажарган⁸. Кичик мулклар (қишлоқлар ва нисбатан йирик маъмурий бирликлар, яъни рустоқлар) *деҳқон* унвонли маҳаллий ҳоким томонидан бошқарилиб⁹, улар муайян бир мулкнинг марказий шахрида ўтирувчи ҳукмдорга бўйсунганлар. Ўз навбатида, бундай ҳукмдорлар Суғд конфедерациясининг марказий бошқаруви мақомидаги *ихшид* унвонли ҳукмдорга тобе бўлганлар¹⁰.

А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов фикрларича, ўз навбатида эфталлийлар, кейинроқ эса, уларнинг ўрнини эгаллаган ашиналийларга қарам бўлган Суғд воҳаси мулклари уларга ўлпон тўлаб, ярим мустақил, баъзан эса деярли тўла мустақил ҳокимият юритганлар¹¹. Айниқса, ашиналийларнинг воҳадаги ҳокимияти нисбий бўлиб, ўз бошқарувини сақлаб қолган маҳаллий сулолалар билан хоқонлик орасидаги алоқалар анча заиф бўлган. Бунга хоқонликнинг марказлашмаган ҳокимият шакли ҳам таъсир кўрсатган. Суғд конфедерациясида асосан маҳаллий бошқарув шакли амал қилиб, ҳукмдорлар ва амалдорлар ўзларининг суғдий унвонлари билан ҳукм юритганлар. Самарқанд ва Кешда маҳаллий унвонлар орасида нисбатан мавқеи юқори бўлган унвонлар – *ихшид* (Самарқандда) ва *ихрид* / *ихшид* (Кешда), қолганларида эса *хуву* / *хвабу*, *хутав* ёки *худот* унвонлари бош унвон сифатида амал қилган. Ашиналийлар даврида Суғд воҳасининг бир қатор мулкларида *элтабар*, *чўр*, *тархон* каби туркий унвонлар қўллана бошлаши эса, мазкур мулкларнинг хоқонлик қўл остида бўлиши ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўз даврида “русум” бўлган бу унвонларни ўзларига қабул қилиб олишлари натижасидир¹².

б) Охириги йилларда ўртага ташланган ва ҳануз кенг ёйилмаган ҳамда унчалик кўп тарафдор топмаган иккинчи гуруҳ тадқиқотчилари О.И. Смирнова, Ж.К. Скэфф, Ғ. Бобоёров, А. Кубатин фикрларича,

нини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2012. 42 – 43-бетлар.

⁷ О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва. 1981. С. 34 – 36.

⁸ Л.И. Альбаум. Живопись Афрасиаба. Ташкент. 1975. С. 29, 38.

⁹ О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 39.

¹⁰ О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 49 – 51.

¹¹ А.А. Асқаров. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки Узбекистана. Ташкент. 1997. № 34. С. 65 – 76; А. Muhammadjonov. O'zbekiston tarixi (IV asrdan – XVI asr boshlarigacha). 7-sinf uchun darslik. Toshkent. 2009. 17 – 20-betlar.

¹² Stark S. Die Altürkenseit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. Wiesbaden. 2008. S. 225, k. 1250.



Суғднинг бошқарув шакли, гарчи юқорида келтирилганидек маҳаллий асосга эга бўлиб, бошқарувда анъанавийлик ўстувор бўлиши баробарида эфталийлар ва ашиналийларнинг таъсир доираси анча кенг бўлган ва ўзвийлик касб этган. Хусусан, хоқонлиқнинг Суғд воҳаси бошқарувда, шунингдек хоқонлик ва суғдий мулклар орасидаги сиёсий алоқалар муайян бир тизим асосида амалга оширилган. Уларга кўра, хоқонлик Суғд бошқарувига бевосита ва билвосита аралашган бўлиб, унинг бир қатор мулкларида туркий ва туркий-суғдий қоришиқ сулолаларнинг ўртага чиқиши, бошқарувда туркий унвонларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қадимги турк бошқарув тизимига мос равишда Суғдда ҳам ўз давлат бошқарув тизимини сақлаши бунга асос бўла олади¹³. Шунингдек, хоқонлиқни марказлашмаган ва қарам мулклар бошқаруви нисбатан заиф сиёсий тузилма деб баҳолаш хоқонлик тарихининг яхши ўрганилмагани ҳамда бошқарув тизимининг моҳияти етарлича тушуниб етилмаганининг натижасидир.

Бизнингча, ҳар иккала гуруҳ тадқиқотчиларининг ҳам мазкур талқинларининг ўзига хос ҳаққоний ва мунозарали томонлари бор. Бундай фикрга келишимизга илк ўрта асрлар Суғд воҳаси сиёсий тарихига оид манбаларга чуқурроқ кўз ташлаш имкон беради. Шунингдек, хитойлик муаллифлар томонидан Суғд бошқаруви, хусусан, бу ердаги хоқонлик ҳокимияти масаласида берилган маълумотлар анчагина қисқа бўлиб, улар асосидагина аниқ бир тўхтамга келиш қийин. Араб ва форс манбалари эса, асосан араб истилоси ва унга қаршилик кўрсатган Суғд ва Туроннинг бошқа мулклари воқеликларини ёритгани боис, улар асосида бу дарвдаги бошқарув шаклининг тўлиқ моҳиятини аниқлаш анча мушкул. Бу ҳолат мазкур мулклар ва ашиналийлар билан қарамлик масаласида, айниқса, яққол сезилади.

Ашиналий хоқонлар воҳанинг анъанавий ички бошқарув шаклини ўзгартирмаган эди. Бироқ уни назоратда тутиш, тобе ҳукмдорлар гарданига юклатиладиган солиқ ва ўлпонлар йиғилишини уюштириш, ўрни келганда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш каби мажбуриятларни бошқа қарам мулклар қаторида Суғд устидан ҳам жорий қилингани кўзга ташланади. Хўжайин ва унга қарам орасидаги муносабатларга алоқадор бу каби маълумотлар ёзма манбаларда анча-мунча учрайди. Агар бу масалага Суғд мисолида назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагича манзарага гувоҳ бўламиз:

¹³ О.И. Смирнова. Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. Москва – Ленинград. 1961. Вып 14. С. 55 – 58; Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Vol. 2. Ankara. 2002. P. 364 – 372; Ф.Б. Бобоёров. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тузуми. Тарих фанлари доктори унвонини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2012. Б. 42 – 43; А.В. Кубатин. Древнетюркские термины в согдийских документах с горы Myr. Ural-Altaic Studies - Урал-алтайские исследования. № 3 (14). 2014. С. 12 – 23.



1. **Ташқи алоқалар.** Юнон манбаларида келтирилишича, Византия элчилари 560-йилларнинг охирлари – 570-йиллар мобайнида ашиналийлар даргоҳига, яъни Эктоға (Юлдуз водийси) келиб, қайтиб кетаётганларида, қарам мулкларнинг ҳам Византияга элчи юборишга изн сўраб хоқонликка мурожаат қилиши қисқача баён этилиб, ашиналий хоқон элчи юбориш учун қарам мулклардан фақат хвалисикларга (хоразмликларга) рухсат бергани таъкидланади¹⁴. Бу эса хоқонлик томонидан Суғд воҳаси мулкларининг ташқи алоқалари чекланган ёки назоратга олинган эди, мазмунида тахмин қилишга имкон беради. Тўғри, VII – VIII асрларда Суғднинг бир неча мулкларининг Хитойга элчилар юборгани йилномаларда қайд этилади¹⁵. Бироқ бу каби воқеликлар, асосан, ё хоқонликнинг марказий ҳокимиятида юз берган вақтинчалик сиёсий инқирозлар (исёнлар, тахт-талашувлари ва бошқалар) ёки хоқонлик устидан Хитой устунлиги ўрнатилган пайтларга тўғри келгани кўзга ташланади. Шу билан биргаликда, Суғд ва бошқа қарам мулкларнинг Хитойга элчи юбориши хоқонлик томонидан чеклангани ёки аксинчалигини тасдиқлайдиган маълумотлар ҳам деярли мавжуд эмас. Ҳар ҳолда улар бу масалада анча эркин бўлган кўринади.

2. **Ҳарбий мажбуриятлар.** Гарчи қарам мулкларга хоқонликнинг барча ҳарбий ҳаракатларида иштирок этиш ёки моддий томондан ёрдам бериш мажбурияти юклатилган бўлмаса-да, зарурий вақтларда хоқонлик томонидан уларга шунга ўхшаш талаблар қўйилганининг эҳтимоли юқоридир. Хусусан, VII аср охири – VIII аср илк ярмида араб халифалиги босқинига қарши курашда Амударё – Сирдарё оралиғи ҳамда унга қўшни ҳудудлардаги Чоч, Фарғона, Суғд, Тўхористон ҳукмдорлари иттифоқига бошчилик қилган турк хоқонларининг мазкур иттифоқдошлардан қўналға бериш, аскар талаб қилиш, озуқа ва қурол-аслаҳа етказиб бериш, отларни емиш билан таъминлаш ва ҳоказо каби талаб қилингани ёзма маълумотлар асосида ўз тасдиғига эга. Жумладан, араб манбаларида Самарқанд ҳукмдори Ғурак (710 – 738) араблар билан учрашганда, ўзини хоқоннинг қуллари ва чокарларидан бири сифатида таърифлайди¹⁶. Шунингдек, Муғ тоғи ҳужжатларидан В-17 сонли ҳужжатдан маълум бўлишича, араб босқинчилари ҳужумлари пайтида Панжикент ҳукмдори Деваштич (709 – 722) хоқондан ўзига «юксак мартаба ва эҳтиром» келганини таъкидланиши баробарида турк лашкарбошиси

¹⁴ П. Шювен. О Византийских посольствах к первым тюркским правителям Согда (Проблемы ономастики и топонимики) // Общественные науки Узбекистана. № 1 – 3. Ташкент. 1995. С. 33 – 38.

¹⁵ Н.Я. Бичурин. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. Москва – Ленинград. 1950. С. 314 – 316.

¹⁶ История ат-Табари. Избранные отрывки. Ташкент. 1987. С. 225.



ўз қўшинлари билан келиб жойлашган қўналға ҳақида сўз юритилади¹⁷.

3. **Қуда-андачиликнинг йўлга қўйилиши.** Ашиналийлар Хитой, Эрон ва Византия каби қўшни давлатлардан қиз олиш ёки қиз беришни йўлга қўйган бўлсалар, ўзларига қарам мулклар ҳокимларига асосан қиз берганлари кўзга ташланади. Хусусан, “Тан шу” йилномасида 590-620 йилларда Самарқандни бошқарган икки маҳаллий ҳукмдор (Шашеби ва Кюймучжи) Ғарбий турк хоқонларига куёв бўлиб, “туркларга бўйсунганлиги” ва Суғддаги қолган мулклар устидан устунликка эга бўлгани алоҳида урғуланади¹⁸. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Девашич турк ҳукмдорларидан бирига куёв бўлгани учун ҳам Панчнинг амалдаги ҳукмдори бўлган, бироқ ҳуқуқий жиҳатдан танга бостириш ваколати бўлмагани боис тангалар бир муддат унинг хотини, яъни турк ҳукмдорининг қизи номидан зарб қилинган¹⁹.

Суғд ва бошқа воҳа мулклари билан ашиналийлар ўртасидаги никоҳ муносабатлари масаласи бирмунча ўрганилган бўлиб, Ж. К. Скеф фикрича, “Итоатда тутиш учун мутаносиб (мақбул) воситаларнинг энг яхши усули кўчманчилар ва ўтроқ ҳукмдорлар орасида никоҳ алоқаларини йўлга қўйиш эди. Хитой йилномаларида ушбу усулнинг олтита мисолини топдим. Биттасини ҳисобга олмаганда, барча воқеаларда ушбу усул туркларнинг аслзода бир аёлни турмуш қуриш учун ўтроқ бошқарувчига узатиши тарзида эди. Хитой йилномаларида мазкур никоҳ муносабатларига ортиқча эътибор берилмагани ва фақат йўл-йўлакай қайд қилиниб кетишига қарамай, ушбу усул ҳақида бир қатор муҳим тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Балки бу қиз олиб қиз бериш кенг миқёсда дашт ва воҳа ўртасидаги алоқаларни кучайтирувчи восита сифатида йўлга қўйилганини кўрсатса керак. Никоҳ алоқалари воситасида сиёсий муносабат ўрнатиш (иттифоқ ташкил қилиш) кўчманчилар сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятидир. Ушбу усул бошқа қабилалар билан ўрнатилган никоҳ алоқаларига таянувчи кўчманчи уруғ ва қабилалар орасида ё ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик ишораси ёки “истилолар учун бир қўшимча чора” сифатида амалга оширилган. Воҳа давлат бирликлари ва қабилалар бошқарувчилари орасида амалга оширилган никоҳ муносабатлари кўчманчиларнинг ўтроқ минтақалар-

¹⁷ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва. 1962. С. 115, 117; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Kamakura 2002. P. 157.

¹⁸ Н.Я. Бичурин. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. İstanbul: Selenge. 2007. S. 185, 305.

¹⁹ А. Отахўжаев. Суғд шахрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. Тошкент. 2001. №2. 40 – 42-бетлар.



да назорат муаммосини ҳал этиш учун қўлланганидан дарак беради. Шу ўринда, кўчманчилар одатича, асосан келин берган томоннинг келин олган томондан устун экани кўзда тутилганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур”²⁰. Ғ. Бобоёров эса, бундай муносабатларни хоқонлик даврида йўлга қўйилган ва ҳануз “куртак” шаклида бўлган “кўрагонлик тизими” деб атайди²¹.

Суғд воҳаси мулкларида қўлланган туркий ўнвонлар Самарқанд ва Панч бошқарувида учраб, улар даражасидаги Кеш ва Нахшаб, нисбатан қўйи даражадаги Иштихон, Қушония, Фай ва Кабудон мулклари бошқарувида ҳам шунга ўхшаш ҳолат мавжуд ёки акси бўлганини аниқлаш қийин. Чунки мазкур мулклар кўпчилигининг бошқарув шакли ва сиёсий тарихига оид ёзма маълумотлар ниҳоятда оздир. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги томонидан танга зарби йўлга қўйилгани ҳам ҳануз аниқланганича йўқ. Улардан фарқли равишда, Кеш ва Нахшабга оид маълумотлар кўлами анчагина кенг бўлишига қарамай, ҳар иккала мулк бошқарувида туркий ўнвонлар деярли учрамайди. Улардан бири – Нахшабда туркий сўлола ҳукм юритганини тахмин қилишга имкон берадиган тангашўнослик ашёлари бор бўлиб²², улардаги ёзувлар бу ернинг бошқарувида туркий ўнвон амалда бўлганини тасдиқламайди. Хитой йилномаларида *Ми / Мимохэ*, суғдий ва араб, форс манбаларида *Май-мурғ* шаклида тилга олинган мулк эса, айрим тадқиқотчилар томонидан Панч билан бир ёки кейинчалик бирлаштирилган мулк саналиб²³, бу масалаларга Панч мисолида қараш лозим бўлади.

Хитой йилномаларида Суғднинг деярли барча мулкларининг бошқарувчиларига нисбатан *ван* (ҳукмдор) атамаси ишлатилади²⁴. Араб ва форс манбаларида эса, улар *малик*, *худот*, *деҳқон* ўнвонлари билан тилга олинадилар. Суғдий ҳужжатларда *хwв / хwvw, MLK'* (= ихшид), *MR'Y* (= афшин), ҳар бир мулк томонидан зарб қилинган суғдий тилли тангаларда эса *MLK', MR'Y, хwв / хwvw, 'xwvp't* (фақат Кешда) ўнвонлари ўрин олган²⁵. Шу маънода, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида “отхона бошлиғи, сайис” маъносида, юқори мансабдаги амалдорлардан бири-

²⁰ Scaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS. Vol. 2. Ankara. 2002. P. 100

²¹ Ғ.Б. Бобоёров. Турк хоқонлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент. 2011. 46 – 54-бетлар.

²² О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва. 1981. С. 26; Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu – The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. Ankara. TİKA, 2007. S. 37, 175 – 179.

²³ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Kamakura 2002. P. 155 – 196.

²⁴ О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 36 – 37.

²⁵ О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 49 – 51.



нинг лавозим номи сифатида учрайдиган *"xwrp't"* "ахурпат" сўзи Кеш тангаларида "Кеш ҳукмдори Ахурпат" шаклида ўрин олганини айтиб ўтиш лозим²⁶.

Гарчи бу даврда Суғднинг воҳасидаги барча мулкларда маҳаллий анъанавий унвонларга (Самарқандда – *ихшид*, Панчда – *афшин*, Кешда – *ихрид*, Нахшабда – *испахбод* ва бошқалар) амал қилинган бўлса-да, ёзма ва тангашунослик ашёларида улар билан боғлиқ равишда туркий унвонлар ҳам учраши изоҳ талаб қилади. Жумладан, Самарқанд ва Панч бошқарувида *тархон*, Панчда чўр (эҳтимол Самарқандда ҳам²⁷), *билга*, *элтабар*, шунингдек, VII асрга оид Самарқанд тангаларида *хоқон*, VII – VIII асрга тааллуқли Панч тангаларида эса *хотун* ва *билга* унвон ва сифатлари ўрин олган бўлиб²⁸, айрим тадқиқотчилар фикрича, бу даврда Самарқандда туркий-суғдий аралаш сулола ҳукм сургани ва улар томонидан хоқонликнинг марказий бошқарувидаги бош ҳукмдор – хоқон номига танга бостирилгани билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам, бу даврда Амударё – Сирдарё оралиғидаги бир қатор қарам мулклар тангаларида *хоқон* унвони акс этган бўлиб, бу ҳолат маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзларини мазкур унвон билан атагани билан эмас, аксинча, уларнинг ўз хўжайинлари номига танга бостирганлари билан алоқадордир. Чунончи, ҳеч бир ёзма манбада қарам ҳокимларнинг ўзларига *хоқон* унвонини қабул қилиб олганлари ёки бунга уринганларига доир маълумот учрамайди. Суғд бошқарувида *элтабар* унвонининг учраб, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг (720) бир нечасида *lyttypyr*, *dyttypyr* (элтабар) ёки *хусу элтабар* унвонли амалдор ҳақида гап боради. Ушбу маълумотларнинг Панч ва Шимолий Тўхористондаги мулкларга алоқадор эканини таъкидлаган Ф. Грене ва Э. Дела Весиер *элтабар* унвонли амалдорни мазкур ҳудудлар билан боғлайдилар²⁹. Аслида эса, бу унвон ашиналийлар ҳо-

²⁶ В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб. 2008. С. 274 – 275.

²⁷ Хусусан, хитойча «Тан шу» йилномасида Самарқанд ҳукмдори Улега (Ғурак; 710 – 738) Мочжо (Бўғучўр) исмли иккинчи ўғлини Ми (Маймурғ) шахрига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида маълумот акс этган (Н.Я. Бичурин. Собрание сведений... II. С. 311; Chavannes E. Documents sur les... P. 136, k. 5). Мочжо – Э. Шаванн мазкур исми Шарқий Турк хоқони Мочжо (691 – 716) билан бир хил исм, деб ҳисобласа, П. Пельо ҳар иккала исми Бекчўр шаклида тиклайди (Chavannes E. Documents sur les... P. 136, k. 5; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü ... S. 108. n. 345). Ф.Б. Бобоёров фикрича, Ғурак мазкур турк хоқони шарафига ўз ўғлини Бекчўр/Бўғучўр деб атаган бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса бу ҳол Суғд бошқарувида туркий чўр унвони қўлланилгани билан изоҳланиши ҳам мумкин (Г.Б. Бабаяров. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв.). Ташкент. 2007. С. 72 – 73).

²⁸ О.И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. Москва 1981. С. 362 – 370. № 1482 – 1497; Г.Б. Бабаяров, А.В. Кубатин. К вопросу о монетах Согда с титулом «хатун» // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолитдин. Berlin: LAP Lambert Academic Publishing. 2013. С. 79 – 87.

²⁹ Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology. 8. Kamakura 2002. P. 177.



кимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Суғдда ҳам жорий қилингани мазмунидаги тахминга имкон беради.

Қадимги туркча чўр унвони ҳам Суғд воҳаси мулклари бошқарувида асосан Панч ва қисман эса, Самарқанд билан боғлиқ равишда учрайди. Самарқандда 650 – 750 йиллар оралиғида ҳукм сурган туркий-суғдий келиб чиқишга эга ихшидийлар сулоласи вакилларининг кўпчилиги гарчи Тархун, Ғурак, Турғар, Бекчўр/Бўғучўр каби туркий исмларга эга бўлиши баробарида *ихшид* унвонини қўллашда давом этганлар. Аксинча, келиб чиқиши суғдий бўлган, кув сифатида Панч (Панжикент) ҳукмдорлиги ҳокимиятини чўр унвонли туркий сулола вакилларида қабул қилиб олган Деваштич *афшин* унвонидан истифода қилиш билан биргаликда, араб манбаларидан маълум бўлишича, *шур* (чўр) унвонини қўллашда ҳам давом этган³⁰. Шу ўринда, қарам мулкларда чўр унвонининг учраши II Шарқий Турк хоқонлиги (682–744) даврига тўғри келиши диққатга сазовордир. Жумладан, «Тан шу» йилномасида Самарқанд ҳукмдори *Улега* (Ғурак; 710 – 738) *Мочжо* (Бўғучўр)³¹ исми иккинчи ўғлини *Ми* (Маймурғ) шаҳрига ҳоким этиб тайинлагани ҳақида маълумот акс этган³². Шунингдек, юқорида кўриб ўтилганидек, Панчнинг 693 – 708 йилларда ҳокимлик қилган бошқарувчининг исми Чакин Чўр Билга бўлса, араб манбаларида эса *шур* (чўр) Панч ҳукмдорлари аجدодларининг исми сифатида қайд этилади³³. Хоқонлик бошқарувида асосан ҳарбий унвон сифатида учрайдиган ушбу унвон Суғд воҳаси бошқарувида асосан VII аср охири – VIII аср илк чорағида учрай бошлайди.

Тархон унвони Панч билан алоқадор ўлароқ собит бир шаклда, Самарқанд билан эса, эҳтимолий бир тарзда учрайди. Суғдий ҳужжатларининг бири А-13 да Панч амалдорларидан бирининг унвони сифатида *trx'n* (тархон) унвони қайд этилади³⁴. Л.Н. Гумилевга кўра, Фирдавсий-

³⁰ В.А. Лившиц. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. Москва. 1979. №4. С. 66 – 67.

³¹ Мочжо- Э. Шаванн мазкур исми Шарқий Турк хоқони Мочжо (691–716) билан бир хил исм, деб ҳисобласа, П. Пельо ҳар иккала исми Бекчўр шаклида тиклайди (Chavannes E. Documents sur les... P. 136, k. 5; Kafesoğlu İ. Türk Milli Kültürü... S. 108. n. 345). Ғурак мазкур турк хоқони шарафига ўз ўғлини Бекчўр/Бўғучўр деб атаган бўлиши мумкин (Г.Б. Бабаяров. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв.). Ташкент. 2007. С. 72 – 73). Бошқа томондан эса бу ҳол Суғд бошқарувида туркий чўр унвони қўлланилгани билан изоҳланиши ҳам мумкин.

³² Н.Я. Бичурин. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. Москва – Ленинград. 1950. С. 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. СПб. 1903. P. 136, k. 5.

³³ В.А. Лившиц. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. Москва. 1979. №4. С. 66 – 67; А. Отахўжаев. Суғд шахрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. Тошкент. 2001. №2. 40 – 42-бетлар.

³⁴ Н.Я. Бичурин. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. Москва – Ленинград. 1950. С. 325 – 326; М.М. Исҳоқов. Унутилган



нинг «Шоҳнома» асарида Бижан тархон шаклида учрайдиган шахс Суғддаги туркий ҳукмдорлардан бири бўлган³⁵. Юнон тарихчиси Менандр (VI аср) Истами хоқоннинг Византияга юборган элчиларидан бирининг исми Тағма Тархон (Маниахнинг ўғли) эканини ёзади. У Суғд воҳасининг тархон унвонли амалдорларидан бири бўлганининг эҳтимоли мавжуд.

Билга атамаси Панч ҳукмдори Чакин Чўр Билга исмининг таркибий бир қисми сифатида, VII аср охирларига оид Панч тангаларининг бирида *хwв рпсу MR'Y bylk'* "Панч ҳукмдори Афшин Билга" шаклида учрайди³⁶. Ашиналийлар бошқарувида унвонлар олдида келувчи ушбу атаманинг муайян сифат вазифасини бажаргани англашилади. Воҳа бошқарувида айнан қандай вазифани бажаргани ёки фақатгина ҳукмдор исмининг таркибий бир қисми бўлгани масаласи эса келажақда махсус изланишларни талаб қилади.

Гарчи бу даврда мазкур мулклардан фарқли равишда Суғд мулклари бошқарувида бевосита ашиналийлар сулоласи вакиллари турмаган бўлсалар-да, воҳадаги бир қатор мулкларда хоқонликка хос унвонлар кўрина бошлаши билвосита бўлса-да, хоқонлик бошқарувининг Суғдга ўз таъсирини кўрсатганидан дарак беради. Шу билан бирга, ашиналийларнинг бу ердаги нуфузи бошқа қарам мулклардан кам бўлмагани, аксинча, хоқонлик бу ерга катта эътибор бергани ва ўзаро алоқалари анча тигиз бўлгани аён бўлади. Хусусан, хоқонларнинг ўнлаб воҳа мулклари орасида асосан Суғд воҳаси ҳокимлари билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, уларга ўз қизларини бергани Суғднинг хоқонлик наздида қанчалик аҳамиятли бўлганини тасдиқлайди.

Қисқаси, салтанат сифатида Турк хоқонлиги (аниқроғи Ғарбий Турк хоқонлиги) ўнлаб уруғ бошқарувлари ва воҳа мулкларида қарийб икки асрга яқин ўз ҳукмронлигини юритган пайтда ўзига қарамларни назоратда тутишнинг муайян усулларида фойдаланган бўлиб, бунда маҳаллий сулоаларга унвон бериш (*элтабар*), назоратчи ноиб сифатида махсус вакил юбориш (*тудун*), қарам мулклар бошлиқларига ўз қизларини узатиш орқали назоратни кучайтириш каби бевосита ва билвосита бошқарув усулларини қўллагани аён бўлмоқда.

подшоликдан хатлар. Тошкент. 1992. 27 – 28-бетлар.

³⁵ Л.Н. Гумилев. Древние тюрки. Москва. 1967. С. 240.

³⁶ В.А. Лившиц. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // Народы Азии и Африки. Москва. 1979. №4. С. 56 – 57.



Соҳиба Сулаймонова

Система государственного управления Согда раннего средневековья

В данной статье рассмотрены и проанализированы звания и чины, существовавшие в государственном управлении, а также их историческое возникновение и смысл в Согдийской конфедерации в составе Западного Тюркского каганата.

В раннем средневековье в Согдийской оазисе правили эфталиты (420 – 565), затем Тюркский каганат (552 – 744) в подчинении которого были десятки правительственных вассалов, таких как Самарканд, Кушания (Каттакурган), Иштихан, Фай, Маймург, Кабудон, Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Насаф/Карши). Если обратить внимание на письменные источники (Китай, Византии, согдийские, арабские и на языке фарси) и нумизматические материалы, можно увидеть, что в данный период правителями были представители местных династий. В остальное время правителями были представители династий, имевших отношение к Тюркскому каганату.

В управлении Согдом в составе правителей не было представителей династии ашина. В оазисе несколько правителей обладали званиями и должностями схожими на каганатское управление, что показывает степень влияния на Согд. В частности, десятков правителей оазиса устанавливали родственные именно с Согдийскими правителями узы, т.е. отдавали своих дочерей за них замуж, что показывает значимость отношений с Согдийскими правителями.

Западный Тюркский каганат для контроля своих вассалов пользовался определенными методами, посредством которых были назначены представители местных династий (элтабар).

Ключевые слова: Согд, Западный Тюркский каганат, система управления, местные династии, должность, звание, конфедеративное управление, методы и средства в управлении.

Sohiba Sulaymanova

The system of governance of the Sogd Oasis in the early middle ages

This article examines and analyzes the ranks of state administration, as well as their historical origin and meaning in the Sughd Confederation as part of the Western Turkic Kaganate.

In the early Middle Ages, the Hephthalites (420 – 565) ruled in the Sogdian oasis, then the Türkic Kaganate (552 – 744) subordinated dozens of government vassals such as Samarkand, Kushania (Kattakurgan), Ishtikhan, Fay, Maimurg, Kabudon, Panj (Panjikent), Kesh (Shakhrisabz), Nakhshab (Nasaf / Karshi). If you pay attention to written sources (China, Byzantium, Sogdian, Arab, and Farsi) and numismatic materials, you can see that in this period representatives of local dynasties were the rulers. The rest of the rulers were representatives of dynasties related to the Turkic Kaganate.

In the management of Sogd, representatives of the Ashina dynasty were not present among the rulers. In the oasis, several rulers were marked with titles and positions similar to the Kaganate administration, which shows the degree of influence on Sogd. In particular,



of the ten rulers of the oasis, it was with the Sogdian rulers that kinship was established, i.e. gave their daughters in marriage to them, which shows the importance of the relations of the Sogdian rulers.

The Western Türkic Kaganate used certain methods to control its vassals, through which representatives of local dynasties (Eltabar) were appointed, a representative was sent as a governor (Tudun), and direct and mediocre methods were used to strengthen control.

Keywords: Sogd, Western Turkic Khaganate, the system of government, local dynasties, position, rank, the confederal government, methods, and means in government.



Аҳад Хўжаев

Тарих институти бош илмий ходими,
тарих фанлари доктори

Ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда қадимги хитой манбаларининг аҳамияти

Туркий халқларнинг катта бир вакили саналмиш ўзбекларнинг бой ўтмиши, жумладан, ижтимоий ҳаёти, маданияти, келиб чиқиши, урф-одатлари, диний эътиқодлари, тили ва ёзувлари тарихини ҳамда замонавий ҳолатини ўрганиш, ушбу тарихнинг номаълум саҳифаларини тўлдириш ва бойитиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Бу вазифаларни бажаришда археология маълумотларидан ташқари, турли тилларда битилган манба ва илмий адабиётларни ўрганиш, улардан тўла фойдаланиш, хорижлик муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб бориш зарур.

Ўзбек халқининг этногенез масалалари, улар атрофида юзага келган турли қарашларни ўрганиш, мунозарали масалаларга аниқлик киритиш каби ишлар ҳам этнологиянинг муҳим бир йўналишларидандир.

Айни замонда ўзбек халқининг асосий қисми Ўзбекистон ҳудудида яшайди. Лекин унинг вакиллари дунёнинг барча ривожланган давлатларида ва шаҳарларида ўtroқлашиб қолганлари ҳам яхши маълум. Ўзбекларнинг бой ва қадим ўтмиши, айниқса, этник тарихи биргина ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди билан чекланмайди. У кенг доирадаги туркий халқлар тарихи билан боғлиқдир. Туркий халқлар аجدодлари эса қадим замонларда катта нуфузга эга бўлган ва кенг доирадаги ҳудудга тарқалиб яшаган. Улар истиқомат қилган замин шарқда Корея ярим ороли ва Бўхай денгизигача¹, ғарбда Қора денгиз ва Ўрта денгизи бўйларигача,

¹ Бўхай денгизи (渤海) — ҳозирги Пекин ва Тяньжин шаҳарларини шарқий томонидаги денгиз

жанубда эса Марказий Афғонистон ва Эронгача чўзилган. Улар ҳаракат қилган ушбу улкан замин турли иқлимга эга бўлган тоғли ҳудудлар, чўлликлар, кўкаламзор водийлар, дарё бўйларида иборат. Табиий офатлар, ички низолар ва урушлар туфайли туркий қавмлар ушбу улкан ҳудуд доирасида жойдан жойга кўчиб юришга мажбур бўлганлар. Шунинг учун ҳам, ўзбек халқининг этник тарихини ана шу қадимги турклардан ажратиб бўлмайди.

Албатта, бу жойлардаги турклар 5000 – 10000 йиллар олдин, балки ундан ҳам қадимроқ даврда қаерларда яшаган деган жавобсиз саволлар ҳам йўқ эмас. Помир тоғларининг ғарбий ва шарқий томонларида тош даврида ҳам одамлар яшаганлиги ва 10000 – 12000 йил олдин бу ерларда юз берган жуғрофий ўзгаришларга эътибор берилса, шимолий ҳудудларда истиқомат қилган қадимги турклар Помирнинг икки томонидага жойлардан шимол томонга кўчгани ишончиликроқ тўйилади.

Айни замонда ўзбек халқи яшаётган ҳудуд узоқ ўтмишдан бери савдо йўллари чорраҳаси бўлиб келган ва шу ҳолатда ривожланиб келмоқда. Ушбу чорраҳа эса савдо-сотиқ ишлар учунгина эмас, балки одамлар ва маданиятлар кўчиб юриши учун ҳам хизмат қилган. Бу ҳолат ҳам ўзбек халқининг этник тарихини мураккаблаштирган, деб ўйлаймиз.

Ўзбек халқининг этник тарихи кўпдан бери ватанимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг ва бошқа қизиқувчиларнинг эътиборини жалб этган ва ҳамон давом этмоқда. Сўнги даврда Ўзбекистонда бу борада дунё юзини кўрган йирик асарлар орасида айни пайтда фаол иш олиб бораётган археолог олим, академик А. Асқаровнинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» ва «История происхождения узбекского народа»² асарларини алоҳида тилга олиш мумкин. Марҳум К. Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»³ асари ҳам катта аҳамият касб этади. Лекин уларнинг юзага келиши билан ўзбек халқининг этник тарихига, айниқса, қадимги давр қисмига оид барча масалалар ўз ечимини топди, дейиш қийин. Муомалага киритилмаган манбалар, айниқса, қадимги Хитой ва Ҳиндистон олимларининг асарларидаги маълумотлар тўла ўрганилди, деб айтиб бўлмайди. Айни замонда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ-шунослик институтида сақланаётган қўлёзма ва тош босма асарлардаги этнологияга оид маълумотлар тўла ўрганилгани йўқ. Умуман олганда, илмда биронта тадқиқотчининг асари тарих фанининг у ёки бу масаласидаги “оқ доғлар”ни йўқотишда сўнги нуқтани қўя олмайди. Акс ҳол-

номи бўлиб, унга Хуангхэ дарёси (Қорамурон)нинг суви айнан шу денгизга қўйилади. Ушбу денгиз Сарик денгиз (Хуангхай 黄海) орқали Тинч океанга уланган.

² А.А. Асқаров. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. Тошкент. 2015; История происхождения узбекского народа. Ташкент. 2018.

³ К. Шониёзов. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. 2001.



да, илмий тадқиқотлар тўхтаб қолади. Қолаверса, фан ривожланиши билан янги имкониятлар пайдо бўлмоқда ва янги маълумотлар юзага чиқмоқда. Айниқса республикамизда одамларнинг ДНКсини ўрганиш асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш йўналишининг йўлга қўйилиши кўп янгликликларни юзага чиқаради, деб умид қиламиз.

Шу кунгача турли тилларда нашр этилган асарлар ва сўнги даврда Интернет саҳифаларида баён этилаётган маълумотлар ва фикр-мулоҳазаларга қараганда, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихига оид турлича ёндашувлар ҳамон сақланиб келмоқда. Уларнинг асослари ҳам хилма-хилдир.

Этник жиҳатдан ўзбеклар кўп таркибли халқ ҳисобланади. Шунинг учун сиртқи кўринишдан олиб қараганда, улар орасида европача, мўғулча ва аралашган ирқлар вакиллари хос башаралар учраб туради. Шу билан бирга, ўзбеклар орасида бадани оқ, буғдойранг, кўз қорачиғи қора, кўк, жигарранг, сочлари тўқ қора, қизғиш қора ва сарғиш қора ранглилари ҳам мавжуд. Аммо аксарият ўзбекларнинг сочлари қора бўлиши ҳаммага маълум. Ҳозирги ўзбекларнинг бу каби кўринишларига эга бўлишининг бир неча сабаблари мавжудлиги ҳам сир эмас.

Биринчидан, ўзбеклар яшаётган ҳудуд қадим замонлардан бери “Буюк ипак йўли” деб аталмиш савдо йўлларининг чорраҳаси бўлганлигидадир. Шу боис, бу ерга атрофдаги узоқ-яқин минтақа ва мамлакатлардан савдогарлар келиб турганлар. Уларнинг айримлари Ўзбекистон шаҳарларида ўтроқлашиб, вақт ўтиши билан маҳаллий аҳолига аралашиб кетганлар.

Иккинчидан, ушбу ҳудуд кўп марта бошқа юртларда яшовчиларнинг ҳужумига дуч келган. Маҳаллий халқнинг айримлари бошқа мамлакатларга олиб кетилгани баробарида босқинчилар ўз қўшинларини ерлаштиришлари натижасида бошқа халқлар вакиллари мазкур ҳудудда ўтроқлашганлар. Вақт ўтиши билан улар маҳаллий аҳолига сингиб кетганлар.

Учинчидан, атрофдаги минтақаларда, айниқса Шарқий Туркистонда юз берган урушлар туфайли маҳаллий халқ вакиллари Туркистоннинг ғарбига, айниқса, Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келиб, бу ерда макон топганлар. Қадимий ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, бу ҳодиса биргина сўнги икки аср давомида эмас, балки, милoddан аввалги II асрда ва ундан кейинги даврларда ҳам кузатилган.

Археология маълумотлари, одамлар ДНКни ўрганишга асосланган ва айни замонда ривожланиб келаётган тадқиқотлар натижаларига кўра, олис ўтмишда ҳам халқлар кўчишлари тез-тез юз бериб турган. Бунга, бир томондан, иқлимнинг ўзгариши сабаб бўлса, иккинчи томондан, урушлар, озиқ-овқат етишмаслиги таъсир кўрсатган.

Тўртинчидан, ўтмишда хитойлик ҳукмдорлар ўзларини кучсиз сез-



ган пайтларида рақиблари билан қудалашиш асосида ҳимояланиш сиёсатидан фойланганлар. Қадимги Хитойнинг шимолий ва ғарбий томонида туркий қавмлар яшаганлиги ва улар билан кўп тўқинашганлиги туфайли хитойлик ҳукмдорлар бу сиёсатни кўпроқ туркий халқларга нисбатан қўллаганлар. Улар ўз қизлари ёки яқинларининг қиз болаларини туркий ҳоқонларга хотинликка юбориб турганлар. Айрим ҳолларда улардан туғилган болалар олий мартабага эга бўлиш билан бирга серфарзанд ҳам бўлганлар. Маълумки, генетика қонуниятига кўра, европача ва мўғулча қон аралашса, туғилган фарзандларнинг юзида иккинчи ирқга хос бўлган хусусиятлар кўп сақланиб қолади.

Мазкур сабаблардан ташқари, узоқ ўтмишда кўп минтақалар каби Туркистонда ҳам қуллар савдоси мавжуд бўлганини эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Шу сабабли ҳам бу заминга олис юртлар вакиллари ҳам келиб қолганлар ва улар маҳаллий аҳолининг этник ва ирқий жиҳатларига ўз таъсирларини кўрсатганлар.

Айтиб ўтилган сабаблар туфайли юз берган турли ирқ вакиллари-нинг аралашуви ўзбекларнинг кўриниши турлича бўлишига олиб келгани шубҳасиздир.

Айни замонда ўзбек халқининг этник келиб чиқиши ва шаклланиши юзасидан ҳамон олға сурилаётган ва тўла асосга эга бўлмаган қарашлардан бири турклар VI асрда Олтойда пайдо бўлган, шунинг учун унгача Турон ҳудудида яшаган аҳоли этник жиҳаддан турк бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблашдир. Шу асосда, ҳозирги ўзбекларнинг энг қадими илдизлари турк бўлмаган, деган хулоса ҳам туғилган ва ҳамон олға суриб келинмоқда.

Археология маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида, айниқса унинг жанубий қисмида одам тош давридан бошлаб яшагани маълум. Лекин бу маълумот ўша замонлардаги одамларнинг этник келиб чиқишини аниқлаштириб беролмайди. Мазкур одам қолдиқларининг ДНК-сини ўрганиш асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш ишлари эса бизда ҳали бошланғич паллада турибди.

Иккинчи бир қарашларга кўра, ўзбек халқи яқин замонларда шаклланган. Ушбу қараш муаллифлари ўзбек этнонимининг келиб чиқиши даврига асосладилар. Бундай қараш ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки бир неча минг йиллик ҳаётида бир халқнинг номи сиёсий вазиятлар таъсирида кўп марта ўзгарганига оид мисоллар дунё тарихида етарлидир. Масалан, хитойликлар 3500 йил олдин ўзларини *ся (夏)*⁴, 2500 йил аввал *хуася (华夏 – маданиятли сялар)*, милодий III асрдан бошлаб *хан (汉)*⁵ деб атаганлар. Ҳозир эса, улар ўзларини *ханзу (汉族 – хан милла-*

⁴ Ушбу этноним аслида жой номидан келиб чиққан, лекин *ся* (қадимги ўқилишда *гия*) иероглифи милoddан аввалги даврларда катта, буюк маъносида ишлатилган.

⁵ *Хан (han)* — этноними қадимги Хитойни буюк империяга айлантирган сулола (милoddан



ти), хорижликлар эса хитой, чайниз дейдилар.

Учинчи бир қарашга кўра, Ўзбекистон ҳудудида қадим замонларда келиб чиқиши туркий бўлмаган эроний тилли қавмлар яшаган. Улар VI асрдан кейин туркийларнинг Ўзбекистон ҳудудига шимолдан кўчиб келиши натижасида турклаша бошлаганлар. Бу қарашнинг тарафдорлари ҳам турклар VI асрда Олтойда пайдо бўлган, деган хато тушунчага асосланадилар.

Тўртинчи қарашларга кўра, ўзбеклар суғдларнинг авлодлари ҳисобланади, уларнинг келиб чиқиш турк бўлмаган. Ушбу қараш муаллифлари милоддан аввалги VII-VI асрларда битилган “Авесто”нинг милодий XI асрда кўчирилган ва даврмизгача етиб келган нусхасида бир марта тилга олинган Суғд номланмиш ерда яшайдиганлар суғдлар дейилади, гувоҳлигига таянадилар.

Бешинчи қарашга кўра, ўзбеклар ўтроқ халқдир. Турклар эса чорвачилик билан шуғулланганлар. Шунинг учун уларнинг келиб чиқиши туркий бўлмай, шимолдан кўчманчи туркларнинг кўчиб келиши ҳисобига турклашганлар. Ушбу қараш тарафдорлари ер юзидаги географик ўзгаришлар ва ҳудудий урушлар туфайли шаҳарлар, воҳалар ва дарё бўйларидаги деҳқончиликка мос ерларда яшаганлар шимол томондаги тоғли иқлими салқин дала жойларига кўчиб бориб, чорвачилик билан шуғулланишга мажбур бўлганлари ва бошқа маданият вакилларига айланганларини эътибордан четда қолдирган бўлишлари мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган қарашлар тубида, энг аввало, турклар VI асрда Олтойда пайдо бўлган, ундан олдин улар тарихий саҳнада йўқ эдилар, қадимий Хитой манбаларида ҳам турк атамаси ушбу юз йилликдан олдин учрамайди, шу боис VI асрдан олдин Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли турк бўлиши мумкин эмас, деган фикр ётади. Ўзбекларнинг этногенез масаласига шу йўсинда ёндашганлар унинг келиб чиқишини жанубий Ўзбекистон ҳудуди ва унинг атрофида яшаган туркий бўлмаган этнослар аجدодларига боғлашга ҳаракат қилганлар.

Шу муносбат билан, «турклар VI асрда Олтойда пайдо бўлган, ундан олдин улар йўқ эди» деган хато қараш қачон ва қандай ҳамда қайси маълумотлар асосида юзага келган, саволи туғилади. Сўнги 15 йилда амалга оширилган тадқиқотларимиз асосида бу қарашларнинг келиб чиқиши маълум даражада Н.Я. Бичурин таржималарига бориб тақалишига амин бўлдик. Бу ҳақда кўп мисоллар келтириш мумкин. Битта мақолада уларнинг ҳаммасига тўхтаб ўтиб бўлмайди. Шунинг учун қуйида тўртта масала ҳақида қисқача фикр юритиб ўтишни лозим топдик.

олдинги 206 — милодий 8, айрим адабиётларда милодий 25 йиллар) номидан, ушбу сўлола номи эса хитойларнинг илк юртидан ўтган дарё номидан келиб чиққан. Хан иероглифи ўтмишда қудрат, қувват, куч маъноларида қўлланган.



1. Қадимги хитойликларга 4 000 йил бұрун маълум бўлган турк атамаси Н.Я. Бичурин таржималарида ёритилмай қолгани масаласи.

Ушбу олим таржималарида ўрин олган ва туркларга оид маълумотларни аслият билан солиштириш, иероглифларнинг қадимги ўқилишини ўрганиш асосида амалга оширилган тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлдики, Н.Я. Бичурин таржималарида қадимий туркларга оид қатор топонимлар ҳамда гидронимлардан ташқари *ди*, *дили*, *цили*, *тиеле*, *тужюэ*, *динглинг*, *гуй-фанг*, *юечжи* каби этнонимлар етарли даражада тўғри изоҳланмагани ҳамда уларнинг асл манбаларда қандай ёзилгани ва қадим замонда қандай ўқилгани кўрсатилмаган. Бундан ташқари, турк этноними илк бор хитой битикларига қачон ва қайси шаклда кириб келган, қайси этнонимлар хитойликлар томонидан туркийларга нисбатан ишлатилган, деган саволлар очиқ қолган. Қадимги асл хитой манбаларини ўрганиш натижасида, Н.Я. Бичуриннинг тилга олиб ўтилган таржималаридаги этнонимларнинг иероглифлар билан ёзилиши ва уларнинг қадимги ўқилиши аниқланди. Улар *di狄*, *dili狄歷*, *chile敕勒*, *tiele鐵勒*, *tujue突厥*, *dingling丁靈*, *guifang鬼方* иероглифлари билан ёзилган.

Шу этнонимлар қаторидаги *ди* (狄) атамаси қадимги хитой тилида битилган манбаларда учрайдиган этник номларнинг энг қадимийларидан бири ҳисобланади. Унинг қадимги ўқилишига эътибор қаратганимизда маълум бўлдики, у ўтмишда *тиек* (*tiek*) деб ўқилган. Ушбу иероглифнинг замонавий ўқилиши турк этнонимининг талаффузига яқин келмайди. Шу боис, кўп муаллифлар, жумладан, Хитой ва Япония олимлари мазкур этноним қадимги Хитой юртининг шимолидаги этник жиҳатдан хитойликларга ўхшамайдиган халқлар номи деган фикрга келганлар. Лекин унинг қадимги ўқилиши турк этнонимининг хитойча товўшбити (транскрибсияси) экани ноаниқ қолган.

Шу ўринда, нима учун қадимги хитойликлар турк этнонимини ифодалаш учун бошқа иероглифлардан эмас, айнан шу шаклда ёзиладиган ва қадимда *тиек* (*tiek*) деб талаффуз этилган *ди* иероглифини ишлатганлар саволи туғилиши табиий.

Ушбу иероглиф шаклининг тузилиши ва келиб чиқишига ҳамда қадим замонда қайси маъноларда қўлланилганлигига оид маълумотларни ўрганиш натижасида бу иероглиф тасодифан танланмагани маълум бўлди. Қадимги хитойликлар биргина турк сўзининг талаффузини эмас, балки унинг маъносини ҳам билдирадиган иероглиф танлаганлар. Бинобарин, милoddан олдинги XI-II асрларда қўлланган «Эрйа» ёки «Эръя» (Erya 尔雅 – «Қийин сўзлар изоҳлари») ⁶ асарида зикр этилиши-

⁶ Эрйа (Эръя 尔雅) — бизгача етиб келган асарлар орасида энг қадимийларидан бири бўлган изоҳлар тўплами ҳисобланади (Цихай 辞海 – Сўзлар денгизи. Шанхай. 1979. 1114-бет).



ча, қадимда **тиек** ўқилган ушбу *ди* (狄) иероглифи *куч-қувват, қудрат* маъноларида ишлатилган⁷. Тузилиш жиҳатдан у катта ҳайвонни ифодаловчи *чуан* (quan 兗) билан оловни билдирувчи *хуо* (huo 火) иероглифларини қўшиш асосида тузилган. Узоқ ўтмишдаги одамлар учун катта ҳайвон ва олов, айниқса момақалдиروқлар асосида дарахтзорларда юзага келган олов улкан қудратга эга бўлган. Турк атамаси ҳам куч, қудрат маъносини билдирган. Демак, илк бор илк турклар билан юзма-юз келган хитойликлар уларнинг умумий номини ёзишда айнан “турк” сўзининг маъносини билдирувчи ва талаффузини нисбатан аниқроқ ифода қилиш мумкин бўлган иероглифни танланганлар.

Изданишлар асосида яна бир муҳим – мазкур **тиек** /*ди* (狄) иероглифи “турк” сўзинининг товушбитики сифатида милoddан аввалги XXI-XVII асрларда қўллангани аниқланди. Унинг илк шакли шу даврга тегишли тош ва ҳайвон суякларига ўйиб ёзилган битикларда учрайди. Шундан келиб чиқиб, “турк” атамаси қадимги хитойликлар юртининг⁸ шимолий ва ғарбий томонида яшаган ва этник келиб чиқиши бир бўлган авлодлар ҳамда қабилаларнинг умумий номи сифатида бундан 4 000 йил бурун уларга маълум бўлган, деган хулосани олға суриш мумкин. Лекин ушбу хулоса асосида турклар шу пайтда пайдо бўлган, ундан олдин йўқ эди, дейиш мумкин эмас. Аксинча, бу маълумот турклар қадимги хитойликларга рўпара бўлишдан олдин мавжуд бўлганларини билдиради.

Хитой манбаларида бу ҳақида ҳам маълумотлар бўлиб, уларда **тиек** (*ди*) деб аталган турклар ва *гиуэн* (giuən / *шюн* / shün 獯 – кюн сўзининг энг қадимий товушбитики)⁹, *йивен* (yiwen / *юн* / yün 狁) деб номланган хунлар *гуй-фанглар* авлодлари ҳисобланади, уларнинг келиб чиқиши эса “ғарбий замин одамлари” (*шиту чжи рен* 西土之人) деб аталганларга ва уларнинг бир қисми бўлмиш *киангларга* (*чян* 羌)¹⁰ бориб тақалади. Бу одамлар эса, ўз ўрнида, Тарим воҳаси ва Кўкнорнинг

⁷ Ванг Чжунгхан. Чжунггуо минцзу ши (王鐘翰中国民族史 – ХХР халқлари тарихи). Пекин. 1994. 133-бет.

⁸ Шу даврда хитойлар юрти Ўрдўснинг жанубий чегарасидаги Қарамурон (Хуангхэ 黄河) дарёсининг ғарбдан шарққа қараб оқадиган катта ирмоғи бўлмиш Вэйхэнинг жануби-шарқий томонида жойлашган. У ҳозирги ХХРнинг Хэнан ўлкаси ва унинг атрофидаги жойлардан иборат бўлган.

⁹ Хунлар ўзларини кюн (қуёш) деб атаганлар. Бу ҳақда қаранг А. Ходжаев. Сведение древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. Ташкент. 2019. С. 147 – 156; Лекин айрим хитой олимлари «шюнгну (хун) сўзи одам, жамоа, аҳоли каби маъноларни англатган» деган фикрни олға сурадилар (Жянг Йингланг. Чжунггуо минцзу ши (江应梁. 中国民族史. Икки жилдлик. Пекин, 1990. 1-жилд. 109-бет; Ванг Чжунгхан. Чжунггуо минцзу ши (王鐘翰. 中国民族史 – ХХР халқлари тарихи). Пекин. 1990. 215-бет).

¹⁰ Кян (замонавий ўқилишда чянг, русча транскрипцияда цян) — хитойлар томонидан лақаб сифатида қўйилган ном бўлиб, у қўйчилар, қўй боқувчилар маъносини англатган. Ушбу этноним ҳақида “Сведение древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии” номли китобимизнинг 2-бобида (71 – 106-бетлар) батафсил тўхтаб ўтилган.



(Чингхай)¹¹ қадимий аҳолиси бўлган дейилади.

Масалан, Шарқий Туркистонда топилган археология ашёлари ва энг қадимий ёзма битиклардаги маълумотларга кўра, «*Киангларнинг* Тарим воҳасидаги кўкаламзор жойларда ва Помирнинг ғарбий томонидаги жирғаларда тарқоқ ҳолда истиқомат қилган қисмлари бошқа этнослар билан ёнма-ён яшаб, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шугулланганлар, турли дон ўсимликлари, узум ва сабзавотлар ўстирганлар... Энг қадимий даврдаги Кўкнор (Чингхай) ва Тарим воҳаси *киангларнинг* чорва боқадиған ерлари эди»¹².

«Шиюй¹³ фанши ши»да «Такламакон водийсининг жанубидаги воҳаларда, Кунлун тоғининг этакларида, яъни шарқдаги ерлардан ғарбдаги Помиргача бўлган бир неча минг километр масофадаги заминда яшаган қадимий аҳолининг асосий қисми *чанглар* эди», деб ёзилган¹⁴.

Қадимги хитойликлар томонидан *тиек* (迪) деб аталган туркларнинг келиб чиқиши Помирдан Ўрдўсгача¹⁵ бўлган ораликда яшаган *киангларга* бориб тақалиши ўтган асрнинг ўрталаригача яшаган Шанг Юэ, Люй Симян каби қатор хитойлик олимлари томонидан ҳам айтиб ўтилган¹⁶.

Милoddан олдинги XI – VII асрларда хитойликлар ўзларидан шимолда яшаган туркий қабилаларга нисбатан замонавий хитой тилида *ди* ўқиладиған иккинчи бир иероглифни ишлатганлар. У қуш патлари маъносини билдирувчи юй (羽) иероглифининг тагига яшамоқ, истиқомат қилмоқ маъносидаги *чжу* (住) иероглифини ва уни текислик белгиси сифатида ётиқ чизик қўшиш асосида шакллантирилган (翟). Ушбу иероглиф қадимда *тиаук* (tiauk) деб ўқилган. Шундан маълумки, у ҳам

¹¹ Кўкнор (яъни Кўккўл, хитойча таржимаси Чингхай / Qinghai 青海) — Такламакон чўлининг шарқий томонида ва Тибетнинг шимоли-шарқий қисми билан Хэши йўллари оралиғида ва қадимги Хитойнинг ғарбий томонидаги қўшни ўлканинг номидир. Шу ўлканинг шарқи-шимолида жойлашган катта қўл ҳам шу ном билан аталади. Ўлка ҳудудининг аксарият қисми тоғ ва яйловлардан иборат. Қадим замонда бу ерларда мазкур қўл атрофидан кўчиб борган одамлар яшаган. Айни пайтда Кўкнор ХХРнинг катта ўлкаларидан бири ҳисобланади ва у ерда турли чорвачилик билан шугулланадиған этнослар, жумладан сариқ уйғур (будда динида қолган уйғурлар), салор (аждотлари Самарқанддан кўчиб борган) монғолар, дунгонлар, яшайди. Кейиги пайтда хитойлар нуфузи кўпайиб бормоқда.

¹² Чжунгуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши («ХХР Шинжяннинг қадимий жамияти ва ҳаёти тарихи»). Урумчи. 1997. 40-бет.

¹³ Ушбу асар номидаги «Шиюй» топоними Шарқий Туркистонга нисбатан ишлатилган.

¹⁴ Шиюй фанши ши (Ғарбий мамлакатдаги таржимонлик тарихи). 2-нашр. Урумчи. 1997. 25-бет.

¹⁵ Хитойча Хэтао / Hetao 河套 (Ordos) — Хуангхэ дарёсининг «п» шаклидаги айланма оқими оралиғига тўғри келиб, ўрдаси деган сўздан келиб чиққан.

¹⁶ Чжунгуо минзу ши. 135-бет; Сичоу чжилу маойи ши (丝绸之路贸易史 — Ипак йўлидаги савдо тарихи). Ланчжоу. 1997. 7-бет; А. Ходжаев. Из истории древних тюрок (сведения древнекитайских источников). Алматы. 2011. С. 99 – 100.



“турк” атамасининг транскрипциясидир. Мазкур иероглифнинг луғавий маъносидан келиб чиққанда, у бошига пат тақиб юрувчилар маъносини англатган. Шунга қараганда, қадимий хитойликлар турк этнонимини товушбитик қилишда, уларнинг урф-одатидан келиб чиқиб, иероглиф танлаганлар.

Милоддан олдинги биринчи минг йилликда ва ундан кейинги икки аср давомида хитойликлар туркларни *тиеклиек* (*tiek-liek* / замонавий ўқилишда: *дили* 狄歷, қисқартирилган шакли 狄历), *тиеклэк* (*t'iek-läk* / замонавий ўқилишда: *чилэ* 敕勒) деб атаганлар. Тадқиқотларимиз натижасида улар *турклик* сўзининг товушбитики экани маълум бўлди. Бу атамаларни туркларнинг умумий номи сифатида ишлатилишининг сабаби, ушбу даврда туркий уруғлар, қабилалар ва уларга қўшилганлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Милоддан олдинги биринчи минг йилликда хитойликлар туркларга нисбатан *динлинг* сўзини ишлатганлар. Аксарият ҳолатларда у Орол денгизи билан Шарқий Мўғулистон оралиғидаги туркий қабилаларга нисбатан қўлланган. Шундан келиб чиқиб, айрим муаллифлар ушбу этнонимни шимолда яшаган чорвадор қабилаларнинг этник номи сифатида тилга олидилар. Амалда эса, бу сўз барча қадимги туркларга тегишлидир. Илк бор хитойликлар бу сўзни ёзиш учун ишлатган ва замонавий хитой тили талаффузида *динлинг* (丁靈 / қисқартирилган шакли 丁灵) ўқиладиган икки иероглиф қадимда *тиенлиенг* деб талаффуз этилган бўлиб, улар *тангрилик*, *тангрига сажда қилувчилар* каби маънони билдирган. Дарҳақиқат, қадимги туркларда тангрига сажда қилиш урф-одати мавжуд бўлган. Хунлар хоқонининг унвони тангриқут (тангри фарзанди ёки ўғли) бўлгани тасодиф эмас. Шундан маълумки, *тиенлиенг* (*динлинг*) хитойликлар орасида қадимги турклар урф-одатини акс эттириш асосида юзага келган. Шунинг учун ушбу сўзни қадимги туркларнинг бир қисмига тегишли деб қабул қилиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Кейинчалик мазкур сўзни ёзиш учун хитой тарихчилари бошқа маънодаги иероглифлардан (丁令, 丁灵, 丁零) фойдаланганлар. Натижада *тиенлиенг* (*динлинг* – *тангрилик*) сўзининг азалий маъноси ўзгарган.

2. Н.Я. Бичурин таржималарида милодий III – V асрлардаги туркий қабилаларнинг хитой манбаларида қўлланган умумий номи, таркиби ва жойлашуви етарли даражида аниқланмагани ва изоҳланмагани масаласи.

Хитой манбаларида келтирилган маълумотларни умумлаштириб қараганимизда милодий III – V асрларда туркий қабилаларнинг умумий сони (айримлари 2 – 3 қабиланинг бирикмаси экани ҳисобга олинмаганда) 43 та бўлиб, улар умумий ҳолда *теле* ёки *телэ* (鐵勒, қисқартирилган шаклда 铁勒) деб аталган. Бу этнонимни ёзиш учун ишлатилган икки



иероглиф қадим замонда *тиетлэк* (tietlek) ўқилган ва улар *турклик* сўзини товушбитик қилиш учун қўлланилган. Мазкур қабилалар яшаган кенгликка шарқда Мўғулистон, жанубда Шарқий ва Ғарбий Туркистон, ғарбда Ўрта денгизнинг шарқий қирғоқларигача бўлган ерлар кирган. Улардан ташқари, Амударёнинг шимолий ва жанубий томонларида қадимги туркларга алоқадор **қабилалар** жойлашганлар ва уларнинг жойлашуви қуйидагича бўлган.

Ҳозирги Мўғулистон ҳудудида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

1. Букғу (*пугу*僕骨). 2. Тунгро (*тунглуо*同羅). 3. Ғивэй-ғэт (*юанхэ, юангэ*韋纒 – шимолий уйғур). 4. Бойирқу (*боегу*拔野古). 5. Бўркли (*фулуо*覆羅, *фуфү, фубинг*覆竝). 6. Мчин (*мэнгчэн*蒙陳). 7. Турк-ўғуз (*турухэ*吐如紇). 8. Хун (*хун*渾). 9. Изгилсижие (*сжэ*斯結, *сжэ*思結). 10. Хўғурсу (*хушюэ*斛薛).

Байкал кўли жанубида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

11. Туво (*дубуо*都波).

Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

12. Чибни (*чиби*契弊). 13. Бўри (*буолуо*薄落). 14. Жида (*чжйиде*職乙). 15. Сиғнақ (*супуо*蘇婆). 16. Ноғ, нак, ноқ (*нахэ*那曷). 17. Ўғуз (*уғу, уху*烏護). 18. Қирғиз (*хэгу*紇骨). 19. Иртиш (*йедие*也啞). 20. Унғур (*юйни-ху*於尼護). 21. Сиртордуш (*шюэянтуо*薛延陀). 22. Длер, жаруқ (*дэлээр*啞勒兒). 23. Забиндер (*шипан*十槃). 24. Турғеш (*дачи*達契).

Самарқанднинг шимолида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

25. Одиз (*одие*阿跌, *хэдие*訶啞, *ади*阿啞). 26. Хозор (*хэжие*曷戠). 27. Булғор (*буоху*撥忽). 28. Печенег (*бэйган*比干). 29. Тўрғой, кўғой, қўғой (*жюйхай*具海). 30. Абуси, босмил, қипчоқ (*хэбейши*曷比悉). 31. Хазар, бўртос (*хэцуо, хеци*何嗟). 32. Свор (*субуо*蘇撥, 苏拔). 33. Йемак (*йемуо*也末). 34. Эталит (*йедо*謁達).

Каспий денгизининг шарқий ва ғарбий томонида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

35. Сароугур, сариғур (*сулужие*蘇路羯). 36. Саксин, соқсин (*сансуян*三素咽). 37. Мокшос (*миецу*蔑促).

Ўрта денгизнинг шарқий томонида яшаган *тиетлэк* (теле) қабилалари:

38. Черкес (*саху*薩忽). 39. Онгор, ўнғор (*энчюй*恩屈). 40. Олон (*алан*阿蘭). 41. Бошқирд (*бейру*北褥). 42. Қутриғур, қутриғуз (*жюлифу*九離伏). 43. Оворхун (*вахуэн*嗚昏).

Имкониятимиз доирасидаги хитой манбаларида мавжуд бўлган маълумотлар санаб ўтилган этнонимларнинг ҳар бири бир қабила номими ёки қабилалар уюшмасининг саволига жавоб беролмайди. Аммо айрим билвосита гувоҳликларга кўра, мазкур 43 та этноним ичида қаби-



лалари уюшмасининг номи сифатида қўлланилганлари ҳам бор. Масалан, *сиртордуш* этнонимиди *сир* ва *тордуш* қабилаларининг уюшмаси кўзда тутилган. Юан Шу¹⁷ қаламига мансуб «Тунгжян жиши бэнмуо» асарида кўрсатилишича, *сиртордуш* қабилалар уюшмаси 70 минг оиладан иборат бўлган¹⁸. VIII асрда улар уйғур¹⁹ аталмиш қабилалари уюшмаси таркибига кирганларидан кейин ўзларини шу бирикма номи билан атай бошлаганлар. Шунинг учун, “Девони луғотит турк”нинг охирида келтирилган 70 дан ортиқ уруф ва қабилалар рўйхатида *сиртордуш* этноними учрамайди²⁰. Аслида *сир* ва *тордуш* қабилалари Шарқий Туркистонда қадимда *юежи*, хитой манбаларида уху, уғу (烏護) деб номланган ўғузлар истиқомат қилган жойда яшаганлар²¹.

Турк хоқонлиги даврида Шарқий Туркистонда яшаган ўғузларнинг бир бўлаги Мўғулистонга кўчиб борган ва у ерда бошқа туркий қабилалари билан бирлашиб, шимолий уйғур қабилалари уюшмасини ташкил этганлар. 941 – 945 йилларда ёзилган “Тангшү” (“Танг сулоласи тарихи”) ва ундан кейин битилган хитой манбаларида шимолий уйғурларнинг асосий бўлаги “жюшин угуси” (“тўққиз ўғуз”), “жюшин теле / тиетлэк” (“тўққиз турклик”), “жюшин хуэйхэ” (“тўққиз уйғур”) деб аталишининг сабаби ҳам шундадир²².

Одатда, Бойкўл атрофида истиқомат қилган қирғизлар кейин ғарб томонга кўчганлар дейилади. Аслида улар ҳам Тангритоғнинг²³ шарқий қисмида жойлашган Кумул (Иверғул)²⁴ шахри билан Шарқий Туркистон-

¹⁷ Юан Шу (袁枢) — яшаган даври 1131 – 1205 йилларга тўғри келади. У сарой тарихчиси сифатида хизмат қилмаган, лекин ўз замонасидаги тарихга қизиқувчи таниқли олимлардан бири бўлган ва турли давлат идораларида ишлаган. Унинг асарларида сулолалар тарихларида акс этилмаган айрим маълумотлар учрайди.

¹⁸ Юан Шу. Тунгжян жиши бэнмуо (袁枢. 通鉴记事本末 — Мухим тарихий воқеалар баёни). Саккиз жилдик. Шанхай. 1955. 6-жилд. 19-қисм. 35 – 44-бетлар.

¹⁹ Уйғур этноними уй-ўғуз (бирлашган оғузлар) сўзидан трансформация бўлган. VIII – IX асрларда ушбу ном билан аталган иттифақ 30 қабиладан иборат бўлган. Бу ҳақда қаранг: А. Ходжаев. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. Ташкент, 2017. 203 – 251, 356-бетлар.

²⁰ А. Ходжаев. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. Ташкент. 2017. 359-бет.

²¹ Оу Янсю, Сун Чи. Синьтангшү (欧阳修, 宋祁. 新唐書 — Танг (сулоласи)нинг янги тарихи) / Эршиши ши (二十四史 — 24 тарих). 13-жилд. 16944 (1530)-бет; Ванг Пу. Танг хуэйяо (王溥. 唐会要 — Танг (сулоласи)нинг қисқача тарихи). 853 – 961 йилларда ёзилган. Чоп этилган вақти ва жойи номаълум. 1785-бет.

²² Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. С. 203 – 254.

²³ Қадимги хитой манбаларида учрайдиган Тянь-шан (天山) — Тангритоғнинг хитойча тажма-си ҳисобланади. Ушбу топонимдаги тянь сўзи баланд, осмон, тангри каби маъноларга эга бўлиб, шан эса тоғ демакдир. Уни Тянь-шан шаклида ёзиш тўғри бўлмаса-да, бироқ адабиётлар ва хари-таларда шундай ўрнашиб қолган. Унинг ўрнига асил туркий атамани ишлатиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

²⁴ Кумул (қадимги номи Иверғул ёки Ивирғул, қадимий хитой манбаларида Иву / Yiwu伊吾)



нинг ғарб томонидаги Қарашаҳар²⁵ оралиғида яшаганлар²⁶. Кейин Мўғулистон ҳудудида кўчиб юрганлар.

Хитой манбаларида Турк хоқонлиги ташкил топишидан олдин уху, уғу аталган ўғузларнинг ўзи кўпчиликини ташкил этган. Буни уларнинг бир бўлаги Мўғулистонга, яна бир бўлаги ғарб томонга кетгани ва учинчи бир бўлаги Шарқий Туркистонда қолганидан билиб олишимиз мумкин. “Девону луғотит турк”да *джазгу, джаруклуг, чибни, джигдер (игдер), салгур, тўгер, алка, афшар, ажмур, баджат, баджундур, барс-кан, бегтили, букдуз, джувлдар, тутрика, джаруклук, кара-болук, каники* каби 20 та “үрүғ” ўғузлар деб санаб ўтилган²⁷.

Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу маълумотидан кўриниб турибдики, хитой манбаларида умумий ҳолда *тиетлэк (теле - турклик)* аталганлар ичидаги *чибни* (чиби契弊) қабиласи ўғузлар таркибида кўрсатилган.

3. Н.Я. Бичурин таржималарида кушонийлар сулоласи ва салтанати асосчиси юежилар қадимги туркларнинг катта бир бўлаги – ўғузлар бўлгани номаълум қолгани масаласи.

XIX аср давоми юежиларнинг келиб чиқиши ҳақида турли қарашлар олға сурган. Чунончи, С.П.Толстов уларни массагетлар авлоди деса, И.Маркварт, Э.Пуллейбенк, Ю.Н.Рерих, В.В.Иванов тохарлар деб айтганлар. К.Еноки ва Г.Халоун каби олимлар эса, юежиларнинг келиб чиқишини скифларга боғлаганлар. Шу билан бирга, К.Еноки юежи V – VI асрлардаги турклардан фарқ қилмаслигини ҳам таъкидлаган²⁸. Бу фикрлар улардан кейин юежиларнинг келиб чиқиши масаласида тўхтаб ўтганлар асарларида ҳам қайд этилган. Бунга хитой манбаларида ҳам ушбу масала аниқ ёритиб берилмагани сабаб бўлган.

Қадимги хитой манбаларида, айниқса “24 тарих” (“Эрши си ши”) деб аталмиш 24 сулолола тарихи мажмуида юежиларга бағишланган махсус боб мавжуд эмас. Уларга оид маълумотлар сочилган ҳолда келади. Н.Я. Бичурин юежчи атамасини изоҳлаб, ушбу атама этнос ва давлат номи сифатида ишлатилади, деб ёзган²⁹, бироқ атаманинг этимологиясини очиқ қолдирган. Бу ҳолат олим таржималаридан фойланган муал-

— Шарқий Туркистоннинг шарқий қисмидаги шаҳар, ўтмишдаги Буюк ипак йўлининг муҳим бир нуқтаси. Ушбу топоним кум мўл, яъни қумлик, сер қум сўзидан келиб чиққан. Ўрта асрларда хитойлар уни Хамили деб транскрипция қилган. Кейин Хами деб атайдиган бўлган.

²⁵ Қарашаҳар (Катта ёки Буюк шаҳар маъносини англатади) — Шарқий Туркистоннинг марказий қисмидаги Бағрашкўлнинг (рус адабиётида Багракуль) ғарий қирғоғига яқин жойлашган. Унинг ўрни Ўрумчи шаҳрининг жанубий томонига тўғри келади. Қадимий хитой манбаларида Янчи (焉耐) деб номланган.

²⁶ Синь Тангшу (欧阳修, 宋祁.新唐書 — Танг [сулоласи]нингянги тарихи) 16944 (1530)-бет.

²⁷ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент. 1961. 3-жилд. 391 – 397-бетлар.

²⁸ Б.Г. Гафуров. Таджики. Душанбе. 1989. Книга первая. С. 166; Ю.Н. Рерих. Тохарская проблема / Народы Азии и Африки. № 6. 1963. С. 118 – 123.

²⁹ Н.Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва-Ленинград. 1950. Т. II. С. 151.



лифлар томонидан бу масала юзасидан турли қарашларни олға суришига сабаб бўлган³⁰.

Айни замонда тарихий адабиётларда кенг қўлланаётган юечжи (月氏) атамаси милoddан олдинги III-II асрларда муомалага киритилган. Шу даврда бу икки иероглиф *рузие* (*ruzie*) ўқилган. Ундан олдинги 700 йил давомида битилган асарларда ушбу атама *ngiwo-zie*, *ngiwot-zie*, *ngiwo-chie*, *ngeu-chie*, *ngiwo-tcie*, *ngo-tcie*, *ngeu-tcie* деб талаффуз қилинган ва ҳар хил иероглифлар билан ёзилган³¹. Шундан келиб чиқиб, биз юежи (*рузие* / *ruzie*) ўғуз ер, қисқача ўғузия сўзининг қадимги хитойча товушбитиги тўфайли ўзгариш орқали ҳосил бўлган, деган хулосага келдик. Чунки қадимги хитойликлар ўғуз ер ёки ўғузия сўзини фақат *ngiwo-zie*, *ngiwot-zie* деб талаффуз этишлари мумкин эди. Эҳтимол Н.Я. Бичурин Хитойда яшаб таржима ишлари билан шуғулланганда, турклар тарихига оид милoddан олдинги X-III асрларда ёзилган манбалар ва иероглифларнинг қадимги ўқилишига оид луғатлар унинг имкониятлари доирасида бўлмагандир.

Хитой манбаларидаги юежи-ўғузларга оид маълумотларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида улардаги айрим этноним ва топонимларнинг этимологияси ҳамда жойлашувини аниқлашга тўғри келди. Натижада, ўзоқ ўтмишда юежи-ўғузлар Тангритоғнинг Шарқий Туркистон бўлагига, аниқроғи, ҳозирги Урумчи шаҳри атрофидаги яйлов ерларида яшаб, асосан от боқиш билан шуғулланганлари маълум бўлди. Айрим ҳолларда қадимги хитойликлар улар мамлакатини “отлар юрти”³² деб атаганлар. Улар милoddан олдинги X – II асрлар ораллиғида ташкил этган давлат кучайган пайтларда, унинг таъсир доирасига бутун Шарқий Туркистон ва Хэши йўлаги³³ ҳудуди кирган.

Маълумки, милoddан олдинги 176 – 174 йилларда ҳунлар ушбу давлат ҳукумдорини мағлуб этгач, унинг хотини ва ўғиллари ўз одалари ва тарафдорларини олиб Или водийсига чекинадилар. Сўнг ярим аср давомида жануб сари силжиб, Амударё бўйига етиб борадилар ва Бохтарни эгаллагандан кейин янги хонлик тузадилар. Шарқий Туркистондан кетган юэжилар (ўғузлар) Хитой манбаларида *дай-рузие* (замонавий ўқилишда: *да-юэжи* – *буюк ўғузлар*) деб аталган. Улар ташкил этган давлат ҳам шу ном билан юритилган. Шарқий Туркистон ҳудудида қолганлари эса хитой манбаларида *шяо-рузие* (*шяо-юэжи* – *кичик ўғузлар*) дейилган.

³⁰ Из истории древних тюрков. С. 115 – 121.

³¹ Из истории древних тюрков. С. 101 – 115.

³² Сима Чань. Шицзи (司馬遷.史記 — Тарихий хотиралар) / Эршиши ши (二十四史—24 тарих). 1-жилд. 1138 (1138)-бет.

³³ Хэши йўлаги (Хэши зоуланг — дарё ғарбидаги йўлаксимон чўзилган ҳудуд) — ҳозирги ХХР Гансу ўлкасининг ғарбий қисмида жойлашган йўлак. Ғарбий Хан сулоласи (милoddан олдинги 206 — милodий 8 йиллар) ҳокимиятга келганидан сўнг бу ерни хитойлар эгаллаб олганлар.



Милодий III – V асрлар давомида Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган ва *тиетлэк* (*теле - турклик*) номланган турклар қаторидан ўрин олган ўғузлар расмий сулолалар тарихида *уғу* (*u-yu, uху/ wuhu* 烏護) деб аталган. Ҳар хил даврларда ёзилган норасмий хитой манбаларида ўғуз этноними *хуцзе* (қадимий ўқилишда: *sha-kiat* 呼揭), *худэ* (қадимий ўқилишда: *sha-tak* 呼得) ва *уцзе, уцзи* (қадимий ўқилишда: *wu-dziek* 烏籍) шаклида ёзилган³⁴.

281 йили Хитойнинг Хэнан ўлкасидаги бир зодагон қабридан топилган “Му Тянзи чжуан” (“Тангри ўғли Му ҳақида баён”)³⁵ сафарномасида юежилар (*рузие – ўғузлар*) нгивозие (*юйчжи* 禹氏) деб аталган. Ушбу асарда баён этилган Мунинг (Муман) ғарбий сафари милоддан олдинги 989 – 988 йилларда юз берган. Айрим хитой тарихчилари хитой қамичидан қилинган тахтачаларга битилган ушбу асар матнини ўрганиб чиқиб, уни милоддан олдинги VII – VI асрларда ёзилган, дейдилар. Лекин унинг даврмизгача етиб келган ва қоғозга туширилган тўрт бобини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш³⁶ жараёнида ушбу асар мазкур юз йилликларда кўчирилган деган фикрга келдик.

Ўғузларнинг келиб чиқиши қадимги “ғарбий замин одамлари” деб аталганлар аجدодларига бориб тақалади. Ушбу заминда яшаганлар эса, Такламакон чўли атрофида, аниқроғи, унинг шимолий қисмидаги Кўнчидарёси³⁷ бўйлари ва Лобнор кўли ёнида топилган, бундан 5000 – 6000 йил аввал яшаган одамлар авлодлари билан боғлиқ, деган фикрга келмоқдамиз³⁸. Чўлнинг кенгайиши натижасида улар айна замонда қум тагида қолган жойлардан шимол томондаги энг яқин бўлган Тангритоғ далаларига кўчган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, бу жойлардан топилган жасадларнинг қиёфаси чуқур кўз, қиррабурун, қизғиш қора соч бўлган³⁹. Хитой манбаларида Турфондан

³⁴ Лю Итанг. Вэйуэр янжю (劉義棠. 維吾爾研究 — Уйғурларга оид тадқиқот). Нашр этилган вақти номаълум. Тайбэй. 91-бет.

³⁵ Асарнинг даврмизгача етиб келган тўрт боби ушбу мақола муаллифи томонидан рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган (қаранг: А. Ходжаев, Н. Каримова. Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). Ташкент. 2018. С. 52 – 53).

³⁶ А. Хўжаев, Ш. Қўлдашев, Ф. Джуманиязова. Марказий Осиё давлатчиликлари тарихига оид маълумотлар (хитой манбалари асосида). Тошкент. 2018. 17 – 51-бетлар; Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). С. 11 – 40.

³⁷ Кўнчидарё (хитой манбаларида ва ҳозирги замон Хитой адабиётида Кунцяо-хэ / Kongqiaohe 孔雀河) — Бағрашкўл билан Лобнор кўлини бири бирига улаб турадиган дарё номи бўлиб, у Такламакон чўлининг ғарбий ва шимолий чеккасини айланиб ўтувчи Торим дарёсининг шарқий бўлагининг шимолий томонида жойлашган.

³⁸ А. Ходжаев. Великий шелковый путь: связи и судьбы. Ташкент. 2018. С. 168.

³⁹ Лин Мэйцун. Сиюй вэнминг (林梅村. 西域文明: 考古, 民族, 语言和宗教新论 — Ғарбий мамлакатлар маданияти: археология, этнология, тил ва диний этиқодларга оид янги тадқиқотлар). Пекин. 1995. С. 7; Чжунгуо Шинжянг вэну гуцзи дагуан (中国新疆文物古迹大观 — ХХР Шинжян тарихий ёдгорликларининг умумий баёни). Урумчи. 1999. 29-бет; Турсун Эммин. Торимдин томчи



бошлаб унинг ғарбида яшаганлар айнан шундай қиёфада бўлгани айтилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қадимги хитой манбаларида *тиек* (*ди*) номланган илк турклар, *кюн* (*шюн*) аталган хунларнинг келиб чиқиши *кун мамлакати* (*зуй-фанг*) одамларига, ушбу одамларнинг келиб чиқиши эса Помирдан Ўрдўсгача бўлган жойларда истиқомат қилган европача ирққа хос одамларга ҳамда хитойликлар томонидан *кянг* (*чянг*) деб аталганларга бориб тақалади. Рус олимлари, жумладан, Б.А. Литвинский Такламакон чўлининг шарқий бўлагида қум остида қолган Крурон шаҳри ва унинг атрофида топилган археология буюмларини тадқиқ этиб, милoddан олдинги X асрда Шарқий Түркистон билан Европа ўртасида муносабатлар мавжуд бўлган, деган хулосага келган⁴⁰. Шунга қараганда, “ғарбий замин одамлари” ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида яшаганлар билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Кушон ва Қангха (Кангкия⁴¹, замонавий хитой тили талаффузида Кангжюй, Н.Я. Бичурин асарларида Канггуй, К.Шониезов китобларида Конг) емирилгандан сўнг Шарқий Түркистоннинг жанубий ва жануби-ғарбий бўлагида қолган юежилар (ўғузлар) Помир орқали Зарафшон дарёси бўйларида кўчиб борганлар. Янги жойда улар тўққизта кичик подшоҳлик ташкил этганлар. Уларга Самарқанд подшоҳлиги бош бўлган. Улар ўзларини жабғуликлар деб атаганлар. Сабаби, Ўғузия давлати даврида улар Тангритоғнинг шимолий этакларидаги Жабғу (хитой манбаларида Чжаоу 昭武) вилоятида яшаганлар. Шунинг учун, ўзларининг азалий юртини эсдан чиқармаслик мақсадида бу топонимни ўзларига умумий ном қилиб олганлар. XIV асрда солур (салар) қавмидан бўлган бир груҳ самарқандлик ўғузлар ҳозирги ХХРнинг Кўкнор (Цинхай) ўлкасига бориб жойлашганлар. Айни замонда улар авлоди ушбу мамлакатдаги 56 та этноснинг бирини ташкил этади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, уларнинг кўчиб кетиши натижасида Шарқий Түркистонда ўғузлар қолмаган деб қараш мумкин эмас. Бу минтақада қолган ўғузлар II-V асрларда хитой тарихчилари томонидан *уғу* (*уғи, уху / wu-hu 烏護*), *укуан, угуан, (wu-kuan 烏灌)*, *уже* (*wu-jie 烏揭*) деб номланган. Турк хоқонлиги даврида ушбу ўғузларнинг катта бўлаги Мўғулистонга кўчиб бориб, у ерда бошқа туркий қабилалар билан бирлашиб, шимолий уйғурларни ташкил этганлар. Шунинг учун уйғур этно-

(تارىمىنىن نامىچى) | Пекин, 1990. 419-бет; Шинжян мингшэнг гужи (新疆名胜古迹 – Шинжяннинг машҳур тарихий ёдгорликлари). Шэнчжэн. 2002. 49-бет.

⁴⁰ Шиюй каоча юй янжю (西域考察与研究 — Ғарбий мамлакатларнинг ўрганилиши ва тадқиқотлар). Урумчи. 1994. 173-бет.

⁴¹ Хитой манбаларидаги Кангжюй (русчада Канцзюй / kangju 康居) — икки иероглифи қадим замонда Кангкия деб ўқилган. Биз ишларимизда уларнинг қадимги талаффузидан фойдаланишни лозим топдик.



ними уй-ўғуз, яъни уюшган ўғузлар сўзидан ўзгариб ясалган. Бу ҳақда уйғурларнинг этногенезига бағишланган тадқиқотларимизда тўхтаб ўтилган⁴².

Қадим замонларда ўғузлар катта нуфузга эга қабилалар уюшмасини ташкил этганлар. Уларнинг бир бўлаги ғарб томонга кўчиб, ҳозирги Мўлдўва ҳудудида ўтроқлашиб қолганлар. Айни замонда улар гагауз дейилади ва у гак ўғуз (*ажраб чиққан ўғузлар* ёки *ўғузларнинг бир бўлаги*) сўзидан келиб чиққан.

4. Н.Я. Бичурин таржимасида Ашина авлодларидан ташкил топган ва Хитой манбаларида тужюэ деб номланган қабиллага оид маълумотлардаги айрим ноаниқликлар масаласи.

Ушбу ноаниқликларнинг бири Н.Я. Бичурин қўллаган “түгю” этнонимининг этимологияси билан боғлиқдаир. Асл хитой манбаларида ушбу этноним замонавий хитой тилида “тужюэ” (突厥) ўқиладиган икки иероглиф билан ёзилган. Улар қадим замонда *туеткиуат* (tuetkiuat) деб талаффуз этилган. Иероглифларнинг замонавий ўқилиши этнонимнинг этимологиясини аниқлашга ёрдам бермайди. Лекин унинг қадимги ўқилиши *турклар авлоди* ёки *турклар фарзандлари* маъносини англатувчи турк-қут сўзининг хитойча товушбитики эканини кўрсатади. Ушбу икки иероглифнинг луғавий маъносига эътибор берадиган бўлсак, улар “ғордан чиққанлар” тушунчасини билдирганининг гувоҳи бўламиз.

Дарҳақиқат Олтойда пайдо бўлгунича турк-қутлар (*туеткиуат/ тужюэ*) аجدодлари анча вақт давомида ҳозирги Шинжян-Уйғур автоном ўлкасининг маркази бўлмиш Урумчи шаҳрига яқин жойдаги биргина ғор орқали кириб чиқиши мумкин бўлган тоғ оралиғида яшаганлар. Бу жойлар Япония ва ХХР олимлари томонидан ўрганилган. Шундан маълумки, хитойликлар аввалига Ашина авлодларидан ташкил топган қабиланининг номини *туеткиуат* (*тужюэ*) – яъни *ғордан чиққанлар* деган маънони англатувчи икки иероглиф билан ёзганли тасодиф эмас. Лекин бу икки иероглиф билан ёзилган этнонимнинг пайдо бўлган вақтига асосланиб, турклар ана шу ғордан чиққанлардан ташкил топган, ундан олдин улар бўлмаган деган хулосага келиш асосли бўлмайди. Қадимги Хитой тарихчилари томонидан *туеткиуат* (*тужюэ*) номланганларнинг аجدодлари Олтой тоғларига кўчиб боргунича камида минг йиллик кўчиш жараёнини босиб ўтганлар ва Мўғулистон, Ўрдўс, Хеши йўлаги, Шарқий Туркистондаги Лобнор кўли атрофи, Турфон, Қарашар, Жимуса (Урумчи шаҳри шимолида) каби жойларда яшаганлар. Бу ҳақида олдин нашр қилинган асарларимизда тўхтаб ўтилган эди⁴³.

⁴² А. Ходжаев. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). Тошкент. 2015. 229 – 288-бетлар; Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. С. 203 – 254.

⁴³ Из истории древних тюрок. С. 67 – 81; Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар



Хитой манбаларида келтириладиган маълумотларга кўра, Асиэна (Ашина) уруғининг ғарбий денгиз – Каспийнинг ўнг (ғарб) томонида яшаган вақти тахминан милоддан олдинги VII-III асрлар, Қумли чўлнинг шимолидаги Суо гуо (қадимги ўқилишда: Сака куэк) давлатида яшаган даври милоддан аввал II – милодий II асрлар, Ўрдўсдаги Пинглян вилоятида яшаган даври милодий IV аср, Турфон атрофида яшаган вақти эса V асрга тўғри келади⁴⁴. *Телэ* (*тиетлэк* - турклик) таркибидаги *турухэ*, *туругэ* (*турук*, *туруғ*) қабилаининг Тангритоғ атрофида яшаган вақти ҳам V асрга тўғри келиши бежиз эмас. Узоқ вақтга чўзилган кўчиб юриш жараёнида Асиэна авлодлари бошқа туркий уруғлар билан аралашмаган, деб бўлмайди. Хитой манбаларида уларнинг аралашуви ҳақида маълумотлар бор.

If I had started the unveiling research by asking women to tell me how unveiling harmed them, or if we had chosen as the subject for our collectivization interview project such a question as "please tell us about the oppression of Stalinist collectivization," that, too, would produce very selective remembrances. Every oral history project has to be narrowly defined. The researcher must focus on some particular moment or question. But questions cannot carry underlying bias, forcing narrators to produce their stories in order to support the version of history that the researcher wants to hear. The oral history researcher should instead frame questions neutrally and in an open-ended way, so that they allow the respondent to express his or her own views without pressure to conform to any ideology.

When I began doing oral history interviews in Uzbekistan in the early 1990s, I imagined that I would be talking with elderly people who were illiterate, and who would not write their own stories of their own lives. I also imagined that I would find many elderly Uzbek women who would tell me that they had not wanted to remove their paranji, that unveiling violated their sense of self, or religion, or identity. I expected that they would speak back against Communism and provide me with their alternative interpretations. Many of the ethical questions that oral historians struggle with, such as the power relationship between interviewer and interviewee seemed remote concerns. In 1992, when Uzbekistan had just become independent, I was a stranger—a young American, struggling through my questions in Uzbek, arriving on the doorsteps of gracious, welcoming Uzbek women who spoke from their advanced age, and with the authority that accompanies age in Uzbekistan. I was there to ask questions and listen, but I was not an equal partner in conversation, someone who shared a depth of cultural knowledge with the interviewee. I did not follow the American oral history norms that insist that an interview should involve only two people—the speaker and the interviewer. My interviews were frequently group affairs, with the respondent telling me her story while children and grandchildren, or friends and neighbors, listened. I was introduced by one of the interviewee's relatives or friends, who was present for the interview. It became evident that in spite of the fact that I came from a country long known to be hostile to the USSR, the interviewee was not constructing a

²⁵ Marianne Kamp. *The New Woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism* // Seattle: University of Washington Press. 2006.



new story that she imagined that I wanted to hear. Women who had been proud of throwing off their paranjis proclaimed that story to their children, and those who had been forced to remove theirs told of being coerced. Two interviewees talked about resisting unveiling and continuing to wear their paranji for religious reasons. My interviews expanded my understanding of the variety of women's Hujum experiences, demonstrating something that is quite obvious to anyone who uses intersectional theory: individual experiences of the very the same events differ greatly. Some Uzbek women experienced the Hujum as liberation, and others experienced it as force and oppression.

The Oral Histories of Collectivization project (2001 – 2004) was far more complex and larger in scale. Anthropologist Russell Zanca, Historian Elyor Karimov, and I joined forces, obtained grants from various US-based finding groups (IREX, National Council on Eurasian and East European Research), and from the University of Wyoming, and we also received support from the Uzbekistan Academy of Sciences which had enabled Karimov and the Yosh Olimlar Jamiyati, a collective of young social science researchers to partner with Zanca and me. We collected 120 interviews in seven provinces of Uzbekistan. Interviews usually included the respondent's spouse, children, grandchildren, or friends and neighbors. We were not working with the elite oral history interview norms that American oral historian Ronald Grele emphasizes: the idea that an oral history interview is a conversation between equals, is privately conducted, and seeks to elicit the depths of personality and inner motives of the speaker²⁶. Instead, we wanted to hear the stories that elderly collective farmers tell to their families and friends, about the experience of collectivization. Some of them told of collectivization as a transformation that was difficult but that improved their lives. Others told of collectivization as a brutal episode that destroyed their family through dekulakization. Each person's account was subjective, told from his or her own position. The interviews allow us to see how different social positions of class, status, wealth or poverty, and gender shaped the opportunities and threats that each speaker recalled. No human story is free of ideology. Those who reflected positively on collectivization often referred positively to elements of Communist thought that had permeated everyday life. Those who remembered collectivization with anger over family losses often referred to ideologies supporting their family's social status, or to the idea that possessing wealth confirms that one is virtuous. Those subjective, individual views allow the historian to develop a multi-faceted understanding of the everyday life experiences of collectivization.

One article that Zanca and I published in 2016 explores the ways that

²⁶ Mary Marshall Clark. "Ronald Grele's Lifelong Passion for Conversational Narrative," *Oral History Review*. 2019. 46 (1). P. 175 – 182.



our respondents remembered the agitators, the people who first called on their communities to form a kolkhoz. As we compared their detailed remembrances, we became aware that those who spoke of joining the kolkhoz willingly often described the agitators as local Uzbek men who were known by their families. Those who recalled being forced to join often spoke of the agitators as outsiders whom they did not know, and even as foreigners (in this case, Russians)²⁷. Another article examines respondents' memories of famine (ocharchilik). Those memories provide evidence that there was famine in many districts of Uzbekistan in 1933 and about the foods that allowed the hungry to survive. Those memories also allow for comparison between the experiences of the more fortunate and the less fortunate. While many respondents spoke of eating leaves and of seeing dying people who tried to eat kunjara, others explained why they had been relatively well-fed during that time, often because a family member worked in kolkhoz leadership, or in regional administration, or as a tractor driver²⁸. The book that I am writing explores the ways that everyday lives changed because of collectivization. My own ways of analyzing and writing based on this corpus of oral history interviews do not exhaust what can be done with them. Other researchers involved in the project have drawn on the interviews for elements in their own work, as Shahnoza Madaeva did when writing her dissertation on Uzbek mentalité. I am working with librarians and archivists at Indiana University to create a stable, durable mode for archiving the Oral Histories of Collectivization interviews so that they will become accessible online to other researchers for their own research purposes.

Conclusion

This article has attempted to summarize some of the ways that oral history developed as an academic field of study, and also as a mode of popularizing and democratizing history, within the US context. That desire to democratize history, to hear from a wider range of voices, was a key reason that I have chosen to pursue oral history research in Uzbekistan. Oral history interviewing is a method of research that is itself democratizing: history teachers use it to encourage students to learn from their elders; activists use oral history interviews for community-building; and scholars use oral history interviewing to expand their understanding of individual lives and to expand the voices that inform us about the past.

²⁷ Marianne Kamp and Russell Zanca. "Recollections of Collectivization in Uzbekistan: Stalinism and Local Activism," *Central Asian Survey*. 2017. 36 (1). P. 55 – 72.

²⁸ Marianne Kamp. "Hunger and Potatoes: the 1933 Famine in Uzbekistan and Changing Foodways," *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History*. 2019. 20 (2). P. 237 – 267.

Марианна Камп

**Оғзаки тарих: АҚШ тафаккур мактаблари
ва Ўзбекистонда америкаликлар тадқиқотлари**

Мақолада «оғзаки тарих» усулининг аҳамияти, АҚШда унинг фан тармоғи сифатида шаклланиш тарихи ёритилган. Хусусан, бунда сиёсат, иқтисод, ижтимоий соҳа тарихининг ёзилмаган, ёдга олинмаган ҳамда ичда қолиб кетган жиҳатларини ёзиб олиш аҳамияти таъкидланган. Муаллиф бу усулнинг АҚШда ривожланишини қайд этиб, унда юқори лавозимларда фолият юритган шахслардан сўхбатлар олишнинг самарадор бўлишини, бу усулнинг ривожланишида муҳим ўрин тутган олимлар – Анна Шефтел, Шоа ва бошқалар, асосий мавзу ва масалалар – ирқ, сиёсат кабиларга ва натижада, АҚШда шаклланган йирик интеллектуал мерос, бу усулнинг этикасига алоҳида эътибор қаратган.

Муаллиф ўзининг Ўзбекистонда олиб борган тадқиқотлари асосида колхозлаштириш сиёсати, «Хужум» ҳаракати ва аёлларнинг паранжи ташлаши масалаларида ўзбекистонлик аёллар билан олиб борган сўхбатлари асосида эришган натижалари, америкалик Р. Занка ва ўзбекистонлик Элёр Каримов билан ҳамкорликда «қулоқлаштириш» сиёсати тарихининг ўрганилганига урғу беради.

Калит сўзлар: оғзаки тарих, АҚШ, Хужум ҳаракати, паранжи, қулоқлаштириш, олимлар, этика.

Марианна Камп

**Устная история: американские школы мысли
и исследования американцев в Узбекистане**

В статье освещены значение метода «устной истории», а также история её формирования в США как отдельного направления. Подчеркивается значение записывания не упомянутых историей сторон, оставшихся без внимания в историях политики, экономики, социальной сферы. Автор описывает развитие этого метода в США, доказывает эффективность интервью с личностями, занимающими высокопоставленные посты. Важную роль в развитии этого метода сыграли такие учёные как Анна Шефтел, Шоа и другие, основная тематика которых вопросы расы и политики связанные с ней. Автор отмечает, что в США сформировалось большое интеллектуальное наследство и обращает отдельное внимание на этику метода его изучения.

Автор делает акцент на проведенных в Узбекистане исследованиях о политике создания колхозов, движении «Хужум», вопросов касающихся снятия узбекскими женщинами паранджы, с использованием материалов проведенных бесед с узбекскими женщинами совместно с американским учёным Р. Занка и узбекским учёным Элёром Каримовым, а также с людьми, помнящими историю политики «раскулачивания».

Ключевые слова: устная история, США, движение «Хужум», паранджа, раскулачивание, учёные, этика.

**Феруз Бобоев**

Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

XX аср 20 – 30-йилларида ўзбек ҳалқининг мустақиллик учун кураши тарихи ва тарихшунослигидан

Инсоният пайдо бўлибдики, яшаб қолиш учун курашиб келади. Туркистон халқлари ҳам бу тарихий жараёндан мустасно эмаслар. Энг қадимги даврларда ҳам инсоният яшаб қолиш учун зарурият бўлган озиқ-овқат ва ташқи хавфдан ҳимояланиш учун курашган. Кейинчалик давлатчилик пайдо бўлиши билан курашлар шакли ҳам ўзгара бошлади. Бу жараён уруғлар, қабилалар, қабилалар иттифоқи, кичик давлат бирлашмалари, давлатлар ва салтанатлар ўртасида ўз ери, мустақиллиги ва озодлигини сақлаш учун курашларда намоён бўлади.

Туркистонликлар ҳам ўз озодлигини сақлаб қолиш учун уларга нисбатан босқинчилик сиёсатини амалга оширган аҳамонийлар, македониялик Александр, араб халифалиги, мўғуллар ва Россия империяси зулмига қарши мардонавор кураш олиб борганлар. Миллий озодлик ва давлатчилик учун кураш 1918 йилда большевиклар ҳокимиятни эгаллагандан кейин ҳам давом эттирилди. Ўзлари бировларнинг юртини зўрлик билан босиб олган большевиклар том маънода миллий озодлик ҳаракати бўлган мазкур тарихий ҳодисага “босмачилик ҳаракати” тамғасини қўйганлари ҳам яхши маълум. Бу уларга совет ҳокимияти ва коммунистик ғояга қарши бўлган миллий кучларни парчалаш, уларни халқ онгида ёмон отлик қилиш орқали ўз босқинчилик сиёсатларини яшириш учун керак бўлганди.

1919 йилнинг ўрталаригача ҳужжатларда қайд этилмаган “босмачи” атамаси шу пайдан аввал вақтли матбуот, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда қўллана бошланган. “Босмачи” ва “босмачилик”

тамғалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли курашларини хаспўшлаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан асоссиз равишда ишлатилган¹. Кейинчалик коммунистик мафкура таъсири остида бу атамани кенг кўламда қўллаш биринчи навбатда матбуот, сўнгра илмий адабиётлар, музейлар ва кино санъатида кучайтирилди. Шу орқали йиллар мобайнида совет ҳокимиятига қарши кураш қатнашчиларига нисбатан “босмачи” сифатида салбий фикрларнинг доимий равишда тарғиб қилиниши ва шу йилларда шаклланиб келаётган ёш авлодга коммунистик ғояларнинг чуқур сингдирилиши натижасида аҳолининг маълум бир қисми орасида уларга нисбатан салбий муносабат юзага келди.

Совет давридаги мазкур мавзуга доир тадқиқотларнинг кўлами ва қамрови анча кенг бўлиб, уларнинг кўпчилигида коммунистик мафкура сингдирилган ва муаммога бир ёқлама ёндашилган. Адабиётларнинг XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб то 30-йилларнинг ўрталаригача яратилганларида муаммо тарихшунослиги учун, биринчидан, кўплаб далиллар келтирилса, иккинчидан, улар ўзининг нисбатан ҳолислиги билан ажралиб туради. Шундай тадқиқотлар сирасига А. Валидов, Е. Козловский, Ф. Илютко, А. Борисовнинг² ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу даврда “босмачилик” ҳаракатини тугатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, барча сиёсий ва ҳарбий чоралар қўлланилди. Аҳоли орасида кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, совет ҳокимияти мустаҳкамланмаган чекка жойларга махсус комиссиялар юборилди. Уларга жойларда совет ҳокимиятининг таъсирини кучайтириш ва маҳаллий аҳоли тарихини ўрганиш вазифа қилиб топширилди. Большевикларнинг Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига бориб, жойлардаги урф-одатлар, маросимлар, анъаналар, уруғ ва элатлар ҳамда уларнинг тарихини ўрганишидан мақсад, ўзбек халқи тарихига қизиқиш эмас, балки уларнинг ўтмишини ўрганиш орқали бу ҳудудларда мавжуд тузумга қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракатнинг илдизларини аниқлаш, уларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва ғоявий раҳнаmolари, шунингдек, ютуқ ва камчиликларини ўрганишдан иборат бўлган. Мазкур усуллар орқали совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг тугатиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 50 – 80-йилларида ҳам мавзу доирасида жуда кўплаб тадқиқотлар қилинади. Улар сирасига Г. Непесов, Ю. Алескеров, Ш. А.

¹ Қ. Ражабов. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). Тошкент. 2015. 21-бет.

² А. Валидов. Қизил аскар ва босмачилик. Самарқанд – Тошкент. 1928; Е. Козловский. Красная Армия в Средней Азии. Военно-исторический очерк. Ташкент. Политуправления Ср.-Аз. В.О. 1928; Ф. Илютко. Loqayda bosmachilik. Тошкент. 1931; А. Борисов. Поход конной группы 8-й кавбригады в Кара-Кумскую пустыню в 1927 году. Москва. 1932.



Шомаъдиев, Я. Мотилев ва Е. Лисенко, Т. Жалилов, М. Иркаев, Ю.А. Поляков ва А. И. Чугунов, А. И. Зевелев, О. Худойбердиев, Ҳ. Иноятлов асарларини³ киритиш мумкин. Уларда кўплаб далилларнинг келтирилиши билан бир қаторда, ҳукмрон мафкуранинг таъсири, масалага бир ёқлама ёндашув устунлиги кузатилади.

МДХ доирасида ҳам совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат мавзуси бўйича бир нечта тадқиқотлар мавжуд. Россия Федерациясида Ю. Ганковский, В. Гилсенсен, Д. Вдовиченко, Д. Шевченко, А. Пилев, В.В. Шитько, В.С. Бойко, Н.С. Тархова, С.А. Нефедов, П. Густерин, А.Г. Тепляков, С.Л. Павловичлар⁴, Қозоғистонда Т. Алланиязов ва А.Таукенев, М.К. Койгелдиев, Б. Байназарова, Б. Баймаханов⁵, Туркменистонда

³ Г. Непесов. Победа советского строя в Северном Туркменистане (1917 – 1936 гг.). Ашхабад. 1950; Ю. Алескерев. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии. Ташкент. Госиздат Узбекской ССР. 1959; Ш. Шамагдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент. 1961; Я. Мотилев, Е. Лысенко. Солдаты порядка. Душанбе. 1967; Я. Мотилев. Верность долгу. Душанбе. 1986; Т. Джалилов. Страницы истории милиции Хорезма и Бухары (историко-правовой очерк). Ташкент. 1970; М. Иркаев. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе. 1971; Ю.А. Поляков, А.И. Чугунов. Конец басмачества. Москва. 1976; А.И. Зевелев, Ю.А. Поляков, А.И. Чугунов. Басмачество: возникновение, сущность, крах. Москва. 1981; О. Худойбердиев. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. Москва. 1984; Х. Иноятлов. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. Москва. 1984; Басмачество: социально-политическая сущность. Сборник статей под ред. Б. Лунина, М. Ахуновой, Х. Турсунова, Э. Юсупова. Ташкент. 1984.

⁴ Ю.В. Ганковский. Персонажи с «той стороны». Ибрагим-бек Локай // «Азия и Африка сегодня». 1994. № 4. С. 61 – 63; Персонажи с «той стороны». Энвер-паши среди басмачей // «Азия и Африка сегодня». 1994. № 5. С. 59 – 61; В.М. Гилсенсен. Сотрудничество красной Москвы с Энвер-Пашой и Джемаль-Пашой // «Восток». 1996. № 3. С. 45 – 63; Д.И. Вдовиченко. Энвер-Паша // «Вопросы истории». 1997. № 8. С. 42 – 45; Н.А. Ивницкий. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928 – 1933 гг.). РАН. Ин-т рос. Истории. Университет г. Торонто (Канада). Москва. 2000; Д. Шевченко. Басмаческое движение. Политические процессы и вооруженная борьба в Средней Азии (1917 – 1931 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Иркутск. 2006; А. Пылев. Басмачество в Средней Азии: этнополитический срез (взгляд из XXI века). Бишкек. 2006; Басмаческое движение в Средней Азии (1918 – 1934). Общие черты и региональные особенности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Санкт-Петербург. 2007; В.В. Шитько. Войска ОГПУ-НКВД в локальных войнах и конфликтах: 1922 – июнь 1941 гг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Москва. 2007; В.С. Бойко. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919 – 1953 гг. Москва-Барнаул. 2010; Н.С. Тархова. Красная армия и сталинская коллективизация. 1928 – 1933 гг. Москва. РОССПЭН. 2010; С.А. Нефедов. Аграрные и демографические итоги сталинской коллективизации. Тамбов. ТГУ. 2013; П. Густерин. История Ибрагим-бека. Басмачество одного курбаши с его слов. Saarbrücken. Lambert. 2014; Исторический опыт применения внутренних войск в борьбе с бандформированиями в 1920 – 1950-е гг.: военно-исторический труд [Марценюк Ю.А. и др.]. Москва. «На боевом посту» войск национальной гвардии Российской Федерации. 2017; А.Г. Тепляков. Деятельность органов ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД (1917 – 1941 гг.). историографические и источноковедческие аспекты. Новосибирск. НГУЭУ. 2018; С.Л. Павлович. История национальных воинских формирований рабоче-крестьянской красной армии в Средней Азии (1920 – 1938 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Санкт-Петербург. 2019.

⁵ Т. Алланиязов. Красные Каракумы. Очерки истории борьбы с антисоветским повстанческим движением в Туркменистане (март – октябрь 1931 года). Жезказган – Алматы. 2006; Т. Аллания-



К. Мухамметбердиев, Я. Ўразгилизов⁶, Қирғизистонда Т.Ж. Жаркинбаев, Б.З. Бакеевалар⁷ ва Тожикистонда К. Абдуллаев⁸ тадқиқотларини келтириш мумкин.

Улар орасида ҳам муаммога ёндашув хилма-хил бўлиб, айнан шу мавзу доирасида илмий изланиш олиб борган тарихчиларнинг кўпчилиги масалага холис баҳо берган. Аммо айрим тарихчи, сиёсатчи ва журналчилар эса, муаммони чуқур ўрганмай туриб, коммунистик ғоя ва мафкурани тарғиб қилишда давом этмоқда.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат мавзусига бўлган қизиқиш МДХдан ташқарида ҳам анча катта бўлиб, уларнинг тадқиқотлари нисбатан холис ва ҳаққонийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу борада уларнинг қарашлари совет тарихшунослиги ва МДХдаги айрим тадқиқотлардан фарқ қилади. Хусусан, хориждаги илмий изланишлар совет даврида қилинган ишлардан тўбдан фарқ қилиб, уларда ушбу муаммо миллий озодлик ҳаракати, деб аталади. Ушбу гуруҳга Лоуис Фисчер, Марта Олкотт, Виллиам Риттер, Гленда Фрезер, Ҳасан Паксой, Беатриче Пенати, Донна Оъкеарней, Борис Коган, Абдулла Ражаб Бойсун, Али Бодомчи, Боймирза Ҳайит изланишлари⁹ киритилади.

зов, А. Таукенев. Последний рубеж защитников номадизма. История вооружённых выступлений и повстанческих движений в Казахстане (1929 – 1931 гг.). Алматы. 2009; М.К. Койгелдиев. Сталинизм и репрессии в Казахстане 1920 – 1940-х годов. Алматы. 2009; Б. Байназарова. Туркстандағы басмашылар қозғалысының тарихнамасы. Тарих ғылымдарының кандидаты ғылыми дәрежесін алу үшін дайындаған диссертациясының авторефераты. Астана. 2010; Б. Баймаханов. Энвер паша және Туркстандағы ұлт-азаттық қозғалыс. Тарих ғылымдарының кандидаты ғылыми дәрежесін алу үшін дайындаған диссертация. Алматы. 2010.

⁶ К. Мухамметбердиев, Я. Оразгилизов. Туркменистанын тарыхындан материаллар (1917 – 1994). Ашгабат. 1997.

⁷ Т. Жаркинбаев. Основной этап басмаческого движения в Ферганской долине (1917 – 1924 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2005; Б.З. Бакеева. Антисоветские движения в Кыргызстане в начале XX века. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Бишкек. 2007.

⁸ К. Абдуллаев. От Синьцзяна до Хорасана. Из истории Среднеазиатской эмиграции XX века. Душанбе. 2009.

⁹ L. Fischer. The end of Enver Pasha // The Virginia Quarterly Review. April 1930. Vol. 6. No. 2 (April 1930). P. 232 – 239; M. Olcott. The Basmachi or Freeman's Revolt in Turkestan 1918 – 24 // "Soviet Studies". Jul., 1981. Vol. 33. No. 3 (Jul. 1981). P. 352 – 369; W. Ritter. The Final Phase in the Liquidation of Anti-Soviet Resistance in Tadzhikistan: Ibrahim Bek and the Basmachi. 1924 – 31 // "Soviet Studies". Oct. 1985. Vol. 37. No. 4 (Oct. 1985). P. 484 – 493; G. Fraser. Basmachi-I // "Central Asian Survey" (Oxford). 1987. No 1. P. 1 – 73; Basmachi-II // "Central Asian Survey" (Oxford). 1987. No 2. P. 7 – 42; H.B. Paksoy. "Basmachi": Turkistan national liberation movement 1916 – 1930s // http://vlib.iue.it/carrie/texts/carrie_books/paksoy-6/cae12.html (24.07.2017); Basmachi movement from within: Account of Zeki Velidi Togan // Nationalities Papers. Vol. 23. No 2. June 1995. http://vlib.iue.it/carrie/cec/Basmachi_Movement.shtml (29.11.2017); B. Penati. The reconquest of East Bukhara: the struggle against the Basmachi as a prelude to Sovietization // "Central Asian Survey". December 2007. No 26 (4). P. 521 – 538; B. Hayit. "Basmacılar" Türkistan Milli Mücadele Tarihi (1917 – 1934). Ankara. TDV Yayınları. 1997; A.R. Baysun. Turkistan istiklal hareketleri ve Enver Pasha. Istanbul. Docu kutuphanesi. 2006. A. Bademci. 1917 – 1934 Turkistan milli istiklal hareketi korbasilar ve Enver Pasha. Cild. 1. Istanbul. O'tuken. 2008;



Улар миллий озодлик ҳаракатини умумлаштирган ҳолда, Россия империяси ва большевиклар сиёсатиға қарши бўлган ҳаракатларни бирлаштириб ўрганганлар. Туркияда тадқиқот олиб борган тарихчиларнинг ишларида эса, асосан Анвар Пошонинг¹⁰ сиёсий фаолияти муҳим ўрин тутди. Хорижда яратилган тадқиқотларда муаммога коммунистик мафкурадан холи ёндашиш бор. Уларнинг айримларида масаланинг нотўғри талқинлари ҳам учрайди¹¹. Чунки муаллифлар ихтиёрида етарли даражада бирламчи манбалар бўлмаган. Шунингдек, турли ижтимоий-сиёсий ҳолат ва халқаро майдондаги вазият натижасида улар бу ҳаракат кўламини пасайтириб ёки ошириб кўрсатишга уринганлар. Натижада, айрим ўринларда қуроли ҳаракатнинг моҳияти бўзиб кўрсатилган.

Ўзбекистон мустақилликни тиклаши натижасида Ватан тарихининг кўпгина масалалари қаторида совет ҳокимиятиға қарши кураш ва унинг аҳамиятини холис ва ҳаққоний ўрганиш имкони туғилди. Ўзбек олимлари томонидан кенг муҳокама қилиниб, бу ҳаракат ҳеч қандай “босмачилик” эмас, балки миллий озодлик ҳаракатининг таркибий қисми ва энг кучайган даври сифатида совет ҳокимиятиға қарши қуроли кураш деб, этироф этилди¹². Шу кунга қадар мазкур мавзу доирасида олиб борилган кўплаб тадқиқотлар қаторида Қ. Ражабов¹³, Д. Зиёева¹⁴, С. Шодмонова¹⁵,

Cild. 2. Istanbul. O'tuken. 2008.

¹⁰ Анвар Пошо (1881 – 1922) — Бухородаги қуроли ҳаракатнинг таниқли вакили, туркиялик ҳарбий саркарда ва сиёсий арбоб. У Туркистонда барча туркий халқларни бирлаштириб мустақил давлат тузиш учун курашган.

¹¹ D. O'Kearney. Enver Pasha and the Basmachi Rebellion // “Crossroads”. Volume III. Issue 1. 2008. P. 98 – 105; B. Kogan. The Basmachi: Factors Behind the Rise and Fall of an Islamic Insurgency in Central Asia // “Small Wars”. 2011. <http://smallwarsjournal.com>.

¹² Истиқлолизмнинг тарихий илдизлари (давра сўхбати) // “Шарқ юлдузи”. 1995. № 11 – 12. 3 – 29-бетлар.

¹³ Қ. Ражабов. Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1995; Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). Тошкент. 2000; Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. 2002; Қ. Ражабов, М. Ҳайдаров. Туркистон тарихи (1917 – 1924 й.). Тошкент. 2002; Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуроли ҳаракат (1918 – 1924 йиллар). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2005; Мадаминбек. Тошкент. 2011; Шермухаммадбек. Тошкент. 2011; Ҳамро Полвон. Тошкент. 2011; Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). Тошкент. 2015.

¹⁴ Д. Зиёева. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида (1916 йил қўзғолони ва 1918 – 1924 йил истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1999; Босмачилик: ҳақиқат ва уйдирма. Тошкент. 2000; Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент. 2000.

¹⁵ С. Шадманова. Немис ва турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917 – 1924 йилларда совет мустамлакачилигиға қарши кураш масалалари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2002; Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигиға қарши кураш масалалари (1917 – 1924 йиллар). Тошкент. 2008.



Н. Норжигитова¹⁶, У. Рашидов¹⁷, Н. Назаров¹⁸, Р. Ҳакимов¹⁹, Н. Ҳидоятова²⁰, Д. Мўминов²¹ ва Б. Тожибоев²² ишларини санаб ўтган бўлардиқ. Шунингдек, юқоридаги тадқиқотлардан ташқари, муаллифларнинг биргаликдаги ишларида²³ ҳам муаммонинг айрим жиҳатлари ёритилган.

Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистон тарихининг мураккаб ва зиддиятли бўлган масалаларидан бири совет ҳокимиятига қарши олиб борилган қуроли ҳаракат тарихи ҳар қандай мафкурадан ҳоли ва холис тарзда янгича ёндашувларда ўрганилди. Улар орқали 1918 – 1935 йилларда давом этган ҳаракат кенг илмий жамоатчиликка маълум қилинди ҳамда бу муаммога нисбатан муносабатни бутунлай ўзгартирди. Мустақиллик йилларида мазкур муаммо билан боғлиқ олиб борилган тадқиқотлар натижасида олий ўқув юртлари ва халқ таълими тизими доирасида яратилган барча дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва ўқув дастурларининг ҳаммасида ушбу мавзу совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракат деб номланиб, тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишига имконият яратди. Шу билан бирга, ҳали ҳам аҳолининг айрим қатламлари орасида мазкур масалада эскича қарашлар сақланиб қолаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Туркистон минтақасида 1917 йил кузида совет ҳокимияти ўрнатилгач, янги тузумнинг қонун-қоидалари жорий этилиб, халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган одат ва анъаналарига чекловлар қўйиш бошланган. Туркистон Мухториятини афдариб, Қўқоннинг қонга ботирилиши, ислом динига қарши турли ҳаракатлар, совет таълим тизимининг жорий этила бошлангани, шунингдек, метрополиядан юборилган раҳбар кадрларнинг ўзбек жамияти шарт-шароитларини яхши билмаслик-

¹⁶ Н. Норжигитова. Туркистонда “босмачилик ҳаракати” тарихшунослиги (совет даври). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1995.

¹⁷ У. Рашидов. Бухоро Халқ Республикаси. Бухоро. 2003. У. Рашидов, Ў. Рашидов. Бухоронинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари тарихидан (1900 – 1925 й.). Бухоро. 2013.

¹⁸ Н. Назаров. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. 2-нашр. Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Выпуск 24 (март 2007 г.). Тошкент. 2007.

¹⁹ Р.А. Ҳакимов. Зарубежная историография истории басмачество в Средней Азии 1917 – 1932 гг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1992.

²⁰ Н.Г. Ҳидоятова. Басмаческое движение в современной советологии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент. 1993.

²¹ Д. Мўминов. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода қизил армияга қарши қуроли ҳаракат (1920 – 1926 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2010.

²² Б. Тожибоев. Самарқанд вилоятида совет режимига қарши қуроли ҳаракат (1918 – 1926 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Андижон. 2019.

²³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Редактор. Р. Раджапова. Ташкент. 2000. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Масъул муҳаррир. М. Жўраев. Тошкент. 2000. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939. Тошкент. 2019.



лари, жумладан, миллий урф-одатлар ва анъаналар билан ҳисоблаш-масликлари совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлик ва нафратни янада кучайтириб борган. Шунингдек, совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида амалга оширилган зўравонлик тадбирлари, масалан, ҳарбий эҳтиёжлар важи билан одамлар қўлидаги отларнинг олиб қўйилиши, мажбурий меҳнатнинг жорий қилиниши, аҳолининг қизил армия сафларига чақирилиши, ғалла монополияси ва озиқ-овқат тақсимоти кабилар бир бўлиб, оқибатида барча деҳқон ва ҳунармандлар совет ҳокимиятига қарши қўзғалганлар²⁴.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, XX асрнинг 20 – 30 йилларида куч ишлатиб амалга оширилган турли “ўзгаришлар” (ер-сув ислоҳоти, “Ҳужум” ҳаракати, диний сиёсат, коллективлаштириш) ўзбек халқининг кўпчилигини жабрдийдага айлантирган эди. Совет ҳокимиятининг айнан шу даврлари аҳоли онгида ўта салбий таассурот шакллантирганининг сабаби ҳам мазкур омил билан боғлиқдир. Ушбу ҳолатда, ҳар доим бўлганидек, туркий халқлар ўз сўзини айтганлар: большевикларга қарши фикр билдирганлар, оммавий чиқишлар ташкил этганлар, қўзғолон кўтарганлар ва қўлга қурол олиб мустақиллик ва миллий давлатчилик учун курашганлар. 1918 – 1935 йилларда Ўзбекистон ССРда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган қуролли ҳаракатлар шу тариқа вужудга келди ва ривожланди.

Совет ҳокимиятига қарши кураш Фарғона водийсида бошланиб, унга Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Ёрмат Махсум, Жонибек Қози; Бухоро Халқ Совет Республикаси кейинчалик Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССРда Иброҳимбек, Анвар Пошо, Давлатмандбек, Фузайл Махсум, Хуррамбек, Ўтанбек (Сурхондарё воҳаси), Турди тўқсабо, Тангриберди додхоҳ (Қашқадарё воҳаси), Мулла Абдулқаҳҳор, Жўра Амин (Бухоро воҳаси), Очилбек, Ҳамроқулбек (Самарқанд), Хоразм Халқ Совет Республикаси кейинчалик Хоразм воҳаси ва Туркменистон ССРда Жунаидхон, Саъдулла бола, Аҳмадбек ва бошқалар етакчилик қилганлар.

Большевикларга қарши курашларда хотин-қизлар ҳам қатнашганлари ҳаракатнинг мазмун ва кўламидан далолат беради, албатта. Масалан, Иброҳимбек қўшинидаги махсус аёллар гуруҳига бошчилик қилган карманалик Нодира қиз, ғиждувонлик Салима жинжак, шўрчилик Ибодат, олтиариқлик Шакархон қўрбоши ва Мухиддинбекнинг онаси²⁵ каби Томир хотин авлодларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Совет ҳокимиятига қарши кураш ўзининг ҳаракатлантирувчи кучла-

²⁴ Қ. Ражабов. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). Тошкент. 2015. 32 – 33-бетлар.

²⁵ Қ. Ражабов. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. 2002. 55 – 56-бетлар. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918 – 1924 йиллар). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2005. 300-бет.



ри ва ташкилий тузилиши жиҳатидан аҳолининг барча гуруҳлари ва ижтимоий қатламларини ўзига қамраб олган умумхалқ ҳаракати ҳисобланади. Туркистондаги қуролли ҳаракатнинг асосий илғор кучлари деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар бўлганлар. Уларга шаҳар аҳолисининг кўпчилиги, ўзига тўқ оилалар вакиллари – савдогарлар, бойлар ҳамда ислом дини арбоблари – уламо, эшон, мулла, дарвишлар қўшилганлари маълум. Шунингдек, қуролли ҳаракат қатнашчилари сафида оқ-қорани тушунган саводхон кишилар – зиёлилар ҳам кўпчиликни ташкил қиларди ва улар Туркистондаги тараққийпарварлар ҳамда жамоат арбоблари орасидан ажралиб чиққан эдилар. Ватан мустақиллиги учун курашда катта амалий тажриба тўплаган бу шахсларнинг кўпчилиги жаҳидчилик ҳаракатининг йирик намоёндалари бўлганлар.

Қуролли кураш қатнашчиларининг миллий таркиби ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, уйғурлардан иборат эди. Хусусан, ўзбеклар миқдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил этиб, душманга қарши ботирларча жанг қилдилар²⁶. Мазкур ҳаракатда, гарчи кам бўлса-да, дини ва миллати турлича бўлган келгинди халқлар вакиллари ҳам иштирок этганларини кузатиш мумкин.

Большевиклар сиёсатидан норози ва ундан жабр кўрган аҳолининг бир қисми Афғонистон ва Эронга муҳожирликка кетиши совет ҳокимиятига қарши кураш кўламини ҳудудий жиҳатдан янада кенгайтишига олиб келиши билан бир қаторда, бу ҳаракатнинг халқаро доирада тус олишига ҳам сабаб бўлганди. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати Эрон ва Афғонистондаги муҳожирлар ва айрим вақтларда афғон маъмуриятининг марказий ва маҳаллий ҳокимиятлари томонидан қўллаб-қувватлангани яхши маълум.

Кўрбошилар қурол-яроғларни асосан Афғонистон ва Эрондан, қизил армияга қарши кураш учун аҳолидан тўпланган маблағ ҳисобига олиб келганлар. Бу ҳолатни совет илмий адабиётлари ва бугунги кунда ҳам россиялик айрим тарихчи, сиёсатчи ва журналчилар атайин бузиб кўрсатиб, Англия томонидан “босмачилар”нинг қўллаб-қувватланиши деб нотўғри баҳоламоқдалар. Ваҳоланки шу кунга қадар бирорта ҳужжат ёки адабиётда бу масалада аниқ асосга эга бўлган далиллар учрамайди. Ҳаракат етакчилари ва миллий зиёлилар томонидан ғарб давлатларидан моддий ва ҳарбий ёрдам олиш учун қилинган уринишлар натижасиз тугаганини ҳам ўрғулаган бўлардик. Демак, совет ҳокимиятига қарши кураш умуммиллий ҳаракат саналиб, унинг ўзаги ва қўлловчиси ҳам халқнинг ўзи бўлган. Айрим жиҳатларда совет ҳокимиятига қарши курашнинг Афғонистон билан боғлиқлиги ҳаракатга миллийлик-

²⁶ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. 182-бет.



дан ташқари байналмилал хусусият ҳам бағишлайди²⁷.

Совет ҳокимиятига қарши курашда аҳолининг барча қатламлари қатнашгани баробарида жадидларнинг ундаги иштироки масаласи энди ҳам айрим мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу маънода, жадидларнинг таниқли вакили Мунаввар Қорининг фикрлари диққатга сазовордир. У ўзи ташкил қилган “Миллий иттиҳод” ташкилоти хусусида гапириб шундай ёзганди: “Ташкилот Шўро ҳукуматига қарши махфий кураш олиб бориб, айниқса, Фарғона, Самарқанд ва Бухорода “босмачилик”нинг ривожланишига таъсир кўрсатарди”²⁸. Ёки бўлмаса “Миллий иттиҳод”нинг ҳарбий гуруҳи бўлиб, “босмачилар”, хусусан, Раҳмонқул қўрбоши билан алоқа қилганлар”²⁹, деб маълумот келтиради.

Мунаввар Қори бошчилигидаги “Миллий иттиҳод” (1919 – 1925) ва “Миллий истиқлол” (1925 – 1929) ташкилотларининг совет ҳокимиятига қарши курашда ғоявий раҳбарлик қилгани илмий жиҳатдан етарлича асослаб берилгани ҳам яхши маълум. Масалан, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ маорифи вазири сифатида ҳукумат таркибига киритилган наманганлик Носирхонтўра Камолхонтўра ўғли мухторият тугатилгач “Миллий истиқлол” ташкилотининг Фарғона бўлимини бошқарди ва водийдаги курашга ғоявий раҳбарлик қилган. Ушбу жараён Шермуҳаммадбек, Жонибек Қози, Истамбек, Мадумар каби қўрбошиларнинг фаолиятида намоён бўлади³⁰.

Мавзуга оид яна бир баҳсли масала майда ўғрилиқ ва талончилик билан шуғullanувчи кичик гуруҳларнинг ҳам бўлгани билан боғлиқдир. Бундай тўдалар ҳар бир халқ тарихининг турли даврида учраши аён. Лекин уларни рўқач қилган ҳолда, ўзбек халқининг большевикларга қарши миллий озодлик курашини обрўсизлантиришга уринишлар мустамлака замони тарихчилигида авж олганини ҳам эслатиб ўтган бўлардик. Тўғри, айримлар ўз манфаатларини ўйлаб аҳолини талаганларига оид гувоҳликлар йўқ эмас. Талончи тўдалардан ташқари, яна қўрбошиларнинг йигитлари томонидан амалга оширилган бундай хатти-ҳаракатлар табиий равишда аҳоли орасида норозилик келтириб чиқаргани ҳам бор

²⁷ W. Ritter. The Final Phase in the Liquidation of Anti-Soviet Resistance in Tadzhikistan; Ibrahim Bek and the Basmachi, 1924 – 31 // “Soviet Studies”. Oct. 1985. Vol. 37. No. 4 (Oct. 1985). P. 490 – 491.

²⁸ Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С. Аҳмедов. Тошкент. 2003. 228-бет.

²⁹ Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С. Аҳмедов. Тошкент. 2003. 238 – 239-бетлар.

³⁰ Н. Каримов. Мунаввар қори Абдурашидхонов миллий мустақиллик учун кураш йўлбошчиси сифатида // Мунаввар Қори Абдурашидхонов Туркистон тараққийпарварларининг сардори. Тошкент. Мумтоз сўз. 2018. 3 – 15-бетлар; Қ. Ражабов. Жадид ва уламолар – совет ҳокимиятига қарши қуролли курашнинг ғоявий асосчилари ва ташкилотчилари // Туркистон жадидчилиги – миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). Наманган. 2012. 302 – 303-бетлар; Р. Шамсўтдинов. Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб. Тошкент. 2018. 178 – 225-бетлар.



гап. Мана шундай вазиятда ҳудудлардаги етакчилар аҳоли билан қўрбошилар ўртасидаги муносабатларни ижобий ҳал этишда ва халқ орасида юзага келган салбий кайфиятни бартараф этишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Иброҳимбек Хонақо туманидаги қўрбошилардан бирига йўллаган хатида шундай ёзади: “Сизнинг айрим аскарларингиз шариат қонунларини рўқач қилиб, бахтсиз деҳқонларни таламоқдалар ва хонавайрон қилмоқдалар. Айбдорларни жазолаш ва бу билан жабрдийда деҳқонларни хотиржам қилишингиз ҳамда уларни бизнинг оптимизда туришини сақлаб қолишингиз лозим”³¹. Шундан сўнг, қўрбошилар томонидан ўз йигитларини назоратга олиш кучайтирилган.

Айнан шу масалада Р.Я. Ражапованинг мулоҳазалари эътиборга молиқдир. Унинг таъкидлашича, “ўзоқ давом этган оғир уруш одамлар руҳияти, хулқ-атворида ўз таъсирини ўтказмасдан қолмасди. Очлик, жудоликларга ҳамма ҳам бардош беролмасди. Ўн минг, юз минглаб кишидан иборат бўлган қўзғолончилар орасида ўзларининг тор манфаатлари йўлида талончилик, ўғрилиқ билан шўғулланиб, муқаддас ғояларга хиёнат қиладиганлар ҳам бор эди. Лекин бундай салбий ҳолатлар учун бутун ҳаракатни айблаш масъулиятсизликдир. Ўз уйи, оиласидан ўзоқда бўлган ўн минглаб, юз минглаб қўзғолончилар бекиёс жисмоний ва маънавий муҳтожликларга дош бериб, ўз жонларини аямасдан, мардона ва ҳалол кураш олиб бордилар. Уларнинг кўпчилиги муқаддас орзулар йўлида жон бердилар”³².

Дарҳақиқат, бирор халқ ёки миллат ичидан чиққан айрим жиноятчилар учун шу миллат ёки халқни жиноятчиликда айблаш ақлга тўғри келмаганидек, ҳақиқий талончилик билан шўғулланган тўдалар тўфайли шахсий ва ғаразли мақсадларда эмас, балки миллат эрки учун курашганларни қоралаш ёки уларни ўз номлари билан, яъни миллий озодлик учун курашганлар сифатида баҳолашдан чўчиш мантиқан мутлақо нотўғри ва адолатсизликдир³³.

Совет ҳокимиятига қарши кураш тарихини ўрганишда юқорида таъкидланган жиҳатлардан ташқари, қизил армиянинг таъминоти масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Совет адабиётларида қўрбошиларнинг қизил армияга қарши кураши учун аҳолидан тўпланган солиқлари талончилик деб баҳоланади. Лекин совет армиясининг талончиликлари, улар учун йиғилган тўловлар, қайтариш ёки пулини тўлаш шарти билан олинган от-улов ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари учун келишувларнинг бажарилмагани хусусида фикрлар берилмайди. Ваҳоланки

³¹ Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 132-варақ.

³² Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари (Давра сўхбати) // “Шарқ Юлдузи”. № 11 – 12. 1995. 9-бет.

³³ Д. Зияева. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшўнослигида (1916 йил қўзғолони ва 1918 – 1924 йиллар истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1999. 274-бет.



манбаларда бундай ҳолатлар кўплаб учрайди. Масалан, 1924 йил 11 февралда Бухоро Компартияси МК аъзоси Мавлонбеков ва Позднишева-нинг Туркистон fronti аъзоси Н. Березинга юборган “Босмачиликнинг сабаблари” номли ҳужжатда келтирилишича, Шарқий Бухородаги қизил армиянинг таъминоти асосан аҳолидан йиғилган солиқлар ҳисобидан қопланган. Аҳолидан қизил армиянинг эҳтиёжи учун йиғиб олинган 800 000 пуд дон маҳсулоти бўлмаганида Шарқий Бухородаги совет қўшинларининг аҳволи ҳалокатли эди. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, қизил армиянинг эҳтиёжи учун аҳолидан от, туя ва аравалар ҳам олинган. Ҳолбуки улар учун ҳақи тўлаш лозим эди, бироқ бу мажбурият бажарилмаган. Қизил армия қисмларининг қарздорлиги 600 000 дан ортиқ олтин рубл миқдорида бўлган³⁴. Кўп ҳолларда тўлов амалга оширилган эмас.

Бундан ташқари, Туркистон fronti молиявий назорат бўлимининг раҳбари Древенконинг Инқилобий Ҳарбий Кенгашга (РВС) 1925 йил 10 августда “Мусулмон аҳолиси орасида қизил армия ва совет ҳокимиятини ишончини тиклаш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги 77-сонли билдирги жўнатди. Унда Бухоро вилояти ва Тожикистон АССРда жойлаштирилган ҳарбий қисмларни зарур товарлар билан таъминлаш, 13-корпуснинг маҳаллий аҳолидан олинган маҳсулотлари учун қарзларни бекор қилиш масаласи сўралган эди. Ҳужжатдан маълум бўлишича, қизил армияга зарур бўлган маҳсулотлар аҳолидан қарзга олинган. Бироқ уларни қайтаришнинг имкони бўлмаган. Туркистон fronti томонидан бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида 1925 йилнинг бошида РВСга мурожаат қилинган эди. Лекин бу ишга нисбатан жиддий эътибор берилмай, бепарволик билан муносабатда бўлганлиги туфайли шу йилнинг август ойида яна қайта мурожаат қилинган эди³⁵. Бу маҳаллий аҳолининг манфаатларини менсимаслик ва уларнинг ҳуқуқларини паймол қилиниши эди.

Шунингдек, қизил армиянинг талончиликлари тўғрисида ОГПУнинг вакили П. Романов 1926 йил ўз фикрида қуйидагича асослайди: “Шуни қайд этиш керакки, бир нечта амалиётларда биз вазиятни қўлдан бой бердик. Отрядларимиз жанг ўрнига, ўлжа олиш билан овора. Бу нарсани йўқ қилиш керак. Бу ўлжалар бандаларники эмас, оддий деҳқонлардан олинган. Биз уларни тегишли идораларга топширишимиз керак”³⁶.

Совет ҳокимиятига қарши курашчиларига нисбатан доимий равишда кучайтирилган жазо чоралари амалга ошириб келинган. Кучли жазо сиёсати қуролли ҳаракатни бостиришда асосий воситага айланганди. Туркистон фронтининг 1926 йил 16 февралдаги ҳарбий-сиёсий

³⁴ Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви. 17-фонд, 33-рўйхат, 136-иш, 7 – 8-варақлар; Россия давлат ҳарбий архиви (кейинги ўринларда РДҲА), 110-фонд, 1-рўйхат, 226-иш, 21 – 22-варақлар.

³⁵ РДҲА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 1649-иш, 46-варақ ва унинг орқаси.

³⁶ Хоразм ВДА, 69-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 3-варақ.



кенгашида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Ҳарбий прокурор Яков Казаринский амалга оширилаётган сайёр судлар фаолиятини таҳлил қилиб, уларда ўлим ҳукми кам берилаётганлигини урғулаб, олий жазони кучайтириш лозимлигини таъкидлайди. У “босмачилар” билан боғлиқ суд ишларини ҳарбий трибуналда кўриш ёки маҳаллий судларни янада кучайтириш ва бу масалага алоҳида эътибор қаратиш таклифини илгари суради³⁷.

Совет ҳокимиятига қарши курашлар ва уларни қўллаб-қувватлаб келаётган маҳаллий аҳолига нисбатан кучайтирилган жазо йўлларининг кенгайтирилиши қўрбошиларни ўз тарафдорлари билан муносабатларини ўзгартиришга мажбур қилганини ҳам биламиз. Туркистон fronti сиёсий бошқармасининг 1926 йил 3 апрелдаги 9-тезкор-сиёсий маълумотномасидан аён бўлишича, кейинги йилларда қўрбошилар тутган йўсинларда жиддий ўзгаришлар қилинган. Масалан, уларга жойлардаги вакиллари томонидан ёрдам яширин кўрсата бошланган. Жойлардаги вакиллар қўрбошилар билан озиқ-овқат, от ва одам бериш бўйича вақти ва жойи олдиндан келишиб олиниб, иш битгач “босмачилар” томонидан зўрлаб олиб кетилди, миш-мишлари тарқатилган³⁸. Шу тариқа, совет қўролли кучлари томонидан аҳоли жазоланишининг олди олинган. Негаки XX асрнинг 20 – 30-йилларида “босмачилик”да айбланган ёки улар билан алоқадорликда гумон қилинган ҳар қандай шахсга сиёсий айб қўйилиб, унга нисбатан энг оғир жазо – ўлим ёки узоқ муддатга қаттиқ қамоқ белгиланиши ўша даврга хос белгилардан бири эди. Шунинг учун, архив ҳужжатлари билан танишганда, бу масалаларда танқидий ёндашиш ва мазкур жиҳатларни кўзда тутиш муҳимдир.

Болшевикларнинг Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида амалга оширган “ўзгаришлари” совет ҳокимиятига қарши курашни янада кучайтирган омиллардан бири бўлгани ҳам сир эмас. Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Тошмуҳамедовнинг фикрича, 1929 йили қўролли гуруҳларнинг ўсиши олдинги йилларга қараганда 85 фоизни ташкил қилган³⁹. Коллективлаштириш сиёсати оқибатида колхозлар тузилиб, деҳқонларнинг мажбуран жамоа хўжаликларига киритилиши Фарғона водийсида озодлик ҳаракатини янада авж олдириб юборади. Фарғона округида 1930 йили сиёсий вазият ўта кескинлашиб кетганидан ташвишга тушган Ўзбекистон ССР партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари Ўзбекистон КП(б) котиби Лепа, ХКС раиси Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон ГПУси раиси Перкон бошчилигида водийга етиб бориб, аҳволни юмшатиш бўйича чора-тадбирлар кўриш, ҳатто ёрдамга ОГПУнинг қўролли кучларини чақиришга мажбур бўлган-

³⁷ РДХА, 25895-фонд, 1-рўйхат, 1653-иш, 180-варақ.

³⁸ Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 142-варақнинг орқаси.

³⁹ Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 22-варақ.



лар⁴⁰. Сиёсий раҳбарларнинг чора-тадбирлари, ҳарбий қисмларнинг сафарбар қилиниши ҳам кураш кўламини пасайтира олмаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аксинча, совет ҳокимиятига қарши кураш Ўзбекистон ССРдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда айнан 1931 йили ўзининг энг юқори чўққисига чиқади.


Менгли Халифа, узбек, курбаши района Сурхандарьи, в 25 – 26г. ушел в Афганистан, жил в районе Ак-Тепе. В посл. время организовал шайку в 9 джигитов.

Кара-Палван, узбек, кунградец, курбаши правобережья, гл. обр. Сурхандарьи, охранял переправы шаек и награбленного имущества через Амударью; посл. данным организовал в Афганистане шайку в 37 джигитов в районе Сурхандарьинской коменд.

Хурам-Бек, узбек, курбаши Сурхандарьи, Куляба; действовал совместно с Утан-Бекком до последнего времени; проживает в кишлаке Чардар Хан. района.

Утан-Бек, узбек племени кунгр., глава шайки того же племени; подчинялся Хурам-беку, оперировал в Сурх. Дарье в районе Бабатага, Куляба. Уходит в 26г. в Афг. продолж. налеты гл. обр. восточнее Термеза, доведя шайку до 80 чел. Последний налет в том же районе совершил 1.IV.29., объединившись с Мулла Джайляу и Кары Токсаба; оперировал в районе Кабадиана, Шуриана, Сары-Ассия. После столкновения с нашими частями, понеся потери, прорвался обратно в Афганистане. Имеет пребывание там в районе Даркада, Хазрет-Имам-Саиба, Чардара.

Абду-Каюм-Парваначи, советник Ибрагим-бека, одна из видных фигур; ушел в июле 1926г. в Аф., жил в Ханабаде, затем в Кабуле.

Танги-Яр, Караул-Беги, Хак Берды Гадай, Вали Ишан Умар Ишан, Мулла Мамед Куль Суюн Морган-Оглы – фигуры, которые по последним сведениям организовали в Афг. для налетов в Сурхандарьинский район шайки по 8 – 12 джигитов.

Тохтамыш-Бек, бывший Ширабадский, затем Келифский бек; принимал деятельное участие в басмачестве, сначала возглавляя Ширабадского района, затем, поселившись в Мазар-и-Шерифе, снабжал шайки оружием и боеприпасами. Живет в Мазар-и-Шерифе.

Гуль Аксакал, узбек, курбаши Кашкадарьинского района, ушел в Афганистан в 1924 г., занявшись поставкой оружия шайкам. Живет в Мазар-и-Шерифе.

Туркменское басмачество

Джунаид-Хан (Мухаммед Курбан Сердар Джунаид-Хан), главарь туркменского басмачества в Хорезме, выросшего из национальной



розни туркмен с узбеками. С момента перехода в Туркестане власти в руки советов, русские войска оставили Хивинское ханство, чем воспользовался Джунаид, который выступил против хана Асфендиара, занял г. Хиву, убил хана и посадил на его место дядю его Сеида Абдуллу, фактически сосредоточивши власть в своих руках.

Диктатура Джунаида продолжалась около 2-х лет; жестоким правлением он восстановил против себя не только узбекское, но и часть туркменского населения, что создало благоприятную обстановку для выступления против Джунаида младо-хивинской партии (вместе с рядом туркменских вождей, настроенных против Джунаида), обратившейся за помощью к властям Туркестана. 29.II.20. Джунаид был разбит и, продолжая борьбу, бежал в пески, откуда от времени до времени совершал налеты на Хорезмский оазис. В начале 24г., поддержанный узбекским дехканством (на почве неправильной налоговой политики и проч.), поднял восстание, обложил Хиву, но в феврале был разбит и бежал в пески. В 25г., при образовании Туркеспублики, подал от своего рода декларацию 1-му Турк. съезду, был амнистирован и поселился в 150 вер. от Казанджика в песках; на предложение переселиться в культурную полосу отказался.

В 1927 г., в связи с углублением в Туркменистане басмачества, для которого Джунаид стал организующим центром, было решено принять меры к его ликвидации. Узнав об этом, Джунаид выступил сам, имел вначале даже некоторый успех, но к 28г. вынужден был скрыться в песках, откуда, преследуемый красными частями, прорвался в Персию. В начале 29г., после предпринятых против него персами операций, ушел в Афг. в район Герата, где был разоружен. Сейчас в Герате, при нем 20 дж.

Мамед Али, афганец, в начале 1927 г. организовал шайку в районе афганского Тарашека, с целью нападения на наши посты, но вследствие принятых афганскими властями репрессивных мер и противодействия населения налетам, шайка распалась. По последним данным, организовал для налета на нашу территорию в 25 джигитов.

Ахмедбай, Гулям Хак-Хан, по последним данным этими лицами в Кушкинском районе организованы шайки: первым в 30 джигитов и вторым в 25 джигитов для налетов на советскую территорию.

Рахман-Ниязовцы, аул эмигрантов сарыков, из Т. Базарского района, в районе Мургаба. Со времени ухода в Афганистан из состава этого аула неоднократно производились налеты с целью грабежа, и особенно в 28г. с целью содействия эмиграции сов. туркмен. в Афганистан.

Ишан Халифа, эмигрант, уроженец п. Кзыл-Аяка высшее духовное лицо среди туркменской эмиграции, пользуется значительным среди нее влиянием, живет в ауле Кзыл-Аяк в Шибирганском районе. До эмиграции руководил в период изгнания б. эмира восстанием в



Керкинском районе; в эмиграции – исполнитель директив б. эмира, вдохновитель басм. налетов вплоть до последнего времени. Принимает активное участие в движении против Амануллы.

Наубат Мирахур, туркмен эмигрант скотовод, проживает в кишл. Джалау-Гир, принимал участие в организации банд. шаек, в их снаряжении и т.д. Активно участвует в движении против Амануллы.

Аллаяр Бек, туркмен, проживает в Андх. районе. До эмиграции старшина среди скотоводов, эмигрировал в 23г., оперировал в Керкинском и Ленинском округах; нес охрану границы по поручению афг. властей. С 26г. непосредственного участия в налетах почти не принимает, участвует гл. образом, в формировании шаек. Пользуется авторитетом у афганцев и баев-скотоводов.

Сафар Паташ Джума, туркмен из Чарджуйского округа, эмигрировал в Афганистане, живет в Андх. районе в налетах участвовал с 1921г., но особенно в последние годы. Объединял до 100 джигитов; налеты совершает преимущественно на Чарджуйский округ. В марте с.г. прорвался вместе с Худайкулом, Паташем в районе Бассаги.

Давлет Сердар, из Керк. округа, эмигрант, проживает в районе Андхоя, участвовал в налетах Чары-Курука, Сафар Паташа и др. В 28г. пытался произвести налет совместно с Рахман-Ниязовцами из Меручака. В марте с.г. прорвался в районе Ширам-Кую с 70 джигитов. В результате столкновения с нашими частями понес большие потери.

Чары-Курук, из Пальварта, эмигрировал в 1920г., проживает в к. Джелаугир, участвовал в налете совместно с Чаян-сердаром (убит при налете на нашу заставу в 1926г.), Довли Сердаром, Уда Сердаром; был арестован афганвластями в 25г., но по ходатайству Ишан Халифа был освобожден.

Курбат Кон Учак, из Халач. района, эмигрировал в 1920 г. в к. Багаустан Андх. р.; басмач с начала эмиграции, нес охрану границ по поручению афганских властей, но за поборы со скотоводов снят.

Анна Сердар, Сары Робшан, Рустам Сердар, из Чарджуйского района, в эмиграции с 1920 г., совершили налеты, гл. обр. на Чардж. округ; последний за грабежи на афг. территории был арестован в 25г. афганскими властями, но за выкуп освобожден.

Анна Мурад Чапак в марте с 21 джигитами прорвался в район Ширам-Кую. Граница в Кара-Кумах была наиболее оживленной по деятельности бандшаек: в то время, как значительная часть курбашей, поселившихся в М.-Шерифском и Ханабадском районах, не принимала участия в налетах, район Андхоя – Меймене дал значительное число курбашей, как старых басмачей, так и новых; так, помимо перечисленных выше, в налетах последних лет участвовали еще: Анна Курбан Нанек (с шайкой, достигавшей 30 дж.), Аваз Сердар, Курбан Конучак, Абды Чартма (брат



Чоян Сердара), Халлы Бай, Деуча Сердар, Уда, Сердар, Джума Морган и пр.

Киргизская эмиграция (Памиры – Вахан)

Среди киргиз-эмигрантов враждебностью к соввласти выделяются киргизские баи:

Джаваркул Минбаши (эмигрант, б. басмач) и Тухтусун Хан (афганский киргиз), года 2 – 3 назад производившие обстрел поста Корпу Рабат и, по агентурным данным, связанные с англичанами. Кроме них, как возможного басмача, можно рассматривать и вновь эмигрировавшего в п.г. киргизского бая Ишанкула.

Ташкент, 28 апреля 1929.

Источник: Российский государственный военный архив, ф.25895, оп.2, д.3, л.77 – 83.



Хуршид Азимов

Шарқшунослик институти
таянч докторанти

Турон ва Хитой ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқалар (қадимги Усун ва Хитой мисолида)

Қадимги Турон ва Хитой ўртасидаги алоқалар бир неча минг йилга бориб тақалади. Жумладан, Хитой тарихида 400 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган хан сулоласи даврида (Han chao 汉朝 милoddан олдинги 206 — милодий 220) минтақамиз билан алоқалар анча ривожланади. Маълумки, милoddан олдинги II — I асрларда Шарқий Осиёда икки йирик давлат мавжуд эди. Буларнинг бири Чанъан (长安, ҳозирги Шиан 西安) шаҳрини марказ қилган ғарбий хан салтанати, иккинчиси Тангрибалиқ (Луонг чэнг / Longcheng 龙城) шаҳрини марказ қилган Хун салтанатидир. Бу икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатлар вақти-вақти билан кескинлашиб турган. Мазкур зиддиятлар қўшни давлатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Хан сулоласи ғарбий мамлакатларга нисбатан олиб бораётган сиёсатига тўғаноқ бўлган хунларга қарши турли чоралар кўрди. Айниқса, ғарбий хан ҳукмдори У-дининг (милoddан олдинги 140 — 87) ташқи сиёсати асосида нафақат хунларни, балки “ғарбий ҳудудларни идора қилиш” (“жингйинг” 经营) режаси ётарди. Ушбу мақсадга эришиш учун хан ҳукмдори бир қанча чора-тадбирларни амалга оширади. Бу сиёсат хитойлик олим Юй Тайшан томонидан нашр этилган тадқиқотда қўйидагича таърифланади¹:

1. Қуда-андачилик муносабатларини ўрнатиш (Лянйин 聯姻), яъни

¹Юй Тайшан. Лянхган вейжин нанбейчао юй Шиюй гуаншиши янжю (余太山. 两汉魏晋南北朝与西域关系史研究 Икки Хан, Вей, Жин, жанубий ва шимолий сулолаларнинг ғарбий мамлакатлар билан алоқалар тарихини тадқиқ қилиш). Пекин. 1995. 54 — 57-бетлар.

Хитой маликаларини ўзга давлат ҳукмдорига бериб, у билан иттифоқчи давлат бўлиш, кейинчалик иттифоқчи мамлакатни ўз назорати остига олиш.

2. Ҳарбий куч орқали хавф солиш (Вули вейшиэ武力威脅), яъни бунда бир қанча мамлакатлар билан ўз мақсади йўлида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш.

3. Ерларни ўзлаштириш (тун тян 屯田). Босиб олинган ерлар, жумладан, қуроқ ерларни ариқлар қазиб ўзлаштириш, деҳқончилик қилиш ва у ерларга ҳарбийларни жойлаштириш.

4. Совғалар ҳадя қилиш (лувей 賂遺), яъни Хитой томонидан ўзга давлатларга юборилган элчи ёки савдогарлар орқали маҳаллий буюмларни совға қилиш.

5. Гаров сифатида сарой вакилини (шаҳзода ва б.) бериш (начжи 納質). Бунда икки келишаётган мамлакат ўртасида турли манфаатлар учун юбориладиган “гаров”. Бундай келишувларда одатда шаҳзода ёки сарой “хабарчилар”и элчи сифатида юборилган. Баъзи ҳолларда “гаров”ларни юбориш ихтиёрий тарзда ҳам амалга оширилган.

6. Ёввойилар² қўли билан ёввойиларни бошқариш (ййи чжийи 以夷治夷), яъни кучли давлатни бўйсундириш учун бошқа бир қанча давлатларнинг ҳарбий кучидан фойдаланиш.

Мазкур чоралар асосида хан давлати юқорида таъкидлаб ўтилган “ёввойилар қўли билан ёввойиларни бошқариш”³ сиёсий усулига таяниб, Усун (қадимги ўқилишда Асуэн) давлатига нисбатан “қуда-андачилик дипломатияси”ни анча муваффақиятли амалга оширади. Хитой тарихчилари асарларида мазкур давлатга нисбатан олиб борилган дипломатиянинг асосий мақсади “хунларнинг ўнг қўлини ўзиш”дир, деб таърифланади. Бунинг тагида катта совға-саломлар бериш асосида Асуэн (Усун) давлатини ўз таъсирига тушириб олиш ва хунларга қарши ку-

² Қадимда Хитой давлати атрофида яшаган халқларга нисбатан салбий маъно берадиган иероглифлардан фойдаланишган. Жумладан, Хитой атрофидаги халқларни умумий ном билан Йи (Yi 夷) — ёввойилар деб аташган. Хитойнинг тўрт томонида Си йи (si yi 四夷) яъни шимол,ғарб,жануб ва шарқдаги халқларни шундай ном билан аташган.

³ Аслида бу сиёсий тактика Ғарбий Хан сулоласи ҳукмдори Вен-ди (文帝 мил.авв.179 – 156 йилларда тахтни бошқарган) даврида ишлаб чиқилган. Ҳукмдорнинг сиёсий масалалар бўйича котиби (публицист) Чао Цуо (晁錯 мил.авв. 200 – 154 йилларда яшаган) мил.авв. 164 йил ҳукмдорга берган маслаҳатида бу ҳақда айтиб ўтган. У Йингчуан 潁川 (ҳоз. Хэнань вилояти Юй уезди) да туғилган. Ёшлигидан Шенбухай, Шанянг легизм (қонунчи) таълимотини ўрганади. Ҳукмдор Вэн-ди даврида тайчанг чжанггу (太常掌故 қадимги анъанавий тизимидаги ҳикояларни билгувчи, сўровчи) лавозимига, Жинг-ди даври(景帝 мил.авв. 156 – 140 йилларда тахтга ўтирган)да юйши дафу (御史大夫 бош вазир маслаҳатчиси) лавозимига тайинланган. Ҳукмдорларнинг хунларга қарши урушларида бир қанча сиёсий тактикалар бўйича маслаҳатлар берган. “Йи йи жи йи” тактикаси шарқий Хан сулоласи даврида маъноси янада кенгайиб, “фен ер чжи чжи” (分而治之 бўлиб бошқариш) сифатида қўлланилган.



рашда ундан фойдаланиш амалиёти ётгани айтилган⁴.

Айрим хитой олимлари хан сулоласининг сиёсати ҳунларнинг Турон мамлакатлари билан алоқаларини узиш учун иттифоқчи излашдан иборат эди деса, бошқа бирлари хан салтанатининг ғарбий мамлакатлардаги кичик давлатларга элчилар жўнатиб, улар билан дипломатик алоқалар ўрнатиши, Хитойнинг ғарбий томонга кенгайишининг бошланиши бўлган дейди⁵. Лекин бирламчи Хитой манбаларида ғарбий хан сулоласининг “Ғарбий мамлакатлар” билан алоқа ўрнатишининг (тунг Шиюй 通西域) сабаби улар ўстидан ўз назоратини ўрнатиш (жингйинг 经营 – идора этиши) мақсадида аввалига “ҳунларнинг ўнг қўлини узиш”дан иборат эди, дейилади⁶. Бунинг учун ушбу сулола биринчи навбатда ишни Усун давлатидан бошлашни маъқул топган. Ушбу танловнинг сабабини билиш учун албатта мазкур давлатнинг қаерда жойлашганлиги, ҳолати ва ҳунлар билан қандай муносабатда бўлганига эътибор бериб кўришни лозим деб ўйлаймиз.

Н. Каримова тадқиқотида қисқача зикр этилишича, усунлар милoddан олдинги II асрда Дунхуанг ҳудуди атрофида яшаганлар. Кейинчалик рузиелар уларни ўзларидан шимоли-ғарбга, яъни Тангритоғнинг шарқи ва шимоли-шарқидаги Қумул (Хами) Баркўл (Баликун 巴里坤), Тинчжоу (廷州)⁷ ҳудудларига сиқиб чиқарадилар. Тахминан милoddан олдинги 160 йили Или водийсига кўчиб келиб, қудратли давлатга асос солади⁸.

Усунлар дастлаб рузиелар⁹(юежчи) билан бирга яшаганлар. Улар яшаган Дунхуанг ҳудуди масаласида А. Хўжаев хан даврида ёзилган манбаларда келтирилган айрим иероглифнинг топонимик камчилигидан келиб чиқиб, ўша даврда рузиелар яшаган Дунхуанг ҳозирги Гансу ўлкасида эмас, балки Урумчига яқин Бўғдатоғ атрофида жойлашганига алоҳида урғу беради. Бундан ташқари, уларнинг рузиелар билан яшаган илк ҳудудларига Шарқий Туркистоннинг Урумчи ва Қорашар вилоятла-

⁴ Хе Маочун. Чжунгуо вайжяо тунгши (何茂春. 中国外交通史 — Хитой дипломатиясининг умумий тарихи). Пекин. 1996. 118-бет.

⁵ Юй Йингши. Хандай маойи юй куочжанг (余英时. 汉代贸易与扩张 — Хан сулоласи даврида савдо-сотик ва унинг кенгайиши). Шанхай. 2005. 22-бет.

⁶ Лянгхан вейжин нанбейчао юй Шиюй гуаншиши янжю. 51-бет.

⁷ Тинчжоу ҳозирги Шинжян Уйғур мухтор ўлкасининг маркази Урумчи шаҳрига тўғри келади. (Қаранг: А. Ходжаев. Из истории древних тюрок (Сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. С. 147.)

⁸ А. Ходжаев, Н. Каримова. Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). Ташкент: 2018. С. 174.

⁹ Қадимги хитой манбаларида юэжчи сўзи аслида давлат ва унинг аҳолиси номи сифатида ишлатилади. А. Хўжаевнинг аниқлашича, ушбу атама Ўғуз-ер, яъни ўғузлар замини сўзидан трансформация қилинган. [Из истории древних тюрок (Сведения древнекитайских источников). С. 122 – 141].



ридаги Тангритоғнинг (Тяншан) шарқий қисмидан то Хуанхе дарёсининг юқори оқимидаги Гансу ва Чинхай ўлкалари кирган¹⁰. Усун давлатининг пойтахти Қизилқўрғон шаҳри (Чигу чэнг / Chigu cheng 赤谷城) ҳисобланган. Ушбу шаҳарнинг ҳозирги аниқ жойи бироз баҳсли бўлиб, айрим тадқиқотларда у Иссиққўлнинг жанубий қирғоғида жойлашган¹¹ дейилса, айримларида Норин дарёсининг юқори қисмидан жануби-шарққа томон 15 км нарида жойлашган дейилади¹². Бундан ташқари, Япония олимларидан М. Хисао ҳам хитой манбалари бўлмиш «Ханшу» (Хан [сулоласи] тарихи) ва «Вейшу» (Вей [сулоласи] тарихи)да келтирилган, Хитой пойтахтлари Чангъан ва Дай шаҳарларидан Чигу шаҳригача бўлган масофага оид бир-бирига зид маълумотларни келтириб ўтган. Бундан ташқари, олим Чигу шаҳри Иссиққўлнинг шарқий томонида, Норин дарёси бўйида жойлашганлигини қайд этади¹³.

Ўша пайтлари усунлар ҳукмдори Нандоуми хунларнинг ғарбида давлат ташкил этган. Рўзиелар уларга ҳужум қилиб ҳукмдорни қатл этиб, ёш валиахдни далага ташлаб кетади¹⁴. Орадан анча вақт ўтиб хунлар болакайни “тангри ўзи асрабди”, деб уни катта қилиб, отаси давридаги фуқароларини бериб ҳарбий лавозимларга тайинлайдилар. Кейинчалик у ўз қўл остига бир неча юз минг қўшин тўплаб, ўз одамларини олиб узоққа кўчиб жойлашган ҳамда хун ҳукмдорига итоат қилишдан бош тортган. Хунлар уларга қарши ҳужум қилиб енга олмаганлар ҳамда уларни узоқдан, куч ишлатмасдан назорат қилишга ҳаракат қилганлар. Хан сулоласи бундай вазиятдан унумли фойдаланиб, усун ҳукмдори Кунмакни¹⁵ (гунмо шахс номи эмас, унвон бўлиб, замонавий ўқилиши:

¹⁰ Там же. С. 156 – 157.

¹¹ Ю.А. Зувев. К вопросу о взаимоотношениях усуней и канцзюй с гуннами и Китаем (во второй половине 1 века до нашей эры) / Известия Академии наук Казахской ССР, выпуск 2(5). Алматы. 1957. С.65

¹² А. Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар (大宛 宛城): Фарғона. 2013. 236-бет.

¹³ Мацуда Хисао. Гудай Тяньшань лиши дили сюэ янжю (松田寿男. 古代天山历史地理学研究 — 祁连山 Тангритоғнинг тарихий жуғрофиясига оид тадқиқот). Пекин. 1987. 229-бет.

¹⁴ Мазкур жумлани Су Бейхай таҳлил қилиб «Шижи» (Тарихий хотиралар)да келтирилган “Хунлар усунларга ҳужум қилиб ҳукмдорни қатл этади...”ни хато ёзилган дейди. «Ханшу» (Хан сулоласи тарихи)да эса “Юэчжилар усунларга ҳужум қилиб ҳукмдорни қатл этади...” дея қайд этилган. Унинг фикрича агар хунлар усунларга ҳужум қилиб унинг ҳукмдорини қатл этган бўлса қандай қилиб ҳукмдорнинг ўғлини асраб олиши мумкин? Шу боисдан «Шижи»да келтирилган маълумот хато дея изоҳлайди (Қаранг: Су Бейхай. Шиюй лиши дили (Ғарбий мамлакатлар тарихий географияси). Урумчи. 1988. 3-бет.). Агар юқоридаги матнда келтирилган Усунларнинг жойлашган ҳудуди ва давлатчилиги ташкил топишига оид маълумот бўйича қарасак ҳақиқатдан «Ханшу»даги жумла мантиқан тўғри ҳисобланади. Шунинг учун биз «Ханшу»даги маълумотни олдик.

¹⁵ Мазкур атама Усун ҳукмдорларининг исми эмас, балки унинг титули ҳисобланади (Қаранг: Чжунгуо лиши дацидьян чжунг (中国历史大辞典中 Хитой тарихининг катта луғати 2 жилд). Шанхай. 2007. 1381-бет.). Бундан ташқари улар осмон, ер, кун ва ойга сиғинган. Тахтга ўтирган ҳукмдорлар «Кунмо» деб аталиб, унинг луғавий маъноси “Ер юзини қуёшдек бошқариш, идора этиш”-



кунмо 昆莫 / кунми 昆弥) катта совғалар билан ўз таъсирига олишга ҳамда “қуда-андачилик сиёсати” асосида хунларга қарши иттифоқчи сифатида чорлайди. Ҳатто бу хусусда олдин Туронга юборилган элчи Чжанг Чяннинг хан ҳукмдори У-дига Баҳди томондаги вазият ҳақида маълумот бериш билан бирга маслаҳат сифатида фикр ҳам билдирган. Бу ҳақда манбада шундай ёзилган:

“...Ёввойилар хан [мамлакатининг] молларини яхши кўради. Агар шундай бир вақтда Асуэнга (Усун) кўп пул ва қимматбаҳо совғалар юбориб, шарқдаги Ғуэнга (Хуня)¹⁶ юртига кўчиб келиш ва Кунмакни хан [сулоласи] билан ака-укалик муносабатларини ўрнатишга даъват этсак, у албатта қулоқ солади. Агар у биз ўйлагандек иш тутса, [биз] хунларнинг ўнг қўлини чопиб ташлаган бўламиз. Асуэн (Усун) билан бирлашиб олсак, унинг ғарбидаги Баҳди (Даҳя / Дашя) каби давлатларнинг ҳаммасини ўз томонимизга тортиб, уларни ташқи фуқароларимизга айлантира оламиз”¹⁷.

Ушбу маълумотдаги “ташқи фуқароларимиз” тушунчаси ўзида 91000 дан ортиқ сўзни жамлаштирган “Сўзлар денгизи” лугатида “қадимда Хитой давлати томонидан ўзга давлатни тобе билиб, уларнинг бошлиқларини (амалдорларини) “вай чен” (外臣) деб аталган. Хан сулоласидан олдинги даврларда Хитойдаги майда кенасликлар бир-бирларини «вайчен» деб аташган¹⁸. Ўша даврда Хитой ҳукмдорлари ўзларининг анъанавий тафаккурида дипломатик алоқалар олиб борган давлат бошлиқларини “ташқаридаги амалдорларимиз”, деб билган. У-дининг ғарб давлатларидаги сиёсати асосан Чжанг Чяннинг маслаҳатлари ва саёҳат ҳисоботларига таянган эди. Қолаверса, Усун билан иттифоқчилик мақсадлари олдин Баҳдидаги (юэчжилар) давлати билан амалга оширилиши керак эди. Аслида, Хитой хоқони У-ди олисдаги Баҳди подшолиги билан муносабат боғлаб, ғарб мамлакатларини бўйсундиришни кўзда тутар эди, дейди тарихчи А. Айтбоев¹⁹.

дир. Ундаги «Кун» туркий тилда “қуёш” маъносини беради. Мазкур сўзга қўшилган (Ми 弥, бо 伯, мо 莫) эса “ҳукмронлик қилиш, бошқариш” маъносини ифодалайди. Қадимги усунлар ҳудудидаги қабрлар атрофи қуёш ёки ярим ой шаклда тош билан ўралиб, ой ёки қуёш белгиси асосида қилинган. (Қаранг: Су Бейхай. Шиюй лиши дили (苏北海. 西域历史地理 — Ғарбий мамлакатлар тарихий географияси). Урумчи. 1988. 6-бет.)

¹⁶ Ғуэнъя 浑邪 / wūn-ya, Ғуэнжя / wūn-jia/ деб ҳам ўқилади, зам. ўқ. Хунъя / Hunxie / , Н.Я. Бичурин таржимасида Хуньше) — хунлар хоқонининг исми.

¹⁷ Фарғона тарихига оид маълумотлар. 2013. 44-бет. Мазкур хитойчадаги маълумотлар манба Шижи (史記 / 史记 — Тарихий хотиралар) // Эршиси ши (24 тарих). 1-жилд. Шангхай. 1963. 3168-бет.

¹⁸ Циҳай (辞海 — Сўзлар денгизи). Шангхай. 1979. 827-бет.

¹⁹ Абдуҳолиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан (Хитой манбаларида Фарғона ҳақида илк маълумотлар). Тошкент. 2002. 24-бет.



Юқоридаги келтирилган маълумот бўйича, Усун давлатига нисбатан олиб борилган сиёсатдан ўрта асосий мақсад кўзланган. Биринчидан, Усун ҳукмдорига қимматбаҳо совғалар бериш; иккинчидан, ўларни илгари яшаган ҳудудларига қайтариш. Учинчиси эса, усунлар билан қудачилик ришталарини боғлаб хунларга қарши иттифоқчилик тузиб, биргаликда курашиш ҳамда ўлар орқали ғарб давлатларига элчилар жўнатиб, ўларни хан салтанатининг сиёсий таъсирига туширишдан иборат бўлган.

Шу ўринда учинчи мақсадга қўшимча изоҳ бериш жоизки, хан ҳукмдори Усуннинг ғарбида жойлашган бир неча мамлакатларни ўз таъсири остига киритиб, ўларнинг ерларига эга бўлишни ҳам кўзлаган эди.

Император элчининг маслаҳатларидан хулоса чиқариб, ўз фикрини қуйидагича баён этган:

“...Буюк Фарғона (Дайюан), Баҳди (Дайғи / Дашя), Парфия (Ансиек, Анши) йирик давлатлар экан, қимматбаҳо нарсалар кўп, Хитойга (Чжунгуо) ўхшаб, деҳқончиликка асосланган экан, лекин қўшинлари заиф, хан [давлати]нинг нарсаларини яхши кўрар экан, ўларнинг шимолидаги Улуғ Ғузёр (Дай рузие / Да юэчжи) ²⁰ ва Канкия [давлатлари]нинг қўшинларини ўз манфаатимиз йўлида ишга солишимиз мумкин экан, агар шундай бўлса, ерларимизни камида 10000 ли (5760 км) наригача кенгайтириш, таржимонлар орқали [махаллий] халқларнинг ўрф-одатларини ўзгартириш, меҳр-шафқатимизни тўрт денгиз (океан) оралиғига тарқатиш мумкин бўлади, деб ўйлаб қолди”²¹.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун, хан сулоласи Чжанг Чяни Да юэчжи (Улуғ Ғузёр, Улуғ Ўғузия), Буюк Паркана (Дай юан / замонавий ўқилиш: Даван) давлатларига жўнатиб, иттифоқчилик шартномаси тузиши, [хан] маликаларини Усун ҳукмдорига турмушга чиқиши, хунларнинг ғарбдаги иттифоқчиларидан ажратиб қўйишни эса ўларнинг “ўнг қўлини ўзиш” режаси кўзланган эди. Бу режалар шундан далолат берардики, Хитой давлатининг сиёсий мақсади хунларни батамом усунлардан ажратиб ташлаш, бошқа бир томондан усунлар билан

²⁰ «Да-юэчжи» (Катта ёки Буюк юэчжи) этноними мил.авв. II асрда пайдо бўлган. Мил.авв. 176 – 174 йилларда хунлар билан юз берган урушда мағлуб бўлгандан сўнг Шарқий Туркистондаги Юэчжи давлати (Ўғуз ер, қисқача Ўғузия – ўғузлар ери) аҳолисининг катта қисми Амударёнинг жанубий қирғоқларига кўчиб боради ва хоз. Афғонистоннинг шимолидаги Балхда жойлашган Bala-Hisat шахрини марказ қилиб янги давлатга асос солишади. Хитой манбаларида ушбу давлатнинг номи «Да-юэчжи гуо» (大月氏国, қад. ўқ. Дай-разуе куэ – Буюк ўғузлар давлати), унинг асосчилари эса да-юэчжи (大月氏, қад. ўқ. дай-рузие – буюк ўғузлар) деб аталган. Юз йилдан сўнг мазкур давлат Кушон давлатига айланган. (А. Ходжаев. О трансформации «юэчжи» из топонима в этноним // O'zbekiston tarixi. 2005. № 1. С. 3 – 14; Из истории древних тюрков. С. 142 – 155, 180 – 198).

²¹ Қадимги Фарғона тарихидан (Хитой манбаларида Фарғона ҳақида илк маълумотлар). 41-бет.



ички сиёсий яқинликни таъминлаб ўз назорати остига олиш эди.

Шу билан бирга, хан саройи томонидан ғарбга жўнатилган элчиларнинг хавфсизлиги таъминланмаган эди. Хукмдор У-ди Усун давлати билан яқинлашиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳам мақсад қилган эди. Чунки ушбу даврда Хун хукмдори Тангриқут номидан юборилган элчилар ғарбда Усун давлатидан то Парфия (Ансиек / Анши) давлатига қадар эркин дипломатик фаолият юргизардилар. Фикримизнинг тасдиғи сифатида Мацуда Хисаонинг фикрига мурожаат қилиш мумкин. Унга кўра, ўша даврда хунларнинг элчилари Усун юртидан ғарб томондаги Парфиягача бўлган ҳудудни назорат қилар эди. Хунлар билан душманлашиб қолган хан сулоласи бу олис юртларга юборилган элчиларининг хавфсизлигини таъминлай олмас эди²².

Хан хонадони усунларни ўзларига яқинлаштириш мақсадида улар хукмдори ҳузурига элчи юборишни лозим топади. Бу вазифа юкланган Чжанг Чянга милoddан олдинги 119 йили катта совғалар олиб, 300 кишидан иборат ҳамроҳлари билан Усун давлатига боради. Хан саройи томонидан у иккинчи марта ғарбий мамлакатларга элчи қилиб юборилиши эди. Усунлардаги ички низолар сабабли Чжанг Чяннинг ғарбий сафари муваффақиятсизлик билан якунланади. Ўзи эса 114 йили вафот этади.

Лекин Усун мамлакатига борганда, Чжанг Чян одамларини Буюк Фарғона (Дай-юан / Даван), Кангкия (Кангжюй), Улуғ Ғузёр (Дай рузие / Да юэчжи), Баҳди (Дайғиа / Дашя), Ансиек (Анши, Парфия), Ҳиндистон (Шэнду), Хўтан (Ғивадян / Юйтян), Жанмией (Ханми) каби давлатларга юборган эди. Улар борган юртлари ҳақида хан хукмдорини ҳурсанд қиладиган маълумотлар олиб келганлар.

Кўплаб хитой асарларида Чжанг Чяннинг айнан шу сафаридан сўнг илк марта у “ғарбий мамлакатларга” йўл очди деб қаралиб, Буюк Ипак йўлини бошланишини ҳам шу элчининг мазкур тадбири билан боғлайдилар. Аслида, у хан хонадони учунгина Туронга йўл очиб берганди, холос. Унгача ҳам қадимги Хитой билан унинг ғарбий томонидаги мамлакатлар орасида алоқалар мавжуд бўлган ва улар Шарқий ва Ғарбий Туркистон савдогарлари воситачилигида амалга оширилган.

Кейинчалик У-ди совғалар билан бирга Хитой маликаларини Усун хукмдорига бир неча марта хотинликка жўнатади. Хан сулоласи Хитой маликаларидан туғилган болаларни тахтга чиқиш масаласига катта эътибор берарди²³. Милoddан олдинги 101 йили У-ди Фенг Ляо (冯嫪)

²² Гудай Тяншан лиши дили сюэ янжю. 31-бет.

²³ Ли Чяо. Чжунгуо лидай вайжяожяо лиечжюан (李樵. 中国历代外交家列传 — Хитой тарихида-



исмли аёлни расмий элчи этиб Чу вилояти ҳокимининг набираси малика Жие Юга (解忧) ҳамроҳ қилиб, соқчилар (Шичже侍者) билан бирга Усун ҳукмдори ҳузурига жўнатади. Фенг Ляо қадимги Хитой тарихида ўзга юртга юборилган илк аёл элчи саналади. Малика Жие Ю Усун ҳукмдори Венг Гуйми билан 30 йил бирга яшайди ва ундан 5 фарзанд дунёга келади.

Унгача милoddан олдинги 107 ёки 105 йили Жангду ҳокими, ҳукмдор хонадонидан бўлган Лю Жингнинг қизи Лю Шижюнь (刘细君) жўнатилган эди. Усунлар юртида ушбу малика саройдаги айрим ишларни кўзатиш ва хан саройига маълумот юбориб туриш билан шуғулланган. Жўнатилган хабарларининг бирида Хун ва Чеши (车师 - Турфан) давлатларининг бирлашган қўшинлари Усунга ҳужум қилиши ҳақидаги маълумот ҳам бор эди.

Ушбу маълумот Чанганга етиб келгунча ҳукмдор Чжао-ди вафот этиб (милoddан олдинги 74), унинг ўрнига Шюан-ди (милoddан олдинги 73 – 49) келган. Хитой маликаси Усун ҳукмдори номидан бу ҳақда яна маҳаллий элчи орқали хат жўнатади²⁴. Шунга биноан, хан саройи келган элчи кетидан милoddан олдинги 72 йили Чан Хуэй (常惠) исмли ҳарбий амалдорни элчи сифатида Усун давлатига юбориб, ёрдам беришга тайёр эканини билдиради. Натижада, милoddан олдинги 71 йили хан салтанатининг 150000 ва усунларнинг 50000 отлик қўшини хунлар билан турфонликларнинг бирлашган ҳужумига ғарбий ва шарқий томондан қаршилиқ кўрсатади. Усунлар ғарб томондан ҳужум уюштиришлари натижасида катта бойликни қўлга киритадилар.

Хитой олими Юй Тайшан бу ҳақда сўз юритиб, хан хонадони У-ди давридан бошлаб кўзланган мақсадга усунлар билан қуда-андачилик муносабатини ўрнатиш, иттифоқлашиш дипломатиясини амалга ошириш билан эришди. Шунинг учун, бу гал хан саройининг “ёввойиларни ёввойилар қўли билан бошқариш” услуби яхши натижа берди, дея баҳолайди. Шу билан бирга, бу масалада олим милoddан олдинги 71 йилдаги воқеадан кейин усунлар хан сулоласининг сиёсатига шубҳа билан қарамайдиган бўлдилар, бу воқеа эса хунларнинг ғарбий мамлакатлар устидан ўрнатган назоратини йўқотишга ва хан сулоласининг бу мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришига имкон яратди, деб таъкидлайди²⁵.

ги дипломатлар баёни). Пекин. 1995. 77 – 79-бетлар.

²⁴ Л.А. Боровкова. Царства “западного края” во II – I веках до н. э. (Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шу»). Москва. 2001. С. 254.

²⁵ Юй Тайшан. Шиюй тунгши (余太山. 西域通史 — Ғарбий мамлакатлар тарихи). Чженгчжоу. 1996. 54-бет.



Қолаверса, шу воқеадан сўнг ғарбий мамлакатларда Усун давлатининг таъсири кучаяди. Хан ҳукумати бундан фойдаланиб, ушбу мамлакатларда ўз мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилади. Бундай имкониятнинг юзага келишида усунлар ичида Хитой маликаларининг ҳаракатлари, хитойпараст гуруҳларнинг шаклланиши муҳим аҳамият касб этганди²⁶.

Юқоридаги масала бўйича яна бир хитойлик олим Ли Чяонинг ёзишича, милoddан олдинги I асрга келиб, ҳунларнинг хан сулоласига нисбатан кўрсатган босими анча камайган эди. Шундай вазиятда хан сулоласининг ҳунларга қарши ҳаракати эса аксинча кучаяди. Айниқса, ҳунлар ишонган ғарбий қўшни давлат ҳисобланган Усун хонлиги ҳукмдори билан “қуда-андачилик” қилиш сиёсати натижасида хан хонадони “ҳунларнинг ўнг қўлини узиш” имкониятига эга бўлди, дея таъкидлайди²⁷.

Ҳунлар тарихини чуқур тадқиқ қилган олим Лин Ган асарида баён этилишича, хан сулоласи ҳунларни ҳар тарафлама алоқаларини узиб ташлашга ҳаракат қилган. Биринчи навбатда, уларнинг шарқий ҳудудларида яшаган ва ўзларини вухуан (wuhuan 乌桓)²⁸ деб атаган уруғларни Ҳун хоқонига қарши қўяди. Мазкур ҳолат эса ҳунларнинг “чап қўлини узиш” билан баробар бўлганди.

Қозоғистонлик олим Ю.А. Зуевнинг қайд этишича, хан саройи Усун давлати пойтахти бўлмиш Қизилқўрғон (Чигу) шаҳрига бир неча маротаба қимматбаҳо бўюм, мато, ун, қурол ва бошқаларни юборган. Айни шу даврда, шубҳасиз, Қизилқўрғоннинг (Чигу) Хитой билан савдо алоқалари кучайган. Лекин бу алоқалар кейинчалик Усун ҳукмдорларининг Хитой таъсирига тушиб қолишларига олиб келади. Милoddан олдинги I асрнинг 60-йилларида Усун ҳукмдори фақат хан саройининг розилиги билан сайланган ва тайинланган²⁹. Олимнинг мазкур фикрлари ҳақиқий сиёсий жараёнга бироз яқиндир.

Аслини олганда, хан сулоласи ҳукмдорлари элчилар келтирган маълумотлар орқали атрофида яшаган халқлар ва улар ҳукмдорларининг саройидаги урф-одат ва анъаналари, уларнинг заиф томонларини яхши

²⁶ Царства “западного края” во II – I веках до н. э. (Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шу»). С. 258.

²⁷ Ли Чяо. Чжунгуо лидай вайжяожя лиечжун. 76-бет.

²⁸ Вухуан (Вуван 乌丸 тарзда ҳам ёзилади) — қадимги шарқий гузларнинг бир тармоғи ҳисобланади. Улар ҳоз. Ички Мўғулистоннинг Чифенг шаҳри атрофи, Шангу, Юйянг, Ёубейпинг, Ляоши, Ляодунг вилоятлари ҳудудларида яшаганлар. (Қаранг: Чжунгуо лиши дацидян (Хитой тарихининг катта луғати). Шанхай. 2007. 3-жилд. 2824-бет.)

²⁹ К вопросу о взаимоотношениях усуней и канцзюй с гуннами и Китаем (во второй половине I века до нашей эры). С. 65.



ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Усун ҳукмдорларининг кўп хотинлик бўлиши, хитой маликаларини хотинликка олиб, улардан фарзанд кўришдан воз кечмаганидан яхши фойдаланишган.

Ҳунлар ва усунлар одатига кўра, ҳукмдор вафот этса, хотинига унинг ўкаси ёки бошқа хотинидан бўлган ўғли ўйланиши мумкин бўлган. Усунларнинг бу одати маълум даражада ҳунлар одатига ўхшаган эди. Масалан, «Шижи»нинг 110-бобида ҳунларда отаси ўлса, ўғли ўғай онасини, акаси ўлса, ўкаси янгасини, ўкаси ўлганда эса, акаси ўкасининг хотинига ўйланади, деган маълумотлар келтирилади³⁰. Бу анъана У-дининг уларга нисбатан олиб борган “қудда-андачилик” дипломатиясига анча мос келган. Яъни Хитой маликаларидан туғилган шахзодалар орқали уларнинг ҳокимиятини издан чиқариш, назорат қилиш ва батамом қўлга киритишдан иборат эди. Чунончи, Усун ҳукмдори Венг Гуймига хотинликка юборилган Жие Ю бошқа маликаларга қараганда Хитой фойдасига анча фаол бўлган. Чунки усунлар ҳукмдори унинг мавқеини юқори белгилаб қўйган ва у бундан яхши фойдаланган. Бир пайтлар хитой маликаси Лю Шижюнь усунлар ҳукмдорига юборилгандан сўнг ҳунлар бундан хавотирланиб ҳун маликасини ҳам усунлар ҳукмдорига жўнатган эдилар. «Ханшу»нинг 96-бобида қайд этилишича, ҳукмдор хан маликасини ўнг қўл малика (ю фурен 右夫人)³¹, яъни биринчи малика, ҳун маликасини эса чап қўл малика (зуо фурен 左夫人)³², яъни иккинчи малика этиб белгилайди³³. Қадимги хитойлар анъанасига кўра, амалдорлик даражаси ёки мартабаси ҳақида гап кетганда “ю” (右) сўзи баланд, катта, биринчи маъноларда ишлатилган.

Россиялик Л.А. Боровкова мазкур тушунча ҳақида тўхталиб, ўнг қўл маликани (ю фурен) “кичик хотин”, чап қўл маликани (зуо-фурен) эса, “катта хотин” дея, қайд этганини урғулаш жоиз. Эҳтимол, унинг бу фикри чап қўл юракка яқин бўлганидан келиб чиққандир.

Усунларда мавжуд бўлган анъанага биноан ҳукмдорнинг катта хотини – хитой маликасидан туғилган фарзанд “тахт вориси” деган тушунчага алоҳида урғу берилган. Венг Гуйми даврида мамлакат анча тараққий

³⁰ А. Хўжаев, А. Айтбаев, Ш. Қўлдашев, Ф. Джуманиёзова. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. Тошкент. 2016. 145-бет.

³¹ Ёу (右) қадимда нисбатан баланд, катта мартаба маъносини ифодалайди. Ю-фуренни катта малика, катта хотин деб таржима қилса бўлади. Қаранг: Циҳай (辞海 Сўзлар денгизи). Шанхай. 1979. 156-бет.

³² Зуо (左) қадимда ўрин, мавқе жиҳатдан “ю”га нисбатан қўйи, паст маъноларини ифодалайди. Зуофуренни эса кичик малика, кичик хотин деб таржима қилса бўлади. Қаранг: Циҳай (辞海 Сўзлар денгизи). Шанхай. 1979. 155-бет.

³³ Бан Гу. Ханшу (班固. 汉书 / 汉书 – Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 2-жилд. Шанхай. 1962. 3903-бет.



этган бўлса-да, лекин у милoddан олдинги 64 йили сарой анъанасини бузиб, тахт вориси қилиб хитой маликасиdan туғилган Юан Гуймини тайинлайди. Л.А. Боровкова бу масала ҳақида сўз юритиб, бу ҳолатнинг сабаби номаълум қолганини таъкидлаган³⁴. Аслида, усун анъанасига биноан ҳукмдорнинг катта хотинидан туғилган ўғил тахт вориси деган тушунча мавжуд бўлмаган. Улар учун усун авлодига мансуб наслнинг давомчисини тайинлаш энг муҳим эди. Қолаверса, тахтга ҳукмдор Жюнь Шюмининг хун хотинидан туғилган меросхўри Ними тайинланган бўлиб, ҳатто Венг Гуйми даврида Жюнь Шюмига Нимини тахт меросхўри, дея ваъда ҳам берган эди³⁵. Венг Гуйми вафот этгандан сўнг сарой анъанасига биноан Ними хитой маликаси Жиэ Юга уйланиши керак эди, лекин унинг ҳукмдорга нисбатан муносабати илиқ бўлмагани учун ўғли Юан Гуймини тахтга чиқишини қўллаб-қувватлайди ва саройда ички низо бошланади. Табиийки, бу ҳолатда ҳокимият ичида хун, усун авлоди ва хитой авлоди гуруҳларга ажралади. Кейинчалик Ними вафотидан сўнг тахтга Венг Гуймининг бошқа хун хотинидан туғилган Ву Жюту (烏就屠) даъво қилади. Ўша пайтда Юан Гуйми тоғасининг қизи хан ҳукмдори хонадонидан Сяньфуга уйланиб, унга бир қанча совға жўнатиб, ҳатто унга усун тилини ўргатади³⁶. Бу масалани Хитой тадқиқотчиларининг асарларида ҳукмдор Шюан ди вазиятни батафсил билиш учун Усун давлатида узоқ вақт турган элчи Фенг Ляони Чанганга чақиради, кейин мазкур ҳолат юзасидан яна элчига қўшиб Чжу Ци (竺次), Ган Яншоу (甘延寿) исмли ёрдамчи элчиларини жўнатади, элчи Усун амалдорлари ва Ву Жютун Чигу шахрига чорлаб, Юан Гуймини катта кунмо (кунбей), Ву Жютун эса кичик кунмо этиб белгилашга чақиради ҳамда хан ҳукмдори муҳрини ҳадя этади³⁷, деб ёритилади. Албатта, хан сулоласининг усунлар билан никоҳга асосланган бундай дипломатияси унинг шимолий ва ғарбий сиёсати учун ҳар тарафлама фойдали бўлган. Шу бонисдан, то хунларни батамом йуқ қилгунига қадар доим У-дининг асосий сиёсати уларга қарши курашишга қаратилган эди. Бундан ташқари, Усун давлати геосиёсий жиҳатдан ипак йўлининг шимолий тармоғида жойлашгани ҳамда ҳарбий жиҳатдан анча кучли бўлгани сабаб, хан ҳукумати унинг кучсизланишидан манфаатдор бўлмаган. Аксинча, унга барча ёрдамни бериб, шимолда ва ғарбда хунларга қарши тўсиқ вазифасида фойдаланган.

³⁴ Царства "западного края" во II – I веках до н. э. (Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шү»). С. 253 – 255.

³⁵ Там же. С. 266.

³⁶ Там же. С. 267.

³⁷ Чжунгуо лидай вайжяожя лиечжуан. 79-бет.



Хан саройи Хитой маликаларидан туғилган фарзандлар орқали нафақат Усун давлати, балки унинг жанубида бўлган бир қанча кичик давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жумладан, Кўча давлати (Гуйзигуо 龟兹国) ҳукмдори усун ҳукмдори Венг Гуймининг хитойлик хотинидан туғилган Дишига (弟史) уйланган эди. Бундан ташқари, хан саройи Ёркенд давлатидаги (Шаче 莎车国) ички низодан фойдаланиб, уни ўз таъсирига олишга ҳаракат қилади. Хан давлати бундай сиёсат орқали Такламакон чўлининг жанубий ва шимолий ҳудудларидан ғарбга борадиган йўللарни ўз таъсир доирасига киритишга ҳаракат қилади. Айни шу даврда, у асосий йўл Помир тоғи орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлини ривожлантиришдан анча манфаатдор эди. Турондан ўтган мазкур йўл қадимги Хитойни ғарбий Осиё ва Европа билан боғлаган.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозимки, биринчидан, хан сулоласи қадимий Хитойда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олганидан кейин ўз эътиборини ғарбий томондаги мамлакатларга қаратади. У ерларга элчилар жўнатиб, дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга интилиш билан бирга, улар орқали Турон ўлкаларидаги вазиятни, айниқса, ўзига қўл келадиган заиф жойларини топишга ҳаракат қилган. Иккинчидан, хан давлати ўз таъсир доирасини кенгайтириш йўлига тўғаноқ бўлган ҳунлар давлатини батамом йўқ қилиш мақсадида ўзига иттифоқдош излайди. Бу борада Усун давлати ҳукмдорлари қўл келади. Уларга нисбатан совға саломлар ва хан маликаларини юбориб, “қуда-андачилик дипломатияси”ни қўллаб кўради. Ушбу амалиёт натижа бера бошлагандан сўнг хан сулоласи

усунлар ҳукмдорларини ҳунлардан ажратиб олиш ва бутунлай алоқаларини узиш, мазкур давлатни иттифоқдош мамлакатга айлантириб, у орқали қўшни юртларга хан салтанатининг сиёсий таъсирини ўтказишга ҳаракат қилган. Учинчидан, хан саройи Хитой маликаларидан туғилган шахзодаларни Усун давлати тахтига ўтказиб, уларнинг қўли билан мазкур давлатни Хитойга “тобе” қилиш сиёсатини амалга оширган.



Хуршид Азимов

Политико-дипломатические отношения между Тураном и Китаем (на примере древней Усунь и Китае)

Данная статья посвящена изучению сведений самых ранних китайских источников о связях Турана с Китаем. В частности, во времена династии Хань, которая управляла Китаем более 400 лет, она имело политические и дипломатические отношения с западным государством Усунь.

После того, как династия Хань укрепила свои позиции в древнем Китае, она обратила внимание на страны на его западной стороне. Помимо отправки послов в эти страны, она стремилась установить с ними дипломатические отношения, пытаясь через них выяснить ситуацию в странах Турана, особенно слабые места, которые можно было использовать в политике.

Государство Хань ищет союзника, чтобы полностью разрушить государство Хуннов, который был препятствием для расширения его сферы влияния. На помощь пришли правители Усуньского государства. Он шлет им привет и ханских принцесс в подарок, поддерживая «родственную дипломатию». Эта тактика начала приносить свои плоды. Произошло отделение правителей усуней от хуннов и полный разрыв связей, превращение этого государства в союзное государство, через которое оно стремилось навязать политическое влияние империи Хань на соседние страны.

В результате отношений Китая с Западом, престол Усуньского государства стали занимать принцы, рожденные от китайских принцесс, и через них проводилась политика «подчинения» Усуньского государства Китаю.

Ключевые слова: Турон, Китай, политико-дипломатические отношения, династия Хань, государство Усунь, китайские принцессы, «родственная дипломатия», Великий шелковый путь, пустыня Такламакан

Khurshid Azimov

Politico-diplomatic relations between Turan and China (on the example of ancient Usun and China)

The article analyzes written information about the relationship between ancient Turan and China mentioned in the earliest Chinese sources. In particular, during the Han dynasty, which ruled China for more than 400 years, it maintained several of political and diplomatic relations with Usun state.

The Han dynasty pursued kinship diplomacy with Usun kings to govern the western territories and to find an ally against the Hun's empire.

Having consolidated its rule in China, the Han dynasty drew its attention to the western countries. Besides sending ambassadors to those lands, Han rulers sought to establish diplomatic relations with them, trying to examine the situation in Turan countries by them, particularly weak points that could be exploited.

The Han state was attempting an ally to destroy the Hun state, which was a threat to expand the area of influence. The rulers of Usun state were helpful in this regard. They were sent gifts and even Chinese princesses were ones sent as gifts and to support "Kinship diplo-



macy". When this practice had had positive results, the Han dynasty tried to isolate the Usun rulers from the Huns and completely to sever ties between them, turning the country into an allied country, thereby transferring the political influence of the Han empire to neighboring countries.

As a result of China's relations with the "Western countries", the Han dynasty enthroned the princes born by Chinese princesses in the Usun state and pursued a policy of "suzerain" the country to China.

Keywords: Turan, China, political and diplomatic relations, Han dynasty, Usun state, Chinese princesses, "kinship diplomacy", Great Silk Road, Taklamakan desert

~~100 MB~~

~~8 900
so'm~~

~~300 MB~~

~~13 900
so'm~~

~~600 MB~~

~~19 900
so'm~~

~~1,5 GB~~

~~29 900
so'm~~

~~3,5 GB~~

~~55 900
so'm~~

500 MB

**8 900
so'm**

1 GB

**13 000
so'm**

1,5 GB

**15 000
so'm**

3 GB

**25 000
so'm**

5 GB

**35 000
so'm**

UCELL
TO'PLAMLARI
ORASIDA YANGI
CHEMPIONLAR

*555*3#☎

23500

1P

